



Et dosere et discere servitute legis

O'ZBEKISTON TERGOVCHISI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ

№02 (05) 2024

ILMIY — AMALIY YURIDIK JURNALI

СЛЕДОВАТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

научно-практический юридический журнал

THE INVESTIGATOR OF UZBEKISTAN

scientific – practical law journal



www.proacademy.uz
ISSN 2181-9564

ЖУРНАЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ 2023 ЙИЛ 31 МАРТДАГИ
335-СОНЛИ ҚАРОРИ БИЛАН ИЛМИЙ НАШРЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН





Бош муҳаррир:
Евгений Коленко

Масъул котиб:
Давурхон Нодиров

Таҳрир кенгаши:
Ниғматилла Йўлдошев
Бахриддин Валиев
Салом Самадов
Музаффар Эгамбердиев
Ричард Джойс

Таҳрир ҳайъати:
Ҳалим Болтаев
Бахтиёр Пўлатов
Фахри Рахимов
Музаффаржон Мамасиддиқов
Уйғун Нигмаджанов
Жаҳонгир Максумов
Ваҳобжон Каримов
Адхам Одинаев
Бахтиёр Каюмов
Мухтарам Раджапова
Хуршид Каримов
Алишер Ҳидоятўллаев
Истам Астанов
Азиз Хикматов
Рустам Кабулов
Баҳром Ахроров

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2023 йил 23 мартда 070684-сонли гувоҳнома билан олинган. Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2023 йил 31 мартдаги қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган. Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда “Ўзбекистон терговчиси” журналидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган материалларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:
100190, Тошкент шаҳри,
Рихсий кўчаси 9-уй
web-site: www.proacademy.uz
e-mail: info@proacademy.uz

Саҳифаловчи:
А.ЯМШИКОВ
Буюртма №278-23 Адади 367
Журнал «Credo Print» МЧЖ китоб фабрикасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили:
Тошкент ш., Боғишамол к. 160.
Тел.: 71 234-44-01/05.
www.credoprint.uz

Мундарижа/Оглавление/Table of contents

Б.ПЎЛАТОВ	Суд терговдаги сўроқда давлат айбловчиси иштирокининг ўзига хос хусусиятлари	3
М.ЭШНАЗАРОВ	Эксперт хулосасидан фойдаланишда унинг илмий асосланганлиги ва далилий аҳамиятини баҳолаш масалалари	9
Р.ЗУФАРОВ	Уголовная ответственность за коррупцию в сфере спорта	16
А.ИМОМНАЗАРОВ	Мурдани кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятлари	20
А.ЗУЛФУҚОРОВ	Инновацион технологиялар ёрдамида суд-экспертлик фаолиятини такомиллаштириш	29
R.J.JOYCE	The laundering of illicit proceeds obtained by criminal organizations involved in wildlife/environmental crimes	36
С.ШОМИРЗАЕВ, Ф.МИРЗАЕВ	Жиноий таъқиб жараёнида гумон қилинувчининг ҳуқуқий мақоми ҳамда уни сўроқ қилиш соҳасида миллий ва хорижий қонунчиликнинг қиёсий таҳлили	46
Ш.МУХАМАТОВ	Порахўрлик жиноятлари бўйича абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш билан боғлиқ муаммолар	55
Ғ.ШОДИЕВ	Жиноят процессида реабилитация институтининг назарий асослари	63
А.ТАДЖИБАЕВА	Жиноят процессида айблов функциясининг процессуал тартибга солиниши	69
Г.МУСАЕВ, Х.ГАЖИЕВ	Роль прокуратуры в борьбе с новыми угрозами в эпоху цифровизации и последние реформы в области цифровой криминалистики	77
А.АБДУЛЛАЕВ, Т.РАЖАБОВ	Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тушунчасининг мазмун-моҳияти	81
Б.РАЖАБОВ	Прокурор-криминалист институтининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари	88



Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси профессори, ю.ф.д., проф.

СУД ТЕРГОВИДАГИ СЎРОҚДА ДАВЛАТ АЙБЛОВЧИСИ ИШТИРОКИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар суд терговиди давлат айбловчисининг сўроқ қилишдаги иштироки, суд процесси иштирокчилари билан психологик алоқа ўрнатиши, сўроқ қилишнинг тактик усулларини қўллаш, сўроқ қилиш босқичлари, шакллари, дастлабки ва қўшимча сўроқнинг фарқли жиҳатлари, кесишма ва шахмат сўроқ қилиш усулларининг шартлари ва сўроқ қилишнинг процессуал қоидаларига риоя қилинишининг аҳамияти ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье освещены реформы осуществляемые в стране, вопросы участия государственного обвинителя в судебном следствии, установление психологического отношения с участниками судебного процесса, применение тактики судебного допроса, формы и этапы судебного допроса, различия предварительного и дополнительного допроса, требования методики перекрестного и шахматного допроса и значения соблюдения процессуальных правил при допросе.

ABSTRACT. This article covers the reforms implemented in the country, issues of participation of the public prosecutor in the judicial investigation, establishment of psychological relations with the participants of the judicial process, application of the tactics of judicial interrogation, forms and stages of judicial interrogation, differences between preliminary and additional interrogation, requirements of the methodology of cross-examination and chessboard interrogation and the importance of compliance with procedural rules during interrogation.

Калит сўзлар: ислохотлар, суд терговиди сўроқ, давлат айбловчисининг сўроқда иштироки, психологик алоқа, тактик усуллар, босқичлар, дастлабки ва қўшимча сўроқ, сўроқнинг кесишма ва шахмат усули, процессуал қоидаларга риоя қилиниши.

Ключевые слова: реформы, допрос в судебном следствии, участия государственного обвинителя при допросе, психологическое отношение, методическая тактика, этапы, предварительный и дополнительный допрос, соблюдения процессуальных правил.

Key words: reforms, interrogation in judicial investigation, participation of the public prosecutor during interrogation, psychological attitude, methodological tactics, stages, preliminary and additional interrogation, compliance with procedural rules.

Мамлакатимизда суд - ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар судларда ишлар юриштида тортишув тамойилининг тўлақонли татбиқ этилиши учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармонида қайд этилган 17-мақсадда қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустақам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш, фуқароларнинг кадр-қиммати

ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш бугунги кундаги ислохотларнинг устувор вази-фаларидан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Прокурорнинг суд терговиди иштироки муҳим аҳамият касб этиб, айнан шу босқич ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлашга, мунозара нутқини асосли баён этишга ҳамда суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлишига кўмаклашишга хизмат қилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруғида “Судда иштирок этувчи прокурор суд мажлиси жараёнида суд муҳокамаси қоидалари ва мунозара маданиятига амал қилиб, далилларни текшириши

1 Довудова Д.С. Жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштироки: назария ва амалиёт. Монография, “IMPRESS MEDIA” МЧЖ, 2022 йил, 8-бет



хамда уларга баҳо беришда фаол қатнашиши, иш бўйича қонун ва иш ҳужжатларига асосланган фикр бериши, ваколат доирасида ишнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўрилиши, қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилинишига эришилиши² белгиланган.

Суд терговидида сўроқ қилиш суд ҳаракатларидан бири ҳисобланади. Сўроқ қилиш анча кенг тарқалган суд ҳаракатидир ва бунда давлат айбловини қувватлаш уни моҳирлик билан ўтказишга боғлиқлиги боис прокурор сўроқ қилиш тактикасини пухта эгаллаган бўлиши керак.

Криминалистикага оид адабиётда асосан дастлабки тергов босқичига хос бўлган сўроқ қилиш тактикаси ишлаб чиқилган³. Шу туфайли ҳам давлат айбловчиси унинг айрим қоидаларидан судда ўзгартиришсиз, айримларидан эса тегишли тузатишлар билан фойдаланиши мумкин. Одил судловни амалга оширишнинг ошкоралик принципи ҳам сўроқ қилишни ўтказишга ўз таъсирини кўрсатади⁴.

Шу тариқа давлат айбловчиси тактикаси судда сўроқ қилиш ўтказилишининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Дастлабки тергов босқичида сўроқ қилиш иштирокчилари доираси одатда терговчи ва ҳимоячи билан чекланган бўлса, суд мажлисида сўроқ қилинувчига прокурордан ташқари судья, судьялар, ҳимоячилар, жабранувчилар, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, судланувчилар ҳам савол берадилар.

Давлат айбловчиси суд мажлисида сўроқ қилишда ҳимоя тарафидан бўладиган кучли қаршилиқни бошидан кечиради. Суд тергови жараёнида сўроқ қилинувчи ўзига берилиши мумкин бўлган саволлар доирасини

анча-мунча тасаввур қилади ва жавоб беришга дастлабки тергов босқичига қараганда яхшироқ шайланади.

Бундан ташқари, судланувчи ўзига берилиши мумкин бўлган саволларни тасаввур қилибгина қолмай, балки ишга алоқадор барча материалларни ўрганиб чиққанлиги, далилларни таҳлил қилганлиги ҳам унинг судда сўроқ қилиш давомида берадиган жавобларидан кўриниб туради.

Судда сўроқ қилишнинг ўзига хос шартларидан ташқари давлат айбловини қувватловчи прокурор тактикаси бошқа ҳолатлар билан ҳам белгиланади. Улар қаторида сўроқ қилинувчининг унга эълон қилинган айбга нисбатан тутган позицияси, низоли вазиятнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, ҳимоянинг фаоллик даражаси, дастлабки тергов давомида сўроқ қилинувчининг ўз кўрсатмаларини ўзгартириши ва бошқаларни келтириш мумкин. Бундан ташқари, сўроқ қилиш давомида давлат айбловчисининг тактикаси бошқа сўроқ қилинувчи шахсларнинг қандай йўл тутишига қараб тузатиб борилади. Бундай вазиятда сўроқ қилиш режасига эга бўлган давлат айбловчиси ўзини эркинроқ ҳис қилади. Сўроқ қилиш режаси нафақат иш материалларини ўрганиш вақтида, балки суд тергови жараёнида ҳам тўлдириб борилади, прокурор олинган маълумотлардан музокараларда сўзга чиқишга тайёргарлик кўришда ҳам фойдаланади.

Сўроқ қилинувчи дастлабки тергов босқичида ўз кўрсатмаларини қайта-қайта ўзгартирган тақдирда, кейинчалик ҳар қандай пайтда сўроқ қилинувчининг ушбу кўрсатмаларини ўқиб эшиттиришни судда раислик қилувчидан сўрашга тайёр туриш учун давлат айбловчиси унинг кўрсат-

2 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 27 ноябрдаги "Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги 126-сонли буйруғи.

3 Рахимов Ю. Процессуально - психологические проблемы допроса и оценки показаний по Уголовно - процессуальному кодексу Республики Узбекистан, Автореферат д.ю.н. / Т. Ташкентский Государственный юридический институт, 2000 г.

4 Ахмедова Л.Х. Открытое разбирательство дел в уголовном судопроизводстве Республики Узбекистан (гласность). Автореферат... к.ю.н. Академия МВД РУ, 1997 г., С. 5.



маларини акс эттирган устунга кўчириб ёзиб, уларни жиноят ишидаги иш варақлари рақамлари билан белгилаб қўйиши мақсадга мувофиқдир.

Сўроқ қилиш самарадорлиги кўп жиҳатдан сўроқ қилинувчи билан психологик (руҳий) алоқа ўрната олишга боғлиқ. Бинобарин, бу давлат айбловчисининг психологик маданиятини белгиловчи омиллардан биридир. Давлат айбловчиси фаолиятининг муҳим касбий жиҳати коммуникатив жиҳатидир. Бунда алоқа ўрната билиш ва мулоқотга киришиш маҳорати давлат айбловчисининг ишида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди ва унинг касб маҳорати даражасини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Прокурор давлат айбловчини қувватлаш жараёнида ўз коммуникатив қобилиятини рўёбга чиқарар экан, мулоқот олиб боришнинг моҳир устаси, тажрибали мунозарачи ва ягона мақсад сари йўналтирилган, процесс иштирокчилари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга интилишга хос бўлган ажойиб суд нотиғи бўлиши керак⁵.

Давлат айбловчисига сўроқ қилинувчилар билан психологик (руҳий) алоқа ўрнатишга имкон берувчи куйидаги тактик усулларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- сўроқ қилинувчининг шахсига қизиқишни кўрсатиш, унга шахсий томондан ёндашиш;
- сўроқ қилинувчига самимий, тўғри муносабатда бўлиш;
- сўроқ қилинувчининг позициясига ҳурмат билан қараш;
- сўроқ қилинувчининг тақдири билан қизиқиш;
- саволни қулай тарзда қўйиш;
- холисликни намойиш этиш;
- суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- судьялар ва адвокатлар билан яхши муносабат ўрнатиш;

– сўроқ қилинувчининг сўзларини бўлмасдан эшита билиш ва уни жеркиб ташламаслик;

– сўроқ қилинувчининг ўзини тутишини қўллаб-қувватлаш;

– сўроқ қилинувчи учун ўнғайсизлик - ноқулайлик туғдирувчи вазиятларни барга-раф этиш.

Тактик усулларни қўллаётганда давлат айбловчисида ҳар доим меъёр ҳисси бўлмоғи керак. Айни вақтда санаб ўтилган тактик усулларни биргаликда моҳирона қўллаб билиш прокурорнинг сўроқ қилинувчилар билан психологик алоқа ўрната олишига имкон беради.

Судда сўроқ қилишда куйидаги босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин: кириш, эркин сўзлаб бериш ва савол-жавоб. Кириш босқичи сўроқ қилинувчининг шахси ҳақидаги маълумотларни олиш, агар жабрланувчи ва гувоҳни сўроқ қилиш ҳақида сўз бораётган бўлса, кўрсатма беришдан бош тортганлик ва ёлғон кўрсатмалар берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиришдан иборат. Амалдаги қонунга кўра раислик қилувчи биринчи навбатда сўроқ қилинувчига ишнинг унга маълум бўлган ҳолатлари тўғрисида эркин сўзлаб беришни таклиф этади. Мазкур босқичнинг мавжудлиги сўроқ қилинувчига воқеани ўзи қандай тасаввур қилса шундайлигича баён этиш ва ўзи лозим деб ҳисоблаган ҳажмда маълумот бериш имконини яратади.

Давлат айбловчиси ишора қилувчи саволлар, яъни кутилаётган жавобга бевосита ёки билвосита йўналтириш мазмунидаги саволлар беришга йўл қўйилмаслигини ёдда тутмоғи лозим. Ҳар қандай ҳолатда саволлар шундай тузилиши керакки, сўроқ қилинувчи ундан ҳеч қандай ахборот ола олмасдан, фақат ўз хотирасига мурожаат қилишга мажбур бўлсин.

Айрим пайтда эса суд процесси жараёнида қутилмаганда иш ҳолатларидан келиб чиқмаган янги ҳимоя версияси ҳам пайдо



бўлиб қолади. Судга раислик қилувчи бундай саволларни олиб ташлашга ҳақли, лекин бу иш раислик қилувчи томонидан қилинмаган бўлса, давлат айбловчиси суд мажлиси баённомасига киритиш билан саволни олиб ташлашни таклиф қилиши шарт.

Прокурорнинг суд мажлисида иштирок этиши энг аввало судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни сўроқ қилишни ўтказиш ёки бошқа суд ҳаракатларида фаол қатнашиш йўли билан судланувчининг айбини очиб ташлашга ва дастлабки тергов натижалари тўғрилигини белгиловчи асосий мезонларга қаратилган.

Судда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш учун прокурор алоҳида уқувга, малакага эга бўлиши шарт. Зеро айбловнинг барбод бўлиши, қонун бузилишида айбдор бўлган шахсларнинг жазоланмай қолишига сабаб бўлади. Натижада ёмонлик бежazo қолади, адолат қарор топмайди. Шундан яққол аён бўладикки, суд процессида прокурорнинг фаол иштирокисиз суд ислоҳотлари самарадор бўлмайди⁶.

Суд терговидида исбот қилишнинг асосий процессуал манбасини сўроқ ташкил қилади. Айнан ҳар хил тоифадаги процессуал шахсларни сўроқ қилиш давомида исбот қилишга доир зарур, аҳамиятли ахборотлар олинади. Судда сўроқнинг малакали, юқори даражада ўтказилиши қонуний ва асосли қарор қабул қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун давлат айбловчисининг суд иш юритувидаги сўроқда иштирок этишининг тактик масалалари долзарб аҳамиятга эга.

Суд терговидида сўроқнинг тактик хусусиятларини англаш учун биринчи навбатда уни бошланғич терговдаги сўроқдан фарқланишини аниқлаб олиш зарур.

Суд терговидидаги сўроқнинг асосий фарқланувчи аломатлари қуйидагиларда кўринади:

- суд терговидидаги сўроқнинг ошкоралик характери;
- маълум даражада қисқа вақт давомида

ўтказилиши;

- тергов билан жиноят содир қилинган вақт ўртасида жиддий оралиқ мавжудлиги;
- тактик қоидалар қўлланиши имкониятларининг маълум даражада қисқариши;
- прокурорнинг сўроқ қилинувчилар шахсиятига доир хусусиятлар ҳақида минимал ахборотга эгаллиги (уларни биринчи бор кўриб туриши) уларни сўроқ қилишда тактик имкониятларни қисқартиради.

Шу билан бирга, суд терговидидаги сўроқ дастлабки терговдаги каби изланиш характери билан бирга текширув-тасдиқлаш характериға ҳам эга, бу эса суд тергови жараёнида давлат айбловчиси олдида турган вазифани маълум даражада қисқартиради.

Давлат айбловчиси суд тергови жараёнидаги сўроқ ўз хусусиятига кўра бир хил тоифали эмаслигини эътиборга олиши лозим, шу сабабдан сўроқни ҳар хил асослар бўйича тасниф қилиш зарурияти юзага келади. Сўроқ қилинувчининг процессуал ҳолатига боғлиқ ҳолда судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт сўроқларига ажратилади.

Дастлабки тергов босқичи билан таққослаганда давлат айбловчиси судда амалга оширадиган сўроқ қилиш шакллари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Олинган ахборотнинг мазмуни, ҳажми ва бошқа хусусиятларига кўра сўроқни икки турга, яъни асосий ва қўшимча сўроққа ажратиш одат тусига кирган. Одатда маълум бир шахс суд ва суд процессининг бошқа иштирокчилари томонидан сўроқ қилинади. Бу сўроқ қилишнинг асосий шакли ҳисобланади. Асосий сўроқда сўроқ предмети ҳар томонлама текширилади ва сўроқ қилиш қўшимча программасининг ҳамма масалалари амалга оширилади, қўшимча сўроқда муқаддам ўтказилган асосий сўроқни тўлдириш учун аниқликлар киритилади, қўшимча сўроқнинг асосий функциясини тўлдириш, қоплашдан иборат.

Сўроқнинг олдин-кейинлиги нуқтаи на-

6 Рустамбаев М. Ҳуқуқий давлатларда прокуратура. "Qonun himoyasida" журнали, 2003 йил 1(85)-сон, 10-13-б.



заридан дастлабки ва қўшимча сўроққа бўлинади. Дастлабки сўроқ жараёни, олинадиган маълумотларнинг ҳажми ёки мазмуни, бериладиган саволларнинг янги мазмунга эга бўлиши ва дастлабки сўроқда олинган маълумотни текшириб кўриш талаб қилинса, қўшимча сўроқ ўтказишга тўғри келади. Қўшимча сўроқ дастлабки сўроқдан айнан шу жиҳатлар бўйича фарқ қилади⁷.

Давлат айбловчиси қўшимча сўроқдан ташқари қайта сўроқ қилишни ҳам ўтказиши мумкин. Юқорида қайд қилинганидек, қўшимча сўроқда давлат айбловчиси асосий сўроқда қўлдан чиқарилган ҳолатларни аниқлайди. Қайта сўроқ эса сўроқ қилинган шахс илгари берган кўрсатмаларни тўлдириш ва ўзгартириш истагини билдирганда, бошқа далилларни текширишда олинган кўрсатмаларнинг тўғрилигига шубҳа туғилганда, иш учун муҳим янги саволлар туғилганда, шунингдек, ишнинг судда кўрилиши кейинга қолдирилганда ва сўроқ қилинувчилар яна судга чақирилганда, ишга киришган захирадаги халқ маслаҳатчиси шахсни янгидан сўроқ қилишни талаб қилганда ўтказилади.

Суд тергови жараёнига хос бўлган сўроқ турларига кесишма (қарама - қарши) ва шахмат усулидаги сўроқлар ҳам киради. Суд муҳокамасида бир шахсни сўроқ қилиш жараёнида томонлар кўрсатмаларини текшириб кўриш, тўлдириш ёки уларга аниқлик киритиш мақсадида шахсга навбати билан битта ҳолатга доир саволлар берилиши криминалистикада кесишма (қарама-қарши) сўроқ қилиш дейилади.

Давлат айбловчиси кесишма усулда сўроқ қилиш кўникмасини эгаллаган бўлиши мажбурийдир, чунки бу усул қарама-қаршиликларни очиб ташлашга, жиноят ҳолати деталларини аниқлаштириш, сўроқ қилинувчининг ёлғон кўрсатмалар бераётганлигини фош қилиш ва ниҳоят кўрсатмаларни муҳим далиллар билан бойитишга имкон яратади.

Давлат айбловчиси сўроқ қилишнинг муҳим шаклларида бири бўлмиш шахмат усулида сўроқ қилишни ҳам пухта ўзлаштирган бўлиши керак. Унинг моҳияти шундан иборатки, сўроқ қилувчи битта шахсни сўроқ қилаётганда йўл-йўлакай бошқа шахсларга ҳам саволлар беради. Унинг мақсади ўзга шахс кўрсатмаларини тасдиқлаш ёки инкор этишдан иборат. Шахмат усулида сўроқ қилишнинг кесишма усулда сўроқ қилишдан фарқи шундаки, шахмат усулида бир киши, кесишма усулида кўпроқ киши сўроқ қилинади. Шахмат усулида сўроқ қилишда битта ва айнан ўша ҳолат битта сўроқ қилувчи томонидан битта шахсни сўроқ қилиш билан аниқланади.

Шахмат усулида сўроқ қилишни ўтказиш зарурияти кўпроқ ҳимоячида эмас, балки давлат айбловчисида пайдо бўлади. Чунки ҳимоячи мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этишдан манфаатдор эмас, аксинча у бу қарама-қаршиликлардан айблов версиясини инкор этиш учун фойдаланади. Шу боисдан айнан прокурор олдида сўроқ қилишни ушбу шаклда ўтказиш йўли билан ишдаги мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш вазифаси туради.

Кўрсатиб ўтилган масалада далиллардаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш имконини берувчи воситалар ҳам катта аҳамиятга эга. Аввало бу далилий маълумотларни синчковлик билан текширишдир. Далилларнинг ҳаққонийлигига шубҳа уйғотадиган ҳолатлар бор ёки йўқлигини, айнан қандай қарама-қаршиликлар мавжудлигини, улар қандай ривожланганини, иш бўйича тўпланган кўрсатмалар далилларга нимаси билан зид келишини аниқлаши зарур.

Шахмат усулида сўроқни амалга оширишда икки шартга риоя қилиниши зарур:

– сўроқ давомида бир шахснинг иккинчи шахсга мурожаат қилишига, агар улар судда муқаддам сўроқ қилинган бўлиб, суд мажлиси залида мавжуд бўлганлари тақдирда

7 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Тошкент, Адолат, 2000 й., 178-б.



йўл қўйилади;

– бошқа шахсларга берилаётган саволлар асосий сўроқ доирасидан четга чиқиб кетмаслиги керак.

Шахмат усулида сўроқ процессуал шахслар юзлаштирилишининг бир тури сифатида қўрилиши керак. Лекин улар ўртасида айрим фарқлар мавжуд, яъни юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда бу қаршиликларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказилади⁸, шахмат усулидаги сўроқ жараёнида эса муқаддам судда сўроқ қилинган бир нечта шахсга саволлар берилиши мумкин. Юқорида қайд қилинганидек, юзлаштиришнинг мақсади шахсларнинг кўрсатмаларидаги жиддий қарама-қаршиликлар сабабини аниқлаш бўлса, шахмат усулидаги сўроқнинг мақсади бир шахс кўрсатмасини бошқа шахс томонидан тасдиқлаши ёки рад этилиши бўлиши мумкин.

Юзлаштирувчининг мақсади сўроқ қилинувчи шахслар кўрсатувларидаги муҳим қарама-қаршиликларни бартараф этишдан иборат. Бироқ дастлабки тергов босқичида юзлаштириш кўрсатмаларидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишнинг ягона воситаси бўлганлиги туфайли далилларни тўплаш воситаси тариқасида аксарият тергов ҳаракати сифатида қўлланилади. Суд муҳокамаси доирасида давлат айбловчиси қарама-қаршиликларни бартараф этишнинг янада қулай бошқа воситасига эгадир. Бу шахмат усулида сўроқ қилиш усули бўлиб, унинг мақсади ҳам қарама-қаршиликларни бартараф этишдир. Айни вақтда шахмат усулида сўроқ қилишни судда ўтказиладиган юзлаштириш билан айнан бир хил деб қараш тўғри эмас. Улар ўртасида ўхшашлик мавжудлигига қарамай, битта муҳим тафовут ҳам бор. Бу тафовут шундан иборатки,

шахмат усулидаги сўроқда сўроқ қилинувчилар бир-бирига савол бера олмайди, юзлаштиришда эса бу табиий ҳол сифатида қабул қилинади.

Шахмат усулида сўроқ қилишда қарама-қаршиликларни бартараф этиш вазифаси осонроқ, тезроқ ва самаралироқ ҳал этилади. Шу билан бир вақтда юзлаштириш каби суд ҳаракатини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги инкор этилмайди. Кўрсатувлардаги қарама-қаршиликларнинг иш якунига таъсир кўрсатиши яққол кўриниб турганда, уни ўз вақтида ўтказиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилиш айниқса муҳимдир. Юзлаштиришнинг ўтказилиши сўроқ қилинувчи шахсларни интизомли бўлишга ва кўрсатмалар беришга катта масъулият билан ёндашишга ўргатиши мумкин.

Бундай сўроқ қилишга қўйиладиган асосий талаблардан бири жиноят-процессуал қонунчиликнинг сўроқ қилишга тегишли бўлган барча умумий қоидаларини қатъий ва оғишмай ижро этишдир. Сўроқ қилишнинг умумий тартибини белгиловчи ҳуқуқ нормалари процесснинг барча иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларига амал қилинишини кафолатлайди. Давлат айбловчиси судда ўтказадиган сўроқ қилиш этикаси (одоби) судга ва суд процессининг бошқа иштирокчиларига, шунингдек, ҳар қайси сўроқ қилинувчи шахсга хушмуомала муносабатда бўлишни талаб этади. Сўроқ қилинувчини менсимаслик, унинг кўрсатмаларига холислик билан ёндашмаслик прокурорга ёт бўлмоғи керак. Айниқса прокурорнинг жиззақилиги, ноўрин лўқма ташлаши мутлақо тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолдир, шунингдек, сўроқ қилинувчининг кўрсатмаларини шарҳлаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки унга айблов нутқида баҳо берилади.

#



Муродқосим ЭШНАЗАРОВ,
Самарқанд вилояти прокурори,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИДАН ФЙДАЛАНИШДА УНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАНГАНЛИГИ ВА ДАЛИЛИЙ АҲАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада жиноят ишларини юриштида эксперт хулосасининг илмий асосланганлиги ва далилий аҳамиятини баҳолаш масалалари, хусусан, жиноят-процессуал қонунчилигимизда эксперт хулосасини баҳолашга қўйилган махсус талаб сифатида далилларнинг мазкур турини илмий асосланганлиги нуқтаи назаридан баҳолаш тушунчаси, тартиби ва шартлари муҳокама қилинган. Шунингдек, эксперт хулосасини баҳолашнинг охириги босқичи сифатида уни аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолашга оид миллий ва хорижий олимларнинг қарашлари, хорижий давлатлар қонунчилиги муҳокама қилиниб, ушбу институтни миллий қонунчиликка татбиқ қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассмотрены вопросы оценки научной обоснованности и доказательной значимости экспертного заключения при производстве по уголовным делам, в частности, понятие, порядок и условия оценки данного вида доказательств с точки зрения научной обоснованности как особого требования к оценке экспертного заключения в нашем уголовно-процессуальном законодательстве. Также в качестве заключительного этапа оценки экспертного заключения обсуждаются взгляды отечественных и зарубежных ученых на оценку его с точки зрения значимости, законодательство зарубежных стран, даются предложения и рекомендации по имплементации данного института в национальное законодательство.

ABSTRACT. This article discusses the issues of evaluating the scientific validity and evidentiary significance of expert reports in criminal proceedings, particularly focusing on the concept, procedure, and conditions for assessing this type of evidence within the framework of our criminal procedure legislation. Additionally, it compares the evaluation procedures in our national legislation with those of foreign countries, incorporating the scientific perspectives of national and foreign researchers regarding the significance of expert report assessment. Suggestions and recommendations are provided for implementing this approach into national legislation.

Калит сўзлар: эксперт хулосаси, эксперт хулосасини баҳолаш, эксперт, экспертиза, илмий асосланганлик, далилий аҳамият.

Ключевые слова: экспертное заключение, оценка экспертного заключения, эксперт, экспертиза, научная обоснованность, доказательная значимость.

Key words: expert report, assessment of expert reports, expert, examination, scientific validity, evidentiary significance.

Жиноят ишларини юриштида далилларнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ўзига хос хусусиятларга эга. Шу сабабли қонун чиқарувчи далилларни баҳолашнинг умумий қоидаларидан ташқари айнан муайян далилларгагина татбиқ этиладиган қўшимча қоидаларни ҳам белгилайди.

Шу каби қоидалардан бири – бу эксперт хулосасини умумий мезонлар (ишга алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончилиги) нуқтаи назаридан баҳолаш билан бир вақтда унинг илмий асосланганлигини ҳам баҳолашдир. Хусусан, Ўзбекистон

Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 187-моддасига кўра, эксперт хулосаси терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

Эксперт хулосасини илмий асосланганлиги юзасидан баҳолаш масаласи-



да олимлар томонидан турли хил қарама-қарши фикрлар билдирилган. Айрим олимлар эксперт хулосаси мазкур мезонга кўра баҳоланишига қарши чиқиб, унинг асоссиз эканлигини таъкидлашади. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса ушбу масалада нейтрал позицияни танлашади. Учинчи гуруҳ олимлар эксперт хулосасини илмий асослантирилганлик нуқтаи назаридан баҳолаш мураккаб жараён бўлса-да, бундай мураккабликларни бартараф этишнинг бир қанча усул ва воситалари борлигини таъкидлашади.

Биринчи гуруҳ олимларнинг, хусусан, Р.Белкиннинг таъкидлашича, терговчи ва суд эксперт хулосасини унинг тўлиқлиги ҳамда берилган барча саволларга жавоб берилганлиги нуқтаи назаридангина баҳолай олади. Бироқ улар эксперт хулосасини илмий асосланганлик, тадқиқот усулини танлаш ва қўллашнинг тўғрилиги, ушбу усулнинг тегишли билим соҳасининг замонавий ютуқларига мувофиқлиги каби масалаларни баҳолай олмайдилар. Сабаби бундай баҳолаш учун улар эксперт билан бир хил билимларга эга бўлишлари лозим бўлади¹.

А.Эксархопуло ҳам шу каби фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда эксперт хулосасининг илмий асосланганлиги эксперт хулосасини баҳолаш мезонлари қаторига кирмаслиги керак, деб ҳисоблайди².

Иккинчи гуруҳ олимлари – нейтрал позиция тарафдорлари, хусусан, А.Хмелеванинг фикрича, танланган эксперт методикасининг илмий асослилигини, уни муайян ҳолатда қўллашнинг қонунийли-

гини, методиканинг эксперт билим соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқлигини баҳолашда муайян қийинчиликлар юзага келади, чунки терговчи ушбу соҳада мутахассис эмас ва умуман олганда, мутахассиснинг махсус билимларига эга эмас³.

Учинчи гуруҳ олимларидан А.Петрухина мазкур масалада ўз фикрини билдириб, эксперт хулосасини илмий асослантирилганлик нуқтаи назаридан баҳолаш мураккаб жараён бўлса-да, терговчи ва суд ушбу қийинчиликларни енгиб ўтиш ва эксперт хулосасининг илмий асослилигини баҳолаш имкониятига эга, деб ҳисоблайди⁴.

Шу каби фикрни илгари сурган Й.Лившиц ва А.Кудрявсеваларнинг таъкидлашича эса, эксперт хулосасини илмий асослантирилганлик нуқтаи назаридан баҳолаш жараёнидаги қийинчиликларни қўйидагилар асосида ҳал қилиш имконияти мавжуд:

- илмий ва маълумотнома адабиётларини ўрганиш;
- хулосанинг илмий ишончилигини баҳолашга ёрдам бериш учун мутахассисларни жалб қилиш;
- экспертиза ўтказган экспертни сўроқ қилиш;
- юқоридаги усулларни амалга оширган тақдирда ҳам агарда хулосанинг асослилигига нисбатан шубҳа туғилса, қайта экспертиза тайинлаш⁵.

Бизнингча, юқорида келтирилган эксперт хулосасини илмий асослантирилганлик нуқтаи назаридан баҳолашга қарши бўлган олимларнинг фикрлари қисман тўғри бўлса-да, лекин бу эксперт хуло-

1 Белкин Р.С. Курс криминалистики: В 3 т. М.: Юристъ, 1997 г. Т. 3: Криминалистические средства, приемы и рекомендации.

2 Эксархопуло А.А. Специальные познания в уголовном процессе и их нетрадиционные формы // Вестник криминалистики № 2, 2001 г.

3 Хмелева А.В. Оценка следователем заключения судебного эксперта // Известия ТулГУ. Экономические и юридические науки. 2016 г. №3-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-sledovatelem-zaklyucheniya-sudebnogo-eksperta> (дата обращения: 13.02.2024 г.).

4 Петрухина А.Н. Заключение эксперта и его оценка в уголовном процессе : диссертация ... кандидата юридических наук : 12.00.09 / Петрухина Алсу Наилевна; [Место защиты: Моск. гос. юрид. акад. им. О.Е. Кутафина]. - Москва, 2012 г. - 226 с.

5 Лившиц Ю.Д., Кудрявцева А.В. Использование специальных познаний в уголовном процессе: Учебное пособие. Челябинск: Рекпол, 1999 г. С. 70.



сасини мазкур асосга кўра баҳолашни чеклашга асос бўла олмайди. Сабаби жиноят ишини юритувчи органлар ишдаги далилларни ҳар тарафлама ва батафсил баҳолай олишлари, мазкур жараёнда уларнинг олдида ҳеч қандай асоссиз тўсиқлар бўлмаслиги керак.

Ушбу соҳада қонун билан ўрнатиладиган чекловларга фақатгина ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқларига асоссиз дахл қилинадиган ҳолатлардагина йўл қўйилиши мумкин. Бошқа асосларга кўра бундай чекловларнинг ўрнатилиши, хусусан, эксперт хулосасини илмий асослантирилганлик нуқтаи назаридан баҳолашнинг чекланиши терговнинг ҳамда судда ишларни кўришнинг тўлиқ ва ҳар томонлама бўлишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, эксперт хулосасини илмий асосланганлик нуқтаи назаридан баҳолашга оид илмий тадқиқотларда мазкур масалада жиноят ишини юритувчи органлар ва мансабдор шахслар олдидаги мураккабликларни бартараф этиш йўллари тўғрисидаги қарашлар ҳам илгари сурилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Й.Россинская, Й.Галяшина ва А.Зинин каби олимлар томонидан таъкидланишича, эксперт хулосасининг илмий асосланганлигини текширишнинг ягона имконияти бу экспертларнинг ҳақиқий рақобати бўлиб, унга эришиш учун суд экспертизаларини тайинлаш ҳуқуқини нафақат суд ва айблов томонига, балки ҳимоя томонига ҳам бериш керак⁶.

Бизнингча, мазкур фикрга қўшилиб бўлмайди. Зеро, бундай ёндашув “қарама-қарши томонлар экспертларининг хулосалари ўзаро номутаносиб бўлади”, деган нотўғри тушунчага асосланади. Аслида

эса эксперт жиноят ишларини юритишда нейтрал позицияни эгаллайди. Яъни эксперт на айблов тарафи ва на ҳимоя тарафи манфаатларига хизмат қилмайди. Шу билан бирга, эксперт хулосаларининг ўзига хос “рақобатида” терговчи (ёки суд) у ёки бу экспертизани ҳисобга олиш масаласида “ҳакам” вазифасини бажариши керак. Бундай ҳакамлик эса аниқ мезонлар ва қоидаларга асосланган ҳолда ва энг асосийси, асосли ҳамда адолатли бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз.

А.Хмелеванинг ушбу масалага оид фикрига кўра, терговчи ёки судга эксперт хулосасининг илмий асосланганлигини баҳолашда биринчи навбатда ишончлик мезонига кўра ушбу мақсадлар учун жалб қилинган мутахассис ёрдам бериши мумкин. Муаллифнинг таъкидлашича, мутахассис махсус билимларга эга бўлиб, экспертиза тадқиқотини ҳамда хулосаларининг асослилигини тадқиқот нуқтаи назаридан баҳолай олади⁷.

Фикримизча, мазкур қараш асослидир. Сабаби жиноят ишини юритувчи шахслар эксперт хулосасининг илмий асослантирилганлиги масаласини баҳолашда ушбу жараёндаги қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар қандай усул ва воситалардан, шу жумладан, мутахассислар ёрдамидан ҳам фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бир қатор муаллифлар эксперт хулосасини баҳолаш учун мета-экспертиза тайинланиши тартибини жорий этишни таклиф қилишади. Бунда ушбу эксперт тадқиқоти объекти олдин олинган эксперт хулосаси ҳисобланади.

Мазкур қараш тарафдорларидан А.Белкиннинг таъкидлашича, бундай тадқиқот на қўшимча ва на такрорий экспертиза

6 Теория судебной экспертизы (Судебная экспертология): учебник/ Е.Р. Россинская, Е.И. Галяшина, А.М. Зинин; под ред. Е.Р. Россинской. М., 2016 г.

7 Хмелева А.В. Оценка следователем заключения судебного эксперта // Известия ТулГУ. Экономические и юридические науки. 2016 г. №3-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-sledovatelem-zaklyucheniya-sudebnogo-eksperta> (дата обращения: 13.02.2024 г.).



эмас. Сабаби у бирламчи экспертизанинг дастлабки материалларини кўриб чиқмайди, балки эксперт томонидан қўлланиладиган усуллар қанчалик етарли эканлиги, хулосалар қанчалик асосли эканлиги, эксперт томонидан йўл қўйилган хатоларни кўрсатиш мумкинми ва ҳоказо саволларга жавоб беради⁸.

Бизнингча, мета-экспертиза концепцияси тарафдорларининг қарашларига қўшилиб бўлмайди. Сабаби бундай экспертизани ўтказиш қайта экспертизадан деярли фарқ қилмайди. Аниқроғи, иккала ҳолатда ҳам янги тайинланган экспертизани амалга оширувчи эксперт дастлабки экспертизада қўйилган саволларга қайтадан муурожаат қилишга, уларни тадқиқ қилишга мажбур бўлади. Шу билан бирга, таклиф қилинаётган мета-экспертизада эксперт ўзи текшираётган эксперт хулосасининг натижасини билганлиги сабабли ушбу ҳолат объективликнинг йўқолишига олиб келиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, эксперт хулосасининг илмий асосланганлигини баҳолаш эксперт хулосасини бошқа мезонлар асосида баҳолашга қараганда мураккаб бўлган жараён ҳисобланиб, бунда муайян ноаниқликларга чек қўйишда мутахассис ёрдамидан фойдаланиш ўринли бўлади.

Шу билан бирга, эксперт хулосасининг илмий асосланганлигини баҳолаш жараёнида терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд қуйидагиларни баҳолашга алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ:

– танланган эксперт методикасининг илмий асослилигини;

– танланган методикани муайян ҳолатда қўллашнинг асослилигини;

– ушбу методиканинг эксперт билим соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқлигини;

– тадқиқот натижасига кўра олинган хулосаларнинг илмий жиҳатдан етарлича асослантирилганлигини.

Эксперт хулосасини баҳолашнинг энг сўнгги босқичи – бу уни далилий аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолашдир. Эксперт хулосасини, умуман олганда, далилларни далилий аҳамиятига кўра баҳолаш масаласи миллий қонунчилигимизда назарда тутилмаган.

Шунингдек, соҳа олимлари, шу жумладан айрим миллий олимларимизнинг илмий тадқиқотларида далилларни далилий аҳамиятига кўра баҳолаш ҳақидаги қарашлар илгари сурилганлигини кўришимиз мумкин. Миллий олимларимиздан Б.Миренский, А.Раҳмонқулов, Ж.Камолходжаев ва В.Қодировалар ҳам далилларни баҳолаш мезонлари қаторида уларни аҳамиятига кўра баҳолаш мезонини ҳам санаб ўтади⁹.

Б.Ражабов мазкур масала юзасидан кўриб чиқиладиган тушунчага таъриф бериб, далилни аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан баҳолаш деганда, тўпланган маълумотларнинг исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, шунингдек жиноят иши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар ва фактлар билан объектив алоқалари мавжудлигини аниқлаш тушунилади, деган қарашни илгари суради.

Мазкур олимнинг фикрича, агарда битта жиноят кесимида айбланиш ва ҳукм қилиш учун асосларнинг ҳаммаси бўйича алоқадор, мақбул ва ишончли далилларнинг барчаси тўпланадиган бўлса-да, уларнинг бир нечтаси далилларнинг алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик талабига жавоб беришидан қатъи назар, иш учун

8 Белкин А.Р. УПК РФ: конструктивная критика и возможные улучшения. Часть X. Производство судебной экспертизы. Москва: МТУ (МИРЭФ), 2016 г.

9 Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик / Б.А. Миренский, А.Х. Раҳмонқулов, Ж. Камалходжаев, В.В. Қодирова. – Т., 2004 й. – 126-б.



аҳамиятсиз бўлиб чиқади. Масалан, айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар бўйича тўпланган далиллар алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик талабига жавоб берса-да, уларни айрим жинойт ишлари бўйича айблаш ва ҳукм қилишнинг асосига қўйиб бўлмайди.

Айнан шу мисолга ўхшаш вазиятларда тўпланган далиллар, агарда улар айблаш ва ҳукм қилиш учун аҳамиятсиз бўлса уларни текшириш каби ортикча ҳаракатларни бажариш бизнингча мақсадга мувофиқ эмас. Шу боис, ҳар бир далил алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлигидан ташқари аҳамиятлилиги бўйича ҳам баҳоланиши лозим¹⁰.

Айрим олимлар эксперт хулосасини далилий аҳамиятига кўра баҳоланиши иш учун қанчалик аҳамиятли эканлигини исботлашда уни бошқа мезонларга кўра баҳолаш билан қиёслаган ҳолда ўрганишади. Жумладан И.Бурковнинг фикрича, эксперт хулосасининг ишга алоқадорлигини баҳолаш ўзида муҳимлик ва аҳамиятлилик хусусиятларини ҳам қамраб олади. Зеро, бунда эксперт хулосасидаги маълумот ёки муайян ҳолатни тасдиқлаш ёки рад этиш тўғрисидаги хулоса берилиб, бундай хулоса ишни тергов қилиш ва ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлашда жуда ҳам қимматли ҳисобланиши мумкин¹¹.

Й.Орловнинг фикрича эса, ишга алоқадорлик далиллар кучининг зарурий шартидир, аммо бу ҳеч қандай кафолатни бермайди. Тўлиқ ишга алоқадор далил ҳеч қандай кучга эга бўлмаслиги ҳам мум-

кин¹².

Бизнингча, юқорида келтирилган иккала қараш бир-бирини муайян маънода инкор этади. Бунда Й.Орловнинг фикрига қўшилмасдан бўлмайди. Сабаби эксперт хулосасининг ёки ундаги бирор маълумотнинг ишга алоқадор деб ҳисобланиши ўз-ўзидан унинг иш учун аҳамиятли эканлигини белгилаб бермайди. Масалан, жинойт жойидан топилган идентификация қилиш учун яроқсиз қон доғлари ишга алоқадор бўлгани билан ҳеч қандай далилий аҳамиятга эга эмас. Сабаби ундан ишдаги бирор фактик ҳолатни тасдиқлаш ёки рад этишда фойдаланиб бўлмайди.

Шунга кўра, эксперт хулосасини далилий аҳамияти нуқтаи назаридан баҳоланиши бошқа мезонларга кўра баҳоланиши билан узвий боғлиқ ҳисобланса-да, алоҳида баҳоланиши мезони бўлиб қолади.

А.Прокопенко ва Ф.Чирковларнинг илмий асарларида далилни аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши қўйидаги асосий хусусиятлари ажратиб кўрсатилганлигини кўришимиз мумкин:

– далилни аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши жараёнида тўпланган маълумотларнинг исботланиши лозим бўлган ҳолатлар билан объектив алоқалари мавжудлиги аниқланади;

– далилни аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши жараёнида тўпланган маълумотларнинг жинойт иши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар ва фактлар билан объектив алоқалари мавжудлиги аниқланади¹³.

Олимлар томонидан далилларни далилий аҳамияти нуқтаи назаридан баҳоланиши уларнинг мақбуллигини баҳоланиши

10 Ражабов Б.А. Жинойт процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳоланиши: Монография – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019 й. – 93-б.

11 Бурков И.В. Заключение и показание эксперта в уголовном процессе. М.: Юрлитинформ, 2010 г. С. 83.

12 Орлов Ю.К. Проблемы теории доказательств в уголовном процессе. М.: Юрист, 2009 г. С. 89.

13 Прокопенко А.А. Оценка доказательств в ходе рассмотрения уголовного дела судом первой инстанции: Автореф. дис. ... на соискание ученой степени канд. юрид. наук. – Краснодар, 2009 г. – С. 11–12; Чирков Ф.В. Оценка доказательств в ходе окончания предварительного следствия: Автореф. дис. ... на соискание ученой степени канд. юрид. наук. – Краснодар, 2012 г. – С. 10–11.



билан ҳам қиёсланган. Масалан, В.Савитскийнинг сўзларига кўра, “далилларнинг мақбуллиги” атамаси одатда факт тўғрисидаги маълумот манбасининг (гувоҳнинг кўрсатмалари, эксперт хулосаси ва бошқалар) иш учун муҳим бўлган ҳақиқатни аниқлаш қобилятини англатади¹⁴.

Бироқ бизнингча, мақбуллик ва аҳамиятлилик далилларнинг турли хил хусусиятлари ҳисобланади. Сабаби мақбуллик далилларнинг ҳуқуқий тавсифини, аҳамиятлилик эса унинг мантиқий хусусиятини ўзида намоён этади. Аниқроғи, мақбуллик кўпроқ далил шаклига тегишли бўлса, аҳамиятлилик унинг мазмуни билан белгиланади.

Фикримизни мисоллар ёрдамида асослайдиган бўлсак, масалан, процессуал қоидаларнинг бузилиши натижасида олинган далилий объектни ўрганган экспертнинг хулосаси келгусида унинг мақбул эмас деб топилишига олиб келиши мумкин. Лекин бу каби далиллар мақбул эмас деб топилмаганда, уларнинг аҳамияти (қиймати) ўзгармаган бўлар эди.

Р.Костенко тўғри таъкидлаганидек, далилларни баҳолашнинг бошқа мезонларидан фарқли равишда унинг аҳамиятини баҳолашда муайян текшириш чоралари талаб қилинмайди¹⁵. Аввало бу эксперт хулосасининг мантиқий шакли билан белгиланади.

Мазкур масала К.Орлов томонидан батафсил ўрганилган бўлиб, эксперт хулосаларининг мантиқий шакллари бўйича батафсил таснифлаш ишлаб чиқилган¹⁶. Бироқ бизнингча, унинг далилий қийматини аниқлаш учун хулосанинг битта мантиқий шакли етарли эмас. Зеро, эксперт хулосаларининг далилий аҳамиятини аниқлаш учун нафақат унинг мантиқий

шаклини, балки мазмунини ҳам баҳолаш керак бўлади.

Шу ўринда эксперт хулосасининг далилий аҳамиятини баҳолашнинг қуйидаги умумий қоидаларини ажратиш кўрсатиш жоиз бўлади.

Биринчидан, агарда иккита бир-бирини ўзаро рад этадиган далил мавжуд бўлиб, уларнинг бири тўғри (бевосита), иккинчиси эса эгри (билвосита) далил сирасига кирганда ва уларнинг ишончилиги бир хилда баҳоланганда, тўғри (бевосита) далиллар эгри (билвосита) далилларга қараганда кўпроқ далилий аҳамиятга эга бўлади. Жумладан, жиноят ҳодисаси видеотасвирда акс этгани ҳолда эксперт хулосасида мазкур видеоёзувдаги ҳолатлардан бирортаси рад этилган тақдирда, тўғри далил – видеотасвирлар иш учун кўпроқ аҳамиятли ҳисобланади.

Иккинчидан, исботлаш предметиға киритилган муайян ҳолатларни белгилайдиган далиллар бундай хусусиятга эга бўлмаган бошқа далилларга қараганда кўпроқ далилий аҳамиятга эга деб ҳисобланади. Яъни эксперт хулосаси тўлақонли ишга алоқадор бўлганда бу унинг далилий аҳамияти ошишига ҳам ҳисса қўшади.

Шунга кўра, эксперт хулосасини далилий аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолаш заруриятини илгари суришдан ташқари, мазкур жараёнда эксперт хулосасининг далилий аҳамиятини унинг мазмунига кўра баҳолашнинг аниқ иерархиясини ҳам белгилаш лозим бўлади. Бунда эксперт хулосасининг далилий аҳамияти қуйидаги кетма-кетликда белгиланиши керак:

- 1) эксперт хулосасидаги исбот қилиш предметиға киритилган маълумотлар;
- 2) эксперт хулосасидаги исбот қилиш предметиға киритилмаган маълумотлар.

14 Савицкий В.М. Уголовный процесс России на новом витке демократизации // Государство и право. 1994 г. № 6. С. 105.

15 Костенко Р.В. Понятие и признаки уголовно-процессуальных доказательств. М.: Издательство «Юрлитинформ», 2006 г. С. 135.

16 Орлов Ю.К. Судебная экспертиза как средство доказывания в уголовном судопроизводстве. М.: Институт повышения квалификации Российского Федерального Центра Судебной экспертизы. 2005 г. С. 155-262.



Яъни эксперт хулосасидаги исбот қилиш предметиға киритилган маълумотлар унинг предметиға киритилмаганларидан кўра иш учун аҳамиятлироқ ҳисобланиши лозим.

Мазкур масалаға батафсил тўхталадиган бўлсак, юқоридаги биринчи гуруҳ, яъни эксперт хулосасидаги исбот қилиш предметиға киритилган маълумотларни ҳам қуйидаги иерархия асосида далилий аҳамиятиға кўра баҳолаш мақсадға мувофиқ бўлади:

1) жиноятнинг аниқ бир шахс томонидан содир этилганлигини белгилайдиган фактлар кўринишидаги эксперт хулосалари;

2) жиноят ҳодисаси тўғрисидаги эксперт хулосалари;

3) жиний жавобгарликни юзага келтирадиган ҳолатлар тўғрисидаги эксперт хулосалари, жумладан:

– жиноят субъекти билан боғлиқ хулосалар (шахснинг жиноят содир этиш вақтидаги ақлий ҳолати);

– жиноят ҳодисаси билан боғлиқ хулосалар, жумладан, ҳодиса вақтидаги реал имкониятлар (йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган вақтда ҳайдовчи томонидан тўқнашувнинг олдини олишнинг имкони бўлган-бўлмаганлиги каби масалалар) тўғрисидаги хулосалар;

– жиноят предмети билан боғлиқ бўлган хулосалар (масалан, жиноят қуроли бўлмиш ўқотар қуролнинг қонуний ёки ноқонуний эканлиги).

Ўз навбатида, эксперт хулосасидаги исбот қилиш предметиға киритилмаган маълумотларни ҳам қуйидаги кетма-кетликда жойлаштириш ўринли бўлади деб ҳисоблаймиз:

– муайян шахсни идентификация қилув-

чи хулосалар (масалан, оёқ излари, бармоқ излари, қон доғлари каби);

– маълум бир шахсға билвосита ишора қилувчи объектни индивидуал идентификация қилиш тўғрисидаги хулосалар (масалан, жиноят қуроллари, ўғирланган нарсалар каби);

– объектнинг умумий (гуруҳ) мансублиги тўғрисида хабар берувчи маълумотлар ва хулосалар (масалан, йўлдаги автомашина шинаси изларининг ўша ҳудудда кенг тарқалган автомобил шинаси гуруҳларидан бириға кириши ҳақидаги).

Бундан ташқари бизнингча, эксперт хулосасини баҳолашнинг сўнгги босқичида амалға ошириладиган эксперт хулосасини далилий аҳамиятиға кўра баҳолаш мезонини амалдаги қонунчиликда акс эттириш жоиз бўлади. Зеро, бу терговға қадар текширувни амалға оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан эксперт хулосаси бошқа мезонларға кўра баҳолаб бўлингандан кейин унинг ишдаги аҳамиятини аниқлашда ҳамда иш юзасидан келгусида чиқариладиган қарорларда мазкур эксперт хулосасиға қай даражада асосланиш масаласини ҳал қилишда муҳим ҳисобланади. Яъни эксперт хулосаси қонунчиликда белгиланган барча мезонларға кўра ижобий баҳоланган тақдирда ҳам у жиноят ишини юритувчи субъектлар учун мажбурий эмас ва бунда мазкур субъектлар эксперт хулосасининг аҳамияти жиҳатидан ёндашиши талаб этилади.

Юқоридагиларға асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 187-моддаси 1-қисмини эксперт хулосасини аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолашни назарда тутувчи норма билан тўлдириш мақсадға мувофиқ бўлади.



Рустам ЗУФАРОВ,
Профессор кафедры «Уголовное право, криминология и борьба с коррупцией»
Ташкентского государственного юридического университета, д.ю.н., проф.

УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА КОРРУПЦИЮ В СФЕРЕ СПОРТА

АННОТАЦИЯ. Характеризуются вопросы уголовной ответственности за коррупцию в сфере спорта и меры, направленные на разрешение проблем имеющихся в сфере спортивных отношений на современном этапе развития общества и государства.

АННОТАЦИЯ. Спорт соҳасидаги коррупция учун жиноий жавобгарлик масалалари ҳамда жамият ва давлат ривожланишининг ҳозирги босқичида спорт муносабатлари соҳасида мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирлар тавсифланади.

ABSTRACT. The issues of criminal liability for corruption in the field of sports and measures aimed at resolving the problems existing in the field of sports relations at the present stage of development of society and the state are characterized.

Ключевые слова: уголовная ответственность, спортивные отношения, общественная опасность, коррупция, наказание.

Калит сўзлар: жиноий жавобгарлик, спорт муносабатлари, жамоат хавфи, коррупция, жазо.

Key words: criminal liability, sports relations, public danger, corruption, punishment.

Борьба с коррупцией в новом Узбекистане является одним из приоритетных направлений государственной политики, определенных в Стратегии развития Нового Узбекистана. В ней, наряду с обеспечением верховенства закона и дальнейшего реформирования судебно-правовой системы, в качестве одной из важнейших задач определено совершенствование организационно-правовых механизмов противодействия коррупции и повышение эффективности антикоррупционных мероприятий. И как справедливо подчеркивает в этом отношении Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев, необходимо прививать общество «вакциной честности, так как коррупция в разных ее проявлениях препятствует развитию страны. И если мы не искореним это порочное явление, нам не удастся создать реально благоприятный деловой и инвестиционный климат, ни одна сфера жизни нашего об-

щества не будет развиваться и вследствие этого, подъем борьбы с коррупцией на качественно и количественно новый уровень является продуктом сегодняшней политической воли¹.

Необходимо отметить, что проводимые в настоящее время реформы, в сфере противодействия коррупции дают эффективные результаты. В республике созданы правовые основы, приняты концептуально значимые нормативно-правовые акты, направленные на предупреждение коррупции. К числу таковых относятся: Закон «О противодействии коррупции»², Указы Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан»³, Государственные программы, охватывающие все государственные и общественные организации, мероприятия, осуществляемые в масштабах страны.

1 Послание Президента Ш.М.Мирзиёева Олий Мажлису Республики Узбекистан от 24 января 2020 года

2 Закон Республики Узбекистан «О противодействии коррупции» от 3 января 2017 г., № ЗРУ-419

3 Указ Президента Республики Узбекистан, от 27.11.2023 г. № УП-200



Борьба с коррупцией осуществляется в комплексе с имплементацией международного опыта и соответствующих норм права в законодательство и практику страны. В частности, создание Агентства по борьбе с коррупцией является примером имплементации в стране соответствующих статей Конвенции ООН о борьбе с коррупцией, ратифицированной Узбекистаном, а также «Джакартских принципов» в международной антикоррупционной практике. Также были созданы Национальный совет Республики Узбекистан по противодействию коррупции и его территориальные советы, был запущен портал «Openbudget» – «Открытый бюджет» для осуществления общественного контроля за регулированием бюджетных расходов, информирования о фактах нарушений бюджетного законодательства и организации процедур внесения предложений по совершенствованию бюджетного процесса. В целях устранения административных и бюрократических барьеров, упрощения и повышения оперативности процедур регистрации, лицензирования и выдачи разрешений во всех регионах созданы Центры государственных услуг, Народные и Виртуальные приемные Президента, «Телефон доверия», а также «телефоны доверия», «виртуальные приемные» министерств и государственных ведомств, налажена практика проведения «выездных приемов» государственных руководителей всех уровней в целях обеспечения прав и свобод граждан. В борьбе с коррупцией осуществляется процесс широкого внедрения системы «комплаенс-контроль» в государственных органах и хозяйствующих субъектах.

В настоящее время государственная поддержка физической культуры и спорта является одним из важнейших направлений социально-экономической политики нашего государства. В рамках пятого направления Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы предусмотрено,

что в целях охраны здоровья населения, будут созданы широкие условия для охраны здоровья населения и важной задачей останутся развитие физической культуры и спорта, утверждение здорового образа жизни.

В этой связи, современный этап развития спортивных отношений, связанный с углублением рыночных отношений и либерализацией экономики, развитием предпринимательских отношений привнес большие изменения в правовое регулирование спортивных отношений, в организационную структуру управления физической культурой и спортом, в источники их финансирования, правовое положение спортсменов и тренеров, выявились новые тенденции воздействия правовых средств на спортивные отношения, изменив тем самым место физической культуры и спорта в системе общественных ценностей.

Прогресс физкультурно-спортивных отношений в нашей стране идет весьма динамично, что, в свою очередь, требует постоянного внимания к совершенствованию нормативно-правовой базы, созданию принципиально новых законодательных актов, закрепляющих как достижения физической культуры и спорта в нашей стране, так и недочеты, возникающие в данной сфере общественных отношений.

Так, в Узбекистане в 2019-2023 годах выявлено участие в договорных матчах 30 игроков и судей, 8 тренеров, 7 руководителей футбольных клубов, 2 сотрудников администрации футбольных клубов, в общей сложности 77 спортсменов. Более того, наблюдаются случаи незаконного получения участниками и организаторами спортивных соревнований материальных ценностей или имущественной выгоды, а также подкуп участников и организаторов спортивных соревнований.

Ещё в ходе своего выступления в августе 2021 года Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев на встрече со спортсмена-



ми и тренерами, участвовавшими в XXXII летних Олимпийских играх, высказался о коррупции в спорте: «Снизился уровень национальных чемпионатов. Больше всего вызывают тревогу случаи коррупции в этой сфере. Например, стало обычным явлением заявлять на участие в республиканском этапе соревнований одних и тех же спортсменов определенных категорий без проведения региональных этапов. Поэтому на наших чемпионатах очень мало сильных спортсменов и почти нет конкуренции. К тому же в турнирах по командным видам спорта недостаточно представлены команды из регионов».

Исходя из задач, поставленных Шавкатом Мирзиёевым в рамках церемонии вручения международной премии по борьбе с коррупцией, в целях предотвращения подобных ситуаций в законодательстве, в настоящее время предусматривается вопрос об усилении уголовной ответственности за коррупционные преступления. Так, предусматривается Уголовный кодекс дополнить соответствующими статьями, устанавливающими самостоятельную уголовную ответственность за незаконное получение участниками и организаторами спортивных соревнований материальных ценностей или имущественного интереса, а также за дачу взятки участникам и организаторам спортивных соревнований, что с научной точки зрения воспринимается неоднозначно.

В целях предупреждения коррупции в сфере спорта, необходимо разработать специфические, ведомственные процедуры, которые послужат совершенствованию национального законодательства с учетом современных международных стандартов и передового зарубежного опыта, формированию бескомпромиссного отношения к коррупции в сфере спорта, обеспечению неотвратимости ответственности для всех и повышению позиций Узбекистана в международных рейтингах. В результате в

данной отрасли будет сформирована нулевая терпимость к коррупции, а также обеспечена неизбежность ответственности.

В целях предупреждения коррупционных преступлений и успешной реализации задач в области спорта, диктуется необходимость дальнейшего совершенствования государственного управления в данной сфере, системы проведения соревнований по командным видам спорта, цифровизации работы по выявлению, подбору и отбору талантливых юных спортсменов в регионах и организации чемпионатов Узбекистана, которое, в свою очередь, послужит созданию объективной системы привлечения спортсменов в национальные сборные по олимпийским видам спорта.

Актуальные вопросы правового регулирования спортивных отношений как в национальном, так и зарубежном праве, являются предметом пристального внимания многих авторов на протяжении длительного времени. Проблемы правового регулирования и воздействия уголовно-правовых норм на спортивные отношения в национальном и зарубежном праве, являются объектом повышенного научного интереса и у авторов стран СНГ. Поэтому, с учетом сходства правовых систем, схожести проблем, с которыми сталкивается правовое развитие данных государств, а равно преимущественного развития внешних связей внутри СНГ, научные разработки ученых стран Содружества, представляют большой научный интерес. В этой связи, изучение причин, порождающих проблемы, связанные с отношениями в сфере физической культуры и спорта, исследование и анализ уголовно-правовой ответственности субъектов в сфере спорта, характеристика правонарушений, установленные законодательством о физической культуре и спорте и меры ответственности, применяемые за их совершение, разрешение проблем имеющихся



в сфере спортивных отношений на современном этапе развития общества и государства, является непреложной и актуальной задачей и уголовно-правовой науки, требующей надлежащего теоретического осмысления, направленного на формирование адекватной правовой базы и которые послужат ценным вкладом для дальнейшего совершенствования спортивного законодательства.

Так, наукой уголовного права и судебной практикой разработана теория о соотноше-

нии «конкуренции общей и специальной нормы». С учетом этого представляется, что имеющие общие уголовно-правовые нормы (ст.ст.205,206,210,211,212) полностью охватывают эти коррупционные преступления в разных ведомствах и структурах органов управления и каких-либо специфических с точки зрения уголовного законодательства особенностей не имеют. Специфичность может проявляться в их специфических формах и разновидностях.

.....



Алишер ИМОМНАЗАРОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи, ю.ф.ф.д. (PhD),
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

МУРДАНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада мурдани кўздан кечириш тергов ҳаракатининг назарий ва ҳуқуқий асослари, миллий ва хорижий олимларнинг мурдани кўздан кечиришга оид қарашлари ва ёндашувлари, мазкур ёндашувларнинг ўзаро нисбати муҳокама қилинган. Шунингдек, мақолада мурдани кўздан кечириш тергов ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари, унинг бошқа объектларни кўздан кечириш билан боғлиқ тергов ҳаракатларидан фарқловчи белгилари каби масалалар тадқиқ қилинган. Мақолада муаллиф томонидан мурдани кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассматриваются теоретические и правовые основы осмотра трупа, взгляды и подходы отечественных и зарубежных ученых к осмотру трупа, а также взаимосвязь этих подходов. Также в статье рассматриваются такие вопросы, как особенности следственного действия по осмотру трупа, его отличия от следственных действий, связанных с осмотром других объектов. В статье автором разработаны предложения и рекомендации по вопросам, на которые следует обратить особое внимание при осмотре трупа.

ABSTRACT. This article discusses the theoretical and legal foundations of examining corpses, the views and approaches of domestic and foreign scientists to the examination of the corpses, as well as the relationship between these approaches. The article also discusses such issues as the features of the investigative action to examine corpses, its differences from investigative actions related to the investigative examination of other objects. In the article, the author has developed proposals and recommendations on issues that should be paid special attention to during the examination of the corpses.

Калит сўзлар: мурдани кўздан кечириш, мурда, кўздан кечириш, тергов ҳаракати, ҳодиса содир бўлган жой, далил.

Ключевые слова: осмотр трупа, труп, следственное действие, место преступления, доказательства.

Key words: examination of the corpses, corpses, investigative action, crime scene, evidence.

Жиноят ишларини юритишда мурдани кўздан кечириш иш учун жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган, шу билан бирга, ўзига хос хусусиятларга ва мураккабликларга эга бўлган процессуал ҳаракат ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликка кўра мурдани кўздан кечириш суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилиб, бунда қонун чиқарувчи бир нечта қатъий талабларни белгилайди. Жумладан, мурдани кўздан кечиришда суриштирувчи ва терговчига унинг ташқи кўринишинигина кўздан кечириш ваколатини беради. Шунингдек, суриштирувчи ёки терговчи мурдани кўздан кечиришни у топилган жойда холислар ва суд-тиббиёт соҳасидаги мутахассис шифокор иштирокида амалга оширадилар.

Олимларнинг мурданинг ташқи кўринишини кўздан кечириш масаласига оид фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, Н.Бокариуснинг фикрича, мурданинг ташқи кўринишини текшириш деганда тадқиқотчи ёки кузатувчи томонидан мурданинг тўқималари остига, уларнинг ичига ва тана бўшлиқларига кирмаган ҳолда кўз билан кўриб илғаб олиш мумкин бўлган ҳолат ва ҳодисаларни кузатиш, ўрганиш ва кўздан кечириш баённомасида қайд этиш тушунилади¹.

Бизнингча, юқоридаги таърифда “тадқиқотчи” ва “кузатувчи” терминларини қўллаш ўринли бўлмайди. Сабаби мурдани кўздан кечириш тергов ҳаракатини амалга оширишга ваколатли бўлган шахслар доираси қонун билан аниқ белгилаб

1 Бокариус Н.С. Первоначальный осмотр трупа. – Харьков, 1925 г. – С. 25.



қўйилган.

В.Поповнинг қайд этишича эса, мурдани топилган жойда текшириш ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳолатини ўрганиш, содир бўлган ҳодисанинг моҳиятини аниқлаш учун турли хил излар ва бошқа ашёвий далилларни аниқлаш, қайд этиш ва олиб қўйишга қаратилган шошилиш тергов ҳаракатларини англатади².

Фикримизча, В.Поповнинг юқорида келтирилган муаллифлик таърифида мурдани кўздан кечиришнинг асосий мақсадларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Зеро, олим мазкур тергов ҳаракатининг ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳолатини ўрганиш ҳамда содир бўлган ҳодисанинг моҳиятини аниқлашга қаратилганлигига алоҳида урғу берган.

В.Томилиннинг таъкидлашича эса, ҳодиса содир бўлган жойда мурданинг ташқи томонларини кўздан кечириш ўз-ўзидан мақсад ҳисобланмасдан, балки терговчи томонидан ўз олдига қўйилган масалаларни ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлар ҳисобланади. Шунинг учун кўздан кечириш баённомасида мурданинг тавсифи умумий мурда ҳодисаларига нисбатан схематик бўлмаслиги керак. Унда ўлимнинг давомийлиги, шикастланиш механизми, зўравонлик ёки зўравонликсиз ўлим тўғрисида жавоб бериш учун зарур бўлган маълумотлар акс эттирилиши керак ва бундан ташқари, ҳар бир алоҳида ҳолатда маълум бир патологияга хос бўлган баъзи хусусиятларни тавсифлаш керак ва бу ҳодиса содир бўлган жойда мурдани текшириш пайтида олинishi мумкин³.

Бизнингча, В.Томилиннинг юқоридаги фикри олдинроқ муҳокама қилинган В.Поповнинг мурдани кўздан кечиришнинг мақсадларига оид қарашларини инкор этмайди, балки уни бир нечта асосий талабларни баён этиш орқали тўлдиришга

ҳаракат қилади.

Амалдаги қонунчиликда мурдани кўздан кечиришга оид нормаларнинг регламентация қилиниши масаласига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 138-моддаси айнан мурдани кўздан кечириш масаласига бағишланган. Ушбу моддага мувофиқ, суриштирувчи ёки терговчи мурданинг ташқи кўринишини у топилган жойда холислар ва суд-тиббий соҳасидаги мутахассис шифокор иштирокида кўздан кечиради. Бундай мутахассис шифокор иштирок этишига имконият бўлмаган тақдирда, бошқа шифокор иштирок этади. Зарур ҳолларда мурдани кўздан кечириш учун бошқа мутахассислар, шунингдек экспертлар жалб қилинади.

Қонунчиликка кўра, эксгумация вақтида мурдани кўздан кечириш кодекснинг “Мурдани эксгумация қилиш” деб номланган 18-бобида белгиланган қоидаларга кўра амалга оширилади.

Мурда топилган жойда уни таниб олиш учун кўрсатиш чоғида ушбу кодекснинг 126 ва 131-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинади. Таниб олинмаган мурдаларнинг бармоқ излари олинishi шарт. Ушбу кодекснинг 188-191, 193 ва 197-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда мурдадан текшириш учун бошқа хил намуналар ҳам олинishi мумкин.

Таниб олинмаган мурда фақат прокурор рухсати билангина кўмилади.

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, амалдаги қонунчилик мурдани кўздан кечиришнинг умумий қоидаларини белгиласа-да, уни амалга ошириш тартибини батафсил белгилаб бермайди.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликда “мурдани кўздан кечириш” жумласи қўлланилиб, унинг қисмларини кўздан кечириш аниқ регламентация қилинмаган.

2 Попов В. Л. Судебная медицина: практикум. – СПб.: Питер, 2001 г. – С. 85.

3 Томилин В.В., Пашиян Г.А. Руководство по судебной медицине. – М.: Медицина, 2001 г. – С. 38.



Бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида мурданинг қисмларини кўздан кечиришда турлича тергов амалиётининг шаклланишига ҳамда турли тергов хатоларига йўл қўйишига сабаб бўлади.

Шу сабабли Жиноят-процессуал кодексининг 138-моддасидаги “мурдани кўздан кечириш” жумласини “мурдани ва унинг қисмларини кўздан кечириш” жумласи билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, юқорида муҳокама қилинган модда фақатгина мурданинг ташқи кўринишини кўздан кечириш тартибини белгилайди. Мурданинг ички аъзоларини кўздан кечириш эса қонун билан етарлича тартибга солилмаган. Шу сабабли Жиноят-процессуал кодексининг 138-моддасини қуйидагича иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади:

“Мурданинг ички тана аъзоларини кўздан кечириш суд-тиббиёт муассасасида эксперт томонидан амалга оширилади. Унда кўздан кечиришни ўтказган терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор қатнашиши мумкин”.

Мурданинг кўздан кечириш масаласига оид олимларнинг фикрларига юзланадиган бўлсак, Е.Воротникованинг таъкидлашича, мурдани у топилган жойда кўздан кечиришнинг вазифалари қуйидагиларни кўздан кечириш, аниқлаш ва қайд этишни ўз ичига олади:

- 1) мурда аниқланган жой ва унинг атроф-муҳитга нисбатан жойлашиш ҳолати;
- 2) мурданинг у билан боғлиқ нарсалар ва изларга нисбатан жойлашуви ҳолати;
- 3) мурданинг турган ҳолати (позаси);
- 4) кийимларнинг ҳолати;
- 5) мурда ва кийимдаги излар;
- 6) мурда топилган сирт ҳолати;

7) мурданинг ҳолатини тавсифловчи маълумотлар: ўлим ҳолати ва вақти; жинси; тахминий ёши; шикастланишнинг мавжудлиги ва табиати; уларнинг кийимдаги зарарларга мувофиқлиги; тананинг алоҳида қисмлари ҳолати (қорин, жинсий аъзолар, анус; махсус белгиларнинг мавжудлиги: чандиклар, татуировкалар, протезлар ва бошқалар);

8) мурда топилган жойнинг мурдани кўздан кечириш натижасида аниқланган унга зарар етказилган жойга тўғри келишини кўрсатадиган белгилар;

9) ўлимнинг тахминий сабаблари⁴.

Фикримизча, юқорида келтириб ўтилганлар мурдани кўздан кечиришнинг вазифаларидан кўра кўпроқ унинг тартибини ўзида акс эттиради.

Мурдани текширишни бошлашдан олдин мурдани топган шахслардан мурданинг бир жойдан иккинчи жойга кўчирилганлиги масаласини, унинг жойи, ҳолати, кийим ҳолати ва бошқалар ўзгарганлигини аниқлаш учун кўрсатмалар олиш тавсия этилади. Бунда ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар баённомада қайд этилиши лозим.

Шунингдек, агарда мурданинг ўрни ўзгартирилган бўлса, турган ҳолатида кўздан кечиришдан олдин уни олдинги ҳолатига қайтариш тавсия қилинмайди.

Кўздан кечиришдан олдин мурдани атроф-муҳитни қамраб олган ва изоляция қилинган ҳолда суратга олиш ва батафсил текширув давомида масштабли суратга олиш қоидаларига мувофиқ ундаги алоҳида характерли қисмлар ва изларни суратга олиш лозим.

Кўздан кечиришни бошлашдан олдин ўлим ҳолатини аниқлаш лозим бўлади. Ушбу босқич мажбурийдир, сабаби ўлим ҳолати тўғрисидаги баёнот шифокорнинг энг муҳим вазифасидир. Агар юрак

4 Воротникова Е.В. Осмотр трупа на месте его обнаружения // Концепт. 2015 г. № 3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osmotr-trupa-na-meste-ego-obnaruzheniya>



уриши ва нафас олиш тўхтаганидан бери қанча вақт ўтганлиги номаълум бўлса, шунингдек, ҳаётга хавф солувчи жиддий шикастланишлар мавжуд эмаслиги ҳақида тасаввурлар мавжуд бўлса, шифокор ёки бошқа шахс жабрланувчига реанимация ёрдамиди кўрсатиши керак (масалан, юрак қафасини тўғридан-тўғри массаж қилиш, сунъий нафас бериш ва ҳоказо).

С.Ф.Щадрин, С.И.Гирько, С.В.Николаев, Е.В.Верхолина ва бошқа шу каби олимларнинг таъкидлашича, агар ўлим реанимация пайтида юз берган бўлса, кўздан кечириш баённомасида қандай реанимация чоралари кўрилганлиги, уларнинг бошланиш ва тугаш вақти акс эттирилиши лозим бўлади.

Ўлимнинг ишончли (мутлак) белгилари пайдо бўлгандан кейингина реанимация чоралари тўхтатилади ва ўлим ҳолати аниқланади. Ўлимни аниқлаш учун ўлимнинг аниқ ва визуал равишда кузатилган ишончли белгиларининг мавжудлиги, шунингдек мурдага оид очиқ кўришиб турган ҳолат ва ҳодисалар етарли ҳисобланади⁵.

Бизнингча, ўлим белгиларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

– пульс, юрак уриши, нафас олиш ҳолатининг мавжуд эмаслиги (масалан, оғиз ва бурунга яқин олиб келинган совуқ ойна ёки шишага ҳаёт изларининг (буғланиш) тушмаслиги);

– ўлимдан сўнг тана аъзоларининг дарҳол бўшашиши;

– терининг оқариши;

– бармоқни тортиб турадиган тўқималар яқинида қизаришнинг йўқлиги;

– шох пардага текканда кўз реакциясининг йўқлиги;

– жисмоний таъсирга реакциянинг йўқлиги;

– мурдага хос бўлган ҳодисаларнинг

мавжудлиги.

Н.А.Селимвановнинг таъкидлашича, мурдага хос бўлган ҳодисалар қаторига қуйидагилар киради:

а) тананинг атроф-муҳит ҳароратига мос равишда совуши (сутка давомида тугайди);

б) мурда доғлари – ўлимдан кейинги дастлабки 2-3 соат ичида пайдо бўлади ва тахминан бир кундан кейин ривожланишдан тўхтайдиган; биринчи суткада бармоқ билан босилганда улар йўқолади ва кейин яна пайдо бўлади; дастлабки 6-10 соат ичида улар мурданинг ҳолати ўзгарганда тўлиқ ҳаракатланиши мумкин ва 10-12 соатдан кейин қисман ҳаракатланиши мумкин; 24-30 соатдан кейин мурдани ағдариш оқибатида на ранги, на жойи ўзгармайди;

в) мурданинг қаттиқлашиши кун давомида ривожланади, ўлимдан 2-3 соат ўтгач пайдо бўлади, юз мушакларидан пастки қисмларга тарқалади ва одатда уч суткадан кейин йўқолади;

г) мурданинг қуриши – очилган кўзларнинг бириктирувчи қобикларидаги жигарранг чизиклар (Ларше доғлари) (одатда ўлимдан 2-3 соат ўтгач содир бўлади, лекин 10-15 дақиқадан кейин ҳам пайдо бўлиши мумкин), шунингдек баданнинг жинсий аъзоларга яқин қисмида, мошонкада, болаларда терининг бурмаларидаги терининг қуриган жигарранг, кулранг, пергаментга ўхшаш жойлар (ўлимдан 2-3 соат ўтгач пайдо бўлади);

д) чириш кўринишидаги ўзгаришлар – терининг яшил жойлари, жасаднинг шишиши;

е) нам муҳитда мурдадаги ёғ (оч сарик), шунингдек мацерация (терига ажин тушиши) ёки сочларнинг ажралиши, оғиз ва бурун тешикларида майда пуфакчали кўпик шаклидаги белгиларнинг пайдо бўлиши⁶.

5 Судебная медицина: Общая и особенная части: Учебник / С.Ф. Щадрин, С.И. Гирько, С.В. Николаев, Е.В. Верхолина и др. – М.: Эксмо, 2006 г. С. 92.

6 Справочная книга криминалиста / Отв. ред. профессор Н.А. Селимванов. – М.: НОРМА-ИНФРА, 2000 г.



Юқоридагиларга кўшилган ҳолда, уларга кўшимча равишда юқорида санаб ўтилган ўлимнинг эрта белгиларининг (ҳолатларининг) аниқ вақтини баённомада қайд этиш иш учун жуда ҳам муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, ҳодиса содир бўлган жойда мурдани кўздан кечириш объектларига қуйидагилар киради:

- мурда, унинг қисмлари, статик ҳолати, кийим-кечаги;
- мурда ётган жой;
- излар ва ашёвий далиллар;
- жиноят қуроллари ва мурда ёнидан чиққан бошқа буюмлар.

Мурдани ташқи текшириш икки босқичдан иборат бўлади: умумий ва синчиклаб кўздан кечириш. Ҳодиса содир бўлган жойда мурда топилганда унинг статик ҳолати ўзгартирилмаслиги керак.

Мурдада аниқланган кийим (бўлаклари ҳам), шу жумладан оёқ кийими синчковлик билан кўздан кечирилиб, улардаги тупроқлардан, биологик излардан намуна олиниши ва эҳтиёткорлик билан муҳрланиши лозим. Мурданинг ўзи, шу жумладан бўлаклари, барча кийимлари аниқ кўринадиган ҳолда фотосуратга олиниши шарт.

Мурдадаги барча алоҳида белгилар (тагуировка, чандик, танадаги доғлар, суякнинг қийшиқлиги ва бошқалар) деталли суратга олиниши керак. Кўздан кечириш баённомасида мурдада аниқланган барча ўзига хос хусусиятлар қайд этилиши шарт. Мурданинг тирноғи остидан ҳамда қулоқларидан микроқолдиқларни аниқлаш мақсадида биологик намуна олинади. Мурданинг бошидаги соч толаси ҳам намуна тарзидан олинади ва алоҳида қадоқланади⁷.

Тергов-тезкор гуруҳи томонидан мурда ётган жой атрофи бўр ёки бошқа воси-

талар билан белгиланиши мумкин. Мурданинг ташқи қиёфасини кўздан кечириш мутахассис иштирокида амалга оширилади. Мурдани кўздан кечиришни кечиктириш мумкин эмас, чунки мурданинг ўзида ҳам, ҳодиса содир бўлган жойда ҳам, изларда ҳам ўзгариш содир бўлиши мумкин.

Мурдани ҳодиса содир бўлган жойда кўздан кечириш босқичлари эса қуйидагилардан иборат:

1) Кўздан кечиришни мурданинг ётган жойини аниқлашдан бошлаш лозим. У хонада ётган жойини девордан, дераза ва эшикдан қанча масофада эканлигини ўлчаш билан аниқланади ва қайд этилади. Агар мурда очик жойда ётган бўлса, унинг ётган жойи яқинроқ бўлган объектларга (кўприк, дарахт, девор ва ҳ.к.) нисбатан ўлчаш йўли билан аниқланади.

2) Мурдани кўздан кечиришнинг кейинги босқичи мурданинг ҳолатини ўрганиш ҳисобланади.

3) Мурдани кўздан кечиришда муҳим босқичлардан бири унинг кийимини кўздан кечириш ва қайд этиш ҳисобланади. Мурдани кўздан кечириш ўтказилгандан кейин у суд-тиббий экспертизасини ўтказиш учун юборилади.

4) Мурдани ташқи кўздан кечириш унинг умумий белгиларидан (жинси, ёши, бўйи, гавда тузилиши) ташқари жиноий ҳодиса билан боғлиқ бўлган махсус белгиларни (баданидаги кўкарган, кесилган, синган жароҳат белгилари ва бошқа аломатларни) ҳам ўз ичига олади.

Мурда кўздан кечирилганда қуйидаги босқичлар амалга оширилади. Биринчи босқичда мурданинг атрофи кўздан кечирилади. Иккинчи босқичда унинг кийими кўздан кечирилиши лозим, шундан сўнггина унинг бадани текширилиши талаб қилинади. Ушбу 3 та объект кўздан кечирилаётганда мазкур ҳаракатларни мурданинг бош қисмидан бошлаб

7 Куранбаев Р.К. Қотиллик жиноятини тергов қилиш: услубий қўлланма – Тошкент: "SAHNHOFF" нашриёти, 2021 й. – 26-б.



оёғига қараб кетиш амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мурдани илк бор кўздан кечириш жараёни икки босқичдан иборат: умумий ва батафсил шаклда. Ушбу ҳаракат, албатта, шифокорнинг иштирокида (суд-тиббиёт соҳасидаги кўнгилли мутахассис) ўтказилади.

Умумий кўздан кечириш давомида қуйидагилар ўрганилади ва аниқланади: мурданинг ўрни (полда, ерда, каравот устида ва бошқалар); бошнинг устки қисми, тўпикдан бошлаб тананинг бошқа ҳаракатсиз қисмларигача бўлган масофа; мурданинг бошқа қисмлари орасидаги масофа. Шунингдек, ўлим содир бўлгандан сўнг мурдада вужудга келиши мумкин бўлган эҳтимолий ўзгаришлар ҳақида ҳулоса қилиш лозим бўлади.

Баённоманинг кириш қисмида атмосфера шароити, мурданинг ўлим фактига таъсир этувчи омиллар (ҳаво ҳарорати, намлик, шамолнинг йўналиши, мавжуд бошқа белгилар) ўз ифодасини топиши лозим. Агар мурдада ўлимга сабаб бўлган қурол (бўйиндан тортилган сиртмоқ ёки пичоқ) топиладиган бўлса, мурдани кўздан кечириш мобайнида ушбу воситанинг мурдадаги ҳолати, умумий ва индивидуал белгилари аниқланади.

Синчковлик билан кўздан кечириш эса мурда эғнидаги кийимлар, улардаги ва мурдадаги жароҳатлар, шунингдек, умумий ва алоҳида белгиларнинг мувофиқлигини ойдинлаштиришни ўз ичига олади. Бундан ташқари, мурдани кўздан кечириш, тананинг қолган қисмлари ва кийимлардаги жиноятчи томонидан қолдирилган эҳтимолий изларни тўқимачилик толалари, соч, микрообъектлар) топиш учун ҳам ўтказилади. Аммо бундай излар осонгина йўқолиши мумкин, шунинг учун уларни сақлаш чораларини таъминлаш ҳам зарур. Кейин эса мурданинг дастлабки турган ҳолатини ўзгартириш, унинг кийимларини ечиш мумкин бўлади. Баённомага мурда-

нинг ҳарорати ва ҳолати ҳақидаги маълумот киритилади.

Мурданинг жойлашган ҳолати (позаси) мурдани кўздан кечириш вақтида албатта текширилиши лозим. Умумий текширув мурданинг жойлашиши, ҳолати, қадди-қомати ва унинг умумий кўринишини аниқлашдан бошланади. Бу ҳодиса механизми билан боғлиқ версияларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Мурданинг жойлашган жойи энг яқин кўчмас объектларга (дераза, девор, йўл, дарахт ва бошқалар) нисбатан тасвирланади. Мурданинг ноодатий позада жойлашишига сабаб бўлган объектлар ҳам кўздан кечирилади ва батафсил таърифланади.

Танани кўздан кечириш муайян бир тартибда амалга оширилади: юқоридан пастга қараб. Аввало бошнинг соч қисмини ўрганишдан бошланади. Мурданинг умумий ҳолати босқичлари аниқланиши лозим (яъни тананинг эрта даврини характерловчи совиш, кечки давр белгилари чириш ва ҳоказо). Ундан сўнг эса мурданинг кийимлари ва жароҳатлар синчковлик билан кенг масштабда суратга олинади.

Шунингдек, мурда ётган жойни ҳам кўриб чиқиш тавсия қилинади. Бунда мурданинг остида қон доғлари бўлса, фақат у ёйилган юза эмас, балки шу қон майдонининг чуқурлигини текшириш орқали айнан қанча миқдордаги қон мурда танасидан оқиб чиққанлигини аниқлаш имконияти вужудга келади.

Агар мурда касалхонада ёки мурдани текшириш махсус хонасида (морфология бўлимида) бўладиган бўлса, у алоҳида баённома орқали расмийлаштирилади. Қолган барча ҳолатларда зарур маълумотлар ҳодиса содир бўлган муайян жойда баённомага киритилади. Бундан ташқари, мурданинг кийими ва танасининг контур схемаларидан олинган излар ҳақидаги маълумотлар баённомада акс эттирилиши муҳим саналади. Чизма ва суратлар ҳам боённомага илова қилинади.



Синчковлик билан кўздан кечириш ҳаракати бир қатор саволларга жавоб олиш мақсадида ўтказилади: масалан, топилган мурда ўлими ўз жонига қасд қилишми ёки ўлдириш факти ҳам мавжудми.

Мурдани кўздан кечириш давомидида унинг тирноқ остидаги таркибини ўрганиш орқали ҳам экспертиза текшируви учун намуналар олинади. Мурдани текшириш, яъни морфология бўлимига (МОРГ) юборишдан олдин танадаги ва кийимдаги микроорганизмларни сақлаб қолиш мақсадида уларни пластик пакетларга солиш ва бу ҳақда баённомага киритиб қўйиш керак.

Агар мурдани жўнатиш кечикадиган бўлса, унда дактилоскопик экспертиза ўтказиш, шунингдек, қондан намуналар, кийимдан парчалар олиш, суратга тушириш лозим. Бундан ташқари, агар мурда дафн этилган бўлса, мурдани эксгумация қилиб, дафн этилган жойидан уни кўздан кечириш ёки экспертиза ўтказиш мақсадида чиқариб олиш учун тегишли қарор чиқариш керак.

Ҳодиса жойидан топилган мурдадаги доғларнинг характери ва жойлашуви уни ҳаракатлантирилганлигидан далолат бериши мумкин. Ҳодиса механизмини аниқлашда мурданинг ташқи кўриниши ва кийими муҳим роль ўйнайди. Ўлимга сабаб бўлган асбоблар мурдани кўздан кечириш пайтида фақат мурдага бевосита тегиб турганида ёки унда бўлганида (бўйнидаги арқон) кўздан кечирилиши лозим.

Мурданинг ташқи ҳолати кўздан кечирилганидан сўнг унинг ётган ҳолатини кўздан кечириш керак. Бу мурдани кўтариш ва ҳаракатлантириш йўли билан ўтказилади. Мурдани судраш ёки ағдаришга йўл қўйилмайди, чунки унинг остидаги элементлар иш учун муҳим роль ўйнаши ва мурданинг асл жойлашувини муҳокама қилишга имкон бермаслиги мумкин.

Мурда ташқи томондан кўздан кечирилганидан сўнг, у ечинтириб олинади ва ҳар бир кийим бўлаги алоҳида, сўнгра бошқа буюмлар билан биргаликда кўриб чиқилади. “Кийимни кўздан кечиришда мурда учун унинг ўлчамларининг мос келиши, кийимларнинг барча қисмлари мурдада бўлиши, мурда кийимларининг чўнтакларидида ва бошқа қисмларида қандай буюмлар бор-йўқлиги, мурда кийимида қандай доғ ва шикаст етган жойлар борлиги, кийимларда қандайдир хид бор-йўқлиги, пастки устки кийимнинг сифати ва бошқалар аниқланади”⁸.

Мурданинг танаси маълум кетма-кетликда қисмларга бўлиб кўздан кечирилади, бу эса ҳар бир аниқ ҳолат учун энг маъқул йўл ҳисобланади. Мурданинг ёши, жинси, ўсиши, барча характерли белгилари, уларнинг жойлашуви ва мурда билан боғлиқ ҳодисалар даражаси, тишларнинг ҳолати, ҳар қандай секреция мавжудлиги ва бошқалар аниқланади. Тан жароҳатларининг кийимдаги излар билан мослиги солиштирилади.

Мурда кийимининг чўнтакларидан топилган буюмлар кийим билан бирга ёки танани алоҳида кўздан кечиргандан сўнг жойида кўздан кечирилиши мумкин. Шу билан бирга, уларнинг ўлчами, миқдори, шакли, характери, ҳолати ва мурдадаги жойлашиши қайд этилади.

Инсоннинг вафот этганлик ҳолатини аниқлашда маълум бир хатолик, мавҳумлик мавжуд бўлганда, далиллар тўлиқ олинмаганда, вафот этган шахснинг қариндошлари ёки танишлари ҳолат юзасидан янги маълумотлар айтганда эксгумация ўтказилади.

Бизнингча, мурдани кўздан кечириш жараёнида соҳа олимлари томонидан кенг тан олинган қуйидагича тартибга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аввало умумий кўздан кечиришда



қуйидагиларни аниқлаш ва қайд этиш тавсия этилади:

– мурданинг қаерда ва ниманинг устида жойлашганлиги;

– мурданинг энг яқин объектлар ва қўзғалмас белгиларга нисбатан ҳолати, уларгача бўлган масофа;

– бош ва оёқларнинг қайси тарафга қараганлиги;

– мурданинг қай ҳолатда (позада) турганлиги (масалан, тепага қараб, қоринни ерга қаратиб ёки ён томон билан ётганлиги; юзнинг юқорига, пастга ёки ён томонга қараганлиги; қўл ва оёқларнинг ёйилганлиги ёки букилган ҳолда турганлиги).

Шунингдек, мурданинг айнан тана қисмини кўздан кечиришда қуйидагилар ўрганилиши ҳамда қайд қилинмоғи лозим:

– жинси ҳамда ташқи кўриниши жиҳатидан тахминий ёши;

– бўйи, гавдасининг шакли (озгин, ўртача, тўлачадан келган), семизлик даражаси;

– терининг ва сочларнинг ранги, юзнинг оғзаки портрет усули бўйича юқоридан пастгача давом этувчи тавсифи;

– кўздан кечиришнинг бошланиш ва тугаш вақтида тана ҳарорати (қўлтиқ ости жойларида, ёноқ орқасида), атроф-муҳит ҳарорати; тананинг очик ва ёпиқ жойларидаги совуш даражаси;

– мурдага хос хусусиятларнинг мавжудлиги ва ҳолати: совиш; қуриш (умумий, қисман, кучли, заиф, ўртача даражада қуриш); мурда доғлари (уларнинг жойлашиши, ўлчамлари, ранги, босилганда йўқолиши); мурданинг қаттиқлашиши (тананинг айнан қайси қисмлари ушбу ҳолатда эканлиги); чириш; бош ва юзнинг кўриниши ҳамда ҳолати (кўзларнинг ва оғизнинг очик ёки ёпиқлиги, бурун ва қулоқ тешикларининг бўшлиги, тилнинг ҳолати – ташқарига чиққанлиги ёки тишланганлиги); кўзларнинг шох пардалари ва шиллик пардаларининг ҳолати;

– жасад ва кийимларда ҳашаротлар ва личинкаларнинг мавжудлиги, агар мавжуд бўлса уларнинг энг кўп тўпланадиган жойлари;

– мурданинг кўкрагига босилганда оғизда бирон-бир хид пайдо бўлиши;

– қорин бўшлиғининг ҳолати (шишганлиги ёки ичкарига кирганлиги);

– орқа тешикнинг ҳолати (очик, бирор нарса билан ёпилган ва ҳоказо) ва жинсий аъзолар ҳолати (шикастланган, шикастланмаган);

– мурдага етказилган зарар, уларнинг табиати, ўлчамлари, жойлашуви, ранги;

– жасаддаги қон томчилари йўналиши ва унинг ҳолати ўртасидаги номувофиқлик, чизиш белгилари мавжудлиги ва бошқалар қайд этилади;

– қўллар ва оёқларда, бармоқлар орасида, тирноқлар остида ва сочларда ифлосланиш (тупроқ зарралари, сочлар, қон ва микро объектлар) мавжудлиги;

– махсус белгилар мавжудлиги;

– биологик келиб чиқиш излари (қон, сийдик, сперма ва бошқалар), уларнинг тури, шакли, ранги, ўлчамлари, жойлашуви⁹.

Шунингдек, мурданинг эгнидаги кийимлар тавсифи ҳам ўзига хос тартибда кўздан кечирилиши ва қайд этилиши лозим. Хусусан, кийимларни кўздан кечириш қаватма-қават ёндашув асосида, мурдада жойлашган тартибда амалга оширилиши лозим. Кўздан кечириш баённомасида эса қуйидагилар қайд этилади: устки кийим, бош кийимлар ва пойабзалларнинг тури ва номлари; уларнинг материали, ранги, хусусиятлари; уларнинг жойлашуви, ҳолати (тартибли ёки тартибсиз жойлашганлиги; тугмаси қадалганлиги, йиртилганлиги, кесилганлиги, ифлосланганлиги, қон излари мавжудлиги ва бошқалар); шикастланиш қирраларининг табиати (текис, нотекис); кийим чўнтаклари ва улардаги нарсалар.



Кийим ва пойабзалдаги ифлосланишлар ўша ерга яқин атрофдаги тупроқнинг хусусиятлари ва деворларнинг ранги билан таққосланиши лозим. Ички кийим ва ундаги йиртилган жойлар ҳам қайд қилиниши керак. Агарда вазият мурдани яланғоч ҳолда текширишга имкон бермаса, у моргга юборилади, у ерда батафсил кўздан кечирилади.

Номаълум мурданинг кийимларини ўрганишда маълумотлар батафсилроқ кўрсатилиши керак. Шу билан бирга, кийим-кечакдаги деталларнинг индивидуал белгилари аниқланиши ва шунга мос равишда тавсифланиши лозим¹⁰. Шунингдек, мурданинг эгнидаги кийимлар унинг гавдаси ўлчамларига мос келиши ҳам текширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундан кейин мурдада ва унинг ёнида жойлашган нарсалар текширилади. Агарда мурда осилган бўлса, у осилган арқон тугунларини ўзгаришсиз сақлаш тавсия этилади.

Мурдадан ташқари иш учун муҳим бўлиши мумкин бўлган излар ёки нарсаларни аниқлаш учун мурда остидаги майдонни диққат билан кўздан кечириш лозим. Текширувдан сўнг мурдани кўздан кечириш баённомаси нусхаси билан биргаликда суд-тиббий экспертизаси учун моргга юбориш, мурдани ташиш давомида унинг шикастланишига ва муҳим белгиларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриш (уни тоза пахта матосига ўраш, санитария замбилларига ёки юмшоқ чойшабларга ётқизиш ва ёпиқ машинага жойлаштириш) мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни алоҳида таъкидлашни мақсадга мувофиқ деб

ҳисоблаймиз:

1. Мурдани кўздан кечириш иш учун жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган, шу билан бирга ўзига хос хусусиятларга ва мураккабликларга эга бўлган процессуал ҳаракат ҳисобланади. Мазкур процессуал ҳаракатни амалга оширишда юқорида келтириб ўтилган тартибларга риоя қилиниши жиноятларни тез ва тўла очишга хизмат қилади.

2. Амалдаги қонунчиликда “мурдани кўздан кечириш” жумласи қўлланилиб, унинг қисмларини кўздан кечириш аниқ регламентация қилинмаган. Бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида мурданинг қисмларини кўздан кечиришда турлича тергов амалиётининг шаклланишига ҳамда турли тергов хатоларига йўл қўйилишига сабаб бўлади. Шу сабабли Жиноят-процессуал кодексининг 138-моддасидаги “мурдани кўздан кечириш” жумласини “мурдани ва унинг қисмларини кўздан кечириш” жумласи билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Жиноят-процессуал кодексининг 138-моддаси фақатгина мурданинг ташқи кўринишини кўздан кечириш тартибини белгилайди. Мурданинг ички аъзоларини кўздан кечириш эса қонун билан етарлича тартибга солинмаган. Шу сабабли ушбу моддани қуйидагича иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади:

“Мурданинг ички тана аъзоларини кўздан кечириш суд-тиббийёт муассасасида эксперт томонидан амалга оширилади. Унда кўздан кечиришни ўтказган терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор қатнашиши мумкин”.

#

10 Судебная медицина: учеб. / В. Н. Крюков, И. В. Буромский и др.; под ред. В. Н. Крюкова. – М.: ОАО «Издательство «Медицина», 2006 г. С. 448.



Абдувахоб ЗУЛФУҚОРОВ,
Ички ишлар вазирлиги академияси
доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ. Мақолада суд-экспертлик фаолиятида инновацион технологияларни қўллашга оид муаммоли масалалар кўриб чиқилган. “Технология” атамасининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, “суд-экспертиза технологияси” атамасига таъриф берилган. Суд-экспертлик фаолиятининг ахборот таъминотида оид муаммоларини кўриб чиқиб ва давлат суд-экспертиза муассасаларининг ижобий тажрибалари, шунингдек, экспертлик амалиёти ва суд экспертизаси асосларини ўқитиш жараёнларини янгича ёндашувлар асосида суд-экспертлик фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари таклиф қилинган.

АННОТАЦИЯ. Рассмотрены проблемные вопросы применения инновационных технологий в судебно-экспертной деятельности. Исходя из содержания термина “технология”, дается определение термину “технология судебной экспертизы”. Рассмотрены проблемы информационного обеспечения судебно-экспертной деятельности и предложены направления совершенствования судебно-экспертной деятельности на основе положительного опыта государственных судебно-экспертных учреждений, а также новых подходов к процессам обучения основам экспертной практики и судебной экспертизы.

ABSTRACT. Problematic issues of application of innovative technologies in forensic activity are considered. Based on the content of the term “technology”, the definition of the term “technology of forensic examination” is given. Problems of information support of forensic activity are considered and directions of improvement of forensic activity on the basis of positive experience of state forensic institutions, and also new approaches to processes of training in the basics of forensic practice and forensic examination are offered.

Калит сўзлар: услуб, услубиёт, ахборот таъминоти, суд-экспертлик фаолияти, инновацион технологиялар, суд-экспертиза технологияси, тадқиқот услублари, суд экспертизасининг ахборот таъминоти, суд-экспертиза мутахассисликлари бўйича ўқитиш, суд экспертизасининг назарий ва ҳуқуқий асослари.

Ключевые слова: метод, методика, информационное обеспечение, судебно-экспертная деятельность, инновационные технологии, технология судебной экспертизы, методы исследования, информационное обеспечение судебной экспертизы, обучение по специальностям судебной экспертизы, теоретико-правовые основы судебной экспертизы.

Key words: method, methodology, information support, forensic activity, innovative technologies, forensic technology, research methods, information support of forensic examination, training in forensic specialties, theoretical and legal foundations of forensic examination.

Илм-фан ва техниканинг замонавий ютуқлари мамлакатимизнинг суд-экспертиза институтида мустақкам ўрин эгаллайди. Инновацион технологиялардан фойдаланиш туфайли нафақат суд экспертизасининг турли йўналишлари, балки умуман суд-экспертлик фаолияти ҳам такомиллаштирилмоқда.

Маълумки, технология деганда (юнонча *techné* – маҳорат, санъат + *logos* – таълимот) – 1) ишлаб чиқаришнинг бирор соҳа-

сида хомашё, материал, яримфабрикат ва ш.к.ларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришда қўлланиладиган усуллар, методлар мажмуи; 2) хомашё ва материалларга тегишли ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида ишлов бериш усул ва йўллари ҳақидаги фан тушунилади¹.

Бундан келиб чиқадики, суд-экспертиза технологияси – бу махсус билимларга асосланган, белгиланган кетма-кетлик-

1 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т – ҳарф. / Таҳрир хайъати: Э.Бегматов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Т.Мирзаев (раҳбар), Н.Тўхлиев, Э.Умаров, Д.Худойберганава, А.Ҳожиев. А.Мадвалиев таҳрири. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2013 й. – 81-б.



даги операциялар, ҳаракатлар тўплами. Ушбу операция ва ҳаракатлар суд экспертига ҳал қилиш учун берилган вазифаларни бажаришда ашёвий далиллар – тадқиқот объектларини тадқиқ қилишда амалга оширилади.

Суд экспертизасида инновацион технологиялар – бу белгиланган вазифаларни юқори сифатли даражада амалга оширишга ёрдам берадиган янги усул ва воситалардан фойдаланишдир.

Маълумки, янги техник воситалар, услублар ва тадқиқот услубиётининг ишлаб чиқиши ёки мавжудларининг такомиллаштирилиши ҳисобига мамлакатимизда суд экспертизаси жадал ва доимий равишда ривожланиб бормокда. Бу каби ёндашув кўп сабабларга боғлиқ. Бу жинойтчиликнинг ўсиши, жинойт содир этишнинг янги усуллари, янги тадқиқот объектларининг пайдо бўлиши кабиларда намоён бўлади. Жинойт содир этишнинг янги шакллари қанчалик ғайриодатий бўлса, эксперт тадқиқотлари ҳам шунчалик мураккаб бўлади.

Шунинг учун экспертизаларнинг тадқиқот услубларига қўйиладиган асосий талабларга – услубларнинг илмий асосланганлиги (тўғри натижалар олиш нуқтаи назаридан услубларнинг ишончлилиги); услубларнинг рухсат этилганлиги (услубнинг қонунийлиги ва этика қоидаларига риоя этилиши, эксперт учун хавфсизлиги) ва янги услубларни ишлаб чиқишда амал қилиниши лозим бўлган бошқа бир қатор талабларга риоя қилиш керак. Шу муносабат билан суд-экспертлик фаолиятини такомиллаштириш мақсадларига эришишга амалий экспертлик фаолиятига янги усул ва услубларни жорий этиш жараёнларини таҳлил қилиш ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Суд-экспертлик фаолиятининг ахборот таъминотида оид муаммоларни кўриб чиқишда унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бу жараён назарий, услубий ва ташкилий асосларни, янги

усуллар, услублар ва техник воситаларни ишлаб чиқиш, инновацион технологияларни ривожлантириш орқали доимий равишда такомиллаштирилиши керак.

Effective educational and consumer demand reduction programs should involve a range of measures including programs highlighting the socio-economic impact of these crimes, enhanced certification enforcement, increased public awareness of the methods used to conduct these crimes, more effective management of natural resources, good governance and the availability alternative livelihoods for individuals involved in these crimes at the lower levels. To be most effective, these efforts need to be coupled with effective enforcement, including frontline protection of resources, practical customs administration, strengthened legislation, unified policing/prosecutorial efforts, and constructive judicial repercussions. Consumer awareness programs are extremely important to educate the public concerning these criminal activities as well as reduce the demand for these products.

Despite the rising occurrence of wildlife/environmental criminal activities, there have been several successful efforts in combating transnational organized wildlife/environmental crime on both the international level as well as the individual country level. Brazil has demonstrated the effectiveness of a holistic approach to combat environmental crimes. The country utilized a multi-agency approach in its efforts to reduce illegal deforestation and tackle the full criminal chain and its networks. Deforestation in Brazil's Amazon was reduced as the result of a coordinated enforcement approach using satellite imagery to support targeted police operations and investigations.

The effort included front-line protection

of resources and investigations of violations, as well as prosecutions of ringleaders and dismantling of networks. In Brazil, coordinated enforcement efforts were a significant cause of the reduction in illegal logging activities. But importantly, the enforcement campaign was supported by large-scale national and international initiatives to strengthen the involvement of the local population in the process and provide alternative livelihoods to individuals who had been involved in illegal logging activities.

The Brazilian approach coordinated civilian initiatives with effective law enforcement efforts. Unfortunately, in most cases elsewhere in the world, authorities have not been able to conduct joint efforts in a unified manner. Joining law enforcement efforts with civilian-focused initiatives is crucial for effectively combating wildlife/environmental crime on a long-term basis. Effective training of law enforcement/customs personnel is essential to complement the civilian initiatives and result in the successful prosecutions of criminals involved in these crimes. This training helps to ensure that the investigations are conducted ethically and efficiently and enhances the long-term investigative capacity of the law enforcement/customs personnel.

Like other criminal activities, to fully dismantle organizations involved in wildlife/environmental crime, it is important to conduct a thorough and complete investigation of all their activities including the financial infrastructure supporting these activities. As long as an organization has the finances and financial infrastructure to continue its activities, other investigative efforts will be less effective. One of the primary investigative tools available to law enforcement to identify, disrupt, and dismantle the financial infrastructure of an organization is the use of the "parallel investigations" investigative concept.

FATF recommends that countries should designate specific investigators to pursue



money laundering cases, conduct “parallel investigations” and develop evidence to be used in criminal prosecutions or other proceedings. A “parallel investigation” is conducting an investigation targeting the financial activity of a criminal/criminal organization in coordination with an investigation targeting their illegal activities. This concept should be applied to wildlife/environmental crimes as well as other criminal activities.

The success of “parallel investigations” relies on their coordinated nature and the timely sharing of information among investigators. Given the connectivity between illegal wildlife/ environmental criminal activities and financial transactions, the sharing of information plays a vital role in identifying the links between these activities.

To achieve optimal effectiveness, financial investigations must be conducted in coordination with investigations targeting criminal activity. In most wildlife/environmental crimes, the illicit activities, the movement of illicit goods, and the transfer of funds are typically linked. By integrating financial analysis into the broader investigative framework, financial investigations become a crucial component in understanding the workings of criminal networks.

The convergence of traditional investigative techniques and financial scrutiny enables investigators to follow the money trail, identify key players, locate assets, and unveil the financial infrastructure supporting illicit activities. Thus, the seamless sharing of information between investigators focusing on both criminal and financial aspects is imperative for the success of these investigations. An effective financial investigation must not only identify the flow of illicit funds and locate assets, but it must also link these funds and assets to criminal activity and complement

the investigative efforts of others attempting to dismantle the criminal organization.

Undoubtedly, the pursuit of financial gain stands as a primary motivation behind criminals and criminal organizations engaging in wildlife/environmental crimes. Money acts as both the driving force and lifeblood of these criminal organizations, empowering them to undertake various illicit endeavors, including providing support to terrorist and insurgent groups. The objectives of a “parallel investigation” are multifaceted: to establish a connection between illegal funds and the underlying criminal activity, to identify the financial networks sustaining criminal operations, to disrupt the ability of criminals and their groups to perpetuate illicit activities, and to seize assets acquired with ill-gotten gains. As such, “parallel investigations” represent an essential tool for law enforcement officials and financial regulators to effectively target and dismantle criminal organizations involved in wildlife/environmental criminal activities.

By tracing the flow of funds, uncovering hidden financial relationships, and seizing illicit assets, “parallel investigations” strike at the core of criminal enterprises involved in the wildlife/environmental crime trade, significantly hampering their operations and undermining their profitability. Through the collaborative efforts of law enforcement agencies, prosecutors, wildlife investigators, financial institutions, and regulatory bodies, the fight against criminal activity can be strengthened by strategically employing “parallel investigations” as a key component of the overall wildlife/environmental crime enforcement strategy.

Recognizing the pivotal role of money as a motivating factor and lifeblood for wildlife/environmental-related criminal organizations, the importance of attacking their financial infrastructure cannot be overstated. “Parallel investigations” serve



as an indispensable tool in the arsenal of law enforcement officials and financial regulators. These investigations allow them to disrupt criminal networks, seize illicit assets, and curtail the ability of criminals further their illicit activities. By leveraging financial investigation techniques alongside traditional investigative methods, authorities can enhance their capacity to dismantle criminal organizations, safeguard society, and promote a safer, more secure environment.

References

- [1] Financial Crime Academy. (2024, April 19). Money laundering in Environmental crimes: The relation of money laundering in Environmental crimes trade and examples. Financial Crime Academy. <https://financialcrimeacademy.org/money-laundering-in-environmental-crimes/>
- [2] FATF (2021), Money Laundering from Environmental Crimes, FATF, Paris, France, <https://www.fatf-gafi.org/publications/methodsandtrends/documents/money-laundering-environmentalcrime.html>
- [3] Global Initiative Against Transnational Organized Crime. (2021, June 16). Tackling corruption as an enabler for environmental crime | Global Initiative. Global Initiative. <https://globalinitiative.net/analysis/corruption-environmental-crime-ungass/>
- [4] United Nations Environment Programme, & International Criminal Police Organization (2016). Strategic Report: Environment, Peace and Security: A Convergence of Threats. <https://wedocs.unep.org/20.500.11822/17008>.
- [5] Following the money from environmental crimes – a call to action, MARILYNE PEREIRA GONCALVESAILSA HART, MARCH 20, 2024
- [6] The Rise of Environmental Crime – A Growing Threat to Natural Resources Peace, Development and Security. A UNEP INTERPOL Rapid Response Assessment. United Nations Environment Programme and RHIPTO Rapid Response–Norwegian Center for Global Analyses, - Nellemann, C. (Editor in Chief); Henriksen, R., Kreilhuber, A., Stewart, D., Kotsovou, M., Raxter, P., Mrema, E., and Barrat, S. (Eds). 2016.
- [7] Wildlife crime. (n.d.). <https://www.interpol.int/en/Crimes/Environmental-crime/Wildlife-crime>
- [8] Cash rewards for reporting environmental violations. (n.d.). UzReport.news. <https://uzreport.news/society/cash-rewards-for-reporting-environmental-violations>
- [9] Uzbekistan Advances Environmental Protection with New Legislation. (n.d.). UzReport.news. <https://uzreport.news/politics/uzbekistan-advances-environmental-protection-with-new-legislation>
- [10] Uzbekistan toughens penalties for environmental violations to combat pollution and wildlife destruction. (n.d.). UzReport.news. <https://uzreport.news/society/uzbekistan-toughens-penalties-for-environmental-violations-to-combat-pollution-and-wildlif>
- [11] Uzbekistan toughens penalties for environmental violations to combat pollution and wildlife destruction. (n.d.). UzReport.news. <https://uzreport.news/society/uzbekistan-toughens-penalties-for-environmental-violations-to-combat-pollution-and-wildlif>

.....

.....



Саходулла ШОМИРЗАЕВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси доценти, ТДЮУ мустақил изланувчиси

Фахриддин МИРЗАЕВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси катта ўқитувчиси

ЖИНОЙ ТАЪҚИБ ЖАРАЁНИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ҲАМДА УНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада жиноий таъқиб жараёнида гумон қилинувчининг ҳуқуқий мақоми ҳамда уни сўроқ қилиш соҳасида миллий ва хорижий қонунчиликнинг қиёсий таҳлили, шу билан бирга, у билан боғлиқ процессуал муаммолар ва уларнинг ечимлари ёритиб берилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье освещаются правовой статус подозреваемого в ходе уголовного преследования и сравнительный анализ национального и зарубежного законодательства в сфере его допроса, а также связанные с этим процессуальные проблемы и пути их решения.

ABSTRACT. This article highlights the legal status of the suspect in the course of criminal prosecution and the comparative analysis of national and foreign legislation in the field of interrogating him, as well as related procedural problems and their solutions.

Калит сўзлар: гумон қилинувчи, сўроқ қилиш, тергов ҳаракати, жиноят процесси, низоли вазият, далиллар, сўроқ қилиш тактикаси, кўрсатувлар, саволнома, қайта сўроқ, тактик-психологик усуллар.

Ключевые слова: подозреваемый, допрос, следственное действие, уголовный процесс, конфликтная ситуация, доказательства, тактика допроса, показания, вопросник, повторный допрос, тактико-психологические методы.

Key words: suspect, interrogation, investigative action, criminal procedure, conflict situation, evidences, interrogation tactics, testimony, questionnaire, reinterrogation, tactical-psychological methods.

Бир қатор адабиётларда ҳам шахсни гумон қилинувчи сифатида эътироф этишининг қонунчиликдаги асосларининг йўқлиги амалиёт ходимларида ноаниқликларни вужудга келтириши ҳамда улар томонидан қонун бузилишига йўл қўйилишига сабаб бўлиши таъкидланган¹. К.Мавлановнинг тадқиқот ишида ҳам мазкур камчиликни баргараф этиш юзасидан таклиф илгари сурилган. Республикамиздаги вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида 2016 йилда 4673 нафар, 2017 йилда 5689 нафар, 2018 йилда

4445 нафар, 2019 йил 4646 нафар, 2020 йилда 6339 нафар шахс жиноят содир этганликда гумон қилиниб, процессуал тартибда ушлаб турилган².

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 88-моддаси иккинчи қисми 5-бандига ўзгартиш ва қўшимча киритилиб, шахсни жиноят ишига гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш³ исбот қилишда тақиқланди, бунда экспертиза ёки

1 Криминалистика. Дарслик. Муаллифлар жамоаси – Тошкент, ТДЮУ, 2018 й., 259-бет

2 Мавланов К. Жиноят процессида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари. PhD диссертация иши автореферати, 2022 й.

3 <https://lex.uz/docs/111460>



тафтиш ўтказиш талаб этиладиган ҳоллар истисно этилган.

Гумон қилинувчини сўроқ қилишда олинган маълумотлар, яъни унинг кўрсатувлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки гумон қилинувчи содир этилган жиноятга қандайдир маънода дахлдор бўлганлиги учун ҳам муайян ҳажмдаги маълумотларни билади ва бу борада берган кўрсатувлари процесснинг бошқа иштирокчиларини гумон қилинувчи ёки гувоҳ сифатида маълум қилади.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш самардорлигини ошириш борасида процессуал жиҳатдан қонунчиликни такомиллаштириш, криминалистик жиҳатдан сўроқ қилишнинг замонавий тактикаларини ўзлаштириш ва миллий амалиётга татбиқ этиш лозим. Ҳозирда гумон қилинувчини сўроқ қилиш дунё мамлакатларида турли техник воситалар ёки тактик усуллар қўллаш орқали амалга оширилади. Бу борада кўникма ва тажриба қанчалар муҳим бўлмасин, улардан фойдаланишда криминалистик билимларга эга бўлмаслик ёки муайян тартиб-қоидаларга амал қилмаслик сўроқ натижаларига салбий таъсир этади. Оқибатда иш учун қимматли бўлган маълумотлар қўлдан бой берилиши ёки жиноят иши очилмай қолиши мумкин. Шу боис назария жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини замонавий криминалистик таъминотлар билан доимий равишда қуроллантириб боради.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш унинг полиция ходими ёки терговчи билан биринчи учрашувидир. Гумон қилинувчи терговчида қандай далиллар борлигини ҳали билмайди, у терговчида уни айбловчи далиллар йўқлигига умид қилади. Шунинг учун кўпинча сўроқ пайтида гумон қилинувчи

тергов пайтида унинг хатти-ҳаракатларини аниқлашга ҳали вақт тополмайди⁴. Шунинг учун ҳам гумон қилинувчини сўроқ қилишда алоҳида сўроқ қилиш тактикасига эҳтиёж сезилади.

Сўроқ қилиш тактикаси терговчи (суриштирувчи) томонидан амалга ошириладиган сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг самардорлигини таъминлашга хизмат қиладиган тактик усуллар йиғиндиси бўлиб, бу сўроқ қилинувчининг шахсига, мақомига, сўроқ қилувчининг билим ва кўникмалари ҳамда тажрибасига, сўроқ қилиш предмети ва шартларига боғлиқ бўлади⁵.

Гумон қилинувчининг шахси жиноят процессининг асосий фигураларидан бири бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар алоҳида эътиборида бўлади (жиноятни фош этиш, ҳақиқатни аниқлаш ҳамда жиноятлар профилактикаси жиҳатдан)⁶.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш тактикаси иложи борича эҳтиёткор ва танланган бўлиши керак, чунки маълум бир шахсга нисбатан шубҳа вазиятларнинг ноқулай комбинацияси, тилнинг силжиши, нотўғри тушунча ёки хато натижасида пайдо бўлиши мумкин⁷.

Бизнинг фикримизча, қуйидаги таърифларни шакллантириш мақсадга мувофиқ:

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш – жиноят-процессуал қонунчилик асосида муайян шахснинг жиноят содир этганлиги юзасидан гумонга аниқлик киритиш мақсадида унга нисбатан сўроқ қилиш тергов ҳаракатини амалга ошириш.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш тактикаси – жиноят содир қилганлик тўғрисида мавжуд гумонни тасдиқлаш ёки барта-раф этиш, бу борада янги далилларни қўлга

4 <https://studizba.com/lectures/jurisprudencija/konspekt-po-kriminalistike/32380-taktika-doprosa-podozrevaemyh-i-obvinjaemyh.html>

5 Савельева М. В., Смушкин А. Б. Следственные действия / М.В.Савельева, А.Б.Смушкин. М.: Юрайт, 2017 г. С. 122.

6 Базарова Д.Б. "Процессуальные гарантии прав личности в уголовном процессе" докторлик диссертацияси, 2021 й., 82-б.

7 Тактика допроса подозреваемого и обвиняемого <https://www.grandars.ru/college/pravovedenie/dopros-podozrevaemogo.html>



киритиш мақсадида амалга ошириладиган усуллар йиғиндиси.

Ҳозирда сўроқ қилишнинг янги услуби-явлари, психологияга асосланган усуллари-нинг қўлланилиши бошланганлиги жаҳон криминалистикасида кескин бурилиш яса-моқда. Асосий мақсад сўроқ қилишда қўл-ланадиган қийноқлардан психологик усул-ларнинг самараси эвазига воз кечишдан иборат. “Хизмат ваколлатидан фойдала-ниб амалга ошириладиган айрим ҳолатлар тўғридан-тўғри шахснинг ҳуқуқларига та-жовуз сифатида баҳоланиши мумкин. Маса-лан, сўроқ вақтида зўрлик ишлатиш. Ушбу ҳаракатлар натижасида етказиладиган зарар оғирлиги шундаки, бунда шахсларда қонун-га нисбатан ишонч туйғусининг сўниши, ҳуқуқий нигилизм каби кайфият юзага ке-лади”⁸.

Хусусан, *Human Rights First va Physician for Human Rights* каби ҳуқуқни ҳимоя қилув-чи халқаро ташкилотларнинг маълум қили-шича, АҚШнинг Марказий разведка бю-роси хизмати ходимлари томонидан гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш жараёнида сув билан қийнаш, дўппослаш, гипотермия, узоқ муддат ноқулай ҳолатда турғизиб қў-йиш, психологик босим, уйқудан маҳрум қилиш, мусиқа билан қийнаш, жинсий кам-ситиш ва бошқа усуллар қўлланган. Ушбу амалиётнинг асосий қурбонлари 2001 йил 11 сентябрь воқеаларида гумон қилинган шахслар бўлишган⁹. Аммо ҳозирги кунга келиб, инсон ҳуқуқлари тўла-тўқис таъмин-ланишига эришиш, инсон кадр-қимматини камситмаслик мақсадида бир қатор ҳуқуқий ривожланган давлатларда гумон қилинувчи шахсларни сўроқ қилишда янги ва янада са-марадор тактикалар, сўроқ қилиш техни-калари ишлаб чиқилган ва қўлланилмоқда.

Дунё мамлакатларида гумон қилинувчилар-ни сўроқ қилишда қийноқнинг турли кўри-нишлари, бошқа шафқатсиз, ғайриинсо-ний ва шахс кадр-қимматини камситувчи усуллардан воз кечиш, содир этилган жи-ноят иши юзасидан маълумотлар йиғишда сўроқ қилишнинг замонавий техникалари-дан фойдаланиш тавсия этилмоқда.

Бундан ташқари, гумон қилинувчини сўроқ қилишдан аввал сўроқ қилувчи хо-димнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда сўроқнинг самарасини ошириш мақсадида уни шахсий тинтувдан ўтказиш ҳуқуқи бе-рилиши лозим. Россия Федерацияси Жи-ноят-процессуал кодексининг 93-моддаси-да¹⁰ гумон қилинувчи мазкур кодекснинг 184-моддасида белгиланган тартибда шах-сий тинтувдан ўтказилиши лозимлиги бел-гиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 162-моддасига¹¹ кўра, шахсий тинтув ва олиб қўйиш айрим ҳолларда алоҳида қа-рор ёки ажрим чиқарилмасдан ўтказили-ши мумкинлиги, жумладан, гумон қилинув-чини ушлаш чоғида ушланувчининг ёнида курул борлигига ёхуд жиноят содир этган-лигини фош қиладиган далиллардан қу-тулмоқчи эканлигига етарли асослар бўл-ганда, шунингдек гумон қилинувчи ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қи-лувчи бошқа органга олиб келиниб, уни ушлаш ҳақида ушбу кодекснинг 225-мод-дасига асосан баённома тузилганда шахсий тинтувдан ўтказилиши мумкинлиги белги-ланган. Бошқа ҳолларда эса гумон қилинув-чини сўроқ қилишдан аввал шахсий тинтув-дан ўтказиш учун асос етарли бўлмайди.

Гумон қилинувчини сўроқ қилишнинг аҳамияти унинг кўрсатувларининг икки томонлама процессуал табиати билан бел-

8 Каримов Х.А., Облакулов Д.О. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида қийноққа солиш ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарлик. Ўқув қўлланма. “Адолат”, Тошкент, 2014 й., 53-б.

9 <https://ru.m.wikipedia.org> (расширенные методы допроса)

10 Уголовный-процессуальный кодекс РФ https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/

11 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460#253787>



гиланади. Биринчидан, бу мустақил далил манбаи, иккинчидан, у ўз далилларини тақдим этишга имкон берадиган шубҳалардан ҳимоя қилишнинг энг қулай шакли бўлиб хизмат қилади¹².

Гумон қилинувчилар учун кўрсатув бериш уларнинг ҳуқуқидир, мажбурият эмас. Улар кўрсатув беришдан мутлақо бош тортиши ёки сўроқ қилинувчи шахснинг жиноят содир этилишида иштироки бўйича гувоҳлик берадиган қасддан ёлғон кўрсатувлар бериши ҳам мумкин. Айти пайтда гумон қилинувчи кўрсатув беришдан қисман рад этмасдан, бўлган ҳодиса юзасидан ўз версияларининг хабарини бериши мумкин¹³.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш маҳсус психологик онлар билан тавсифланади. Биринчидан, гумонланувчи аниқ мудоффа доминантга эга бўлиб, объектив маълумотни яширишга мойил ҳисобланади. Иккинчидан, у сўроқ қилувчига ишончсизлик ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади. Учинчидан, келгусида ўзига йўналиш олиш учун гумон қилинувчи терговчининг хабардорлик даражаси тўғрисида маълумот олишга интилади. Тўртинчидан, у ҳаяжон ва тартибсизлик ҳолатида бўлади. Эндигина таъқибдан сўнг, ҳибсга олинган гумон қилинувчи психологик жиҳатдан сўроқ қилишга тайёр бўлмайди¹⁴.

Мутахассислар гумон қилинувчини сўроқ қилишда дуч келиш мумкин бўлган тактик ҳолатларни шартли равишда 2 та ҳолатга бўлиш мумкинлигини таъкидлашади:

1. Сўроққа қадар гумон қилинувчи, унинг жинойий фаолияти ва алоқалари тўғрисида тезкор-қидирув тадбирлари асосида маълумотларни тўплаб сўроқ қилиш;

2. Жиноят устида ушланган ҳамда жино-

ятчи шахс тўғрисида бирон-бир маълумот мавжуд бўлмаган ҳолатларда уни сўроқ қилиш.

Биринчи ҳолатдаги асосий вазифа тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган маълумотларни ўрганиш ва баҳолаш ҳамда ушбу маълумотлардан гумон қилинувчини сўроқ қилиш жараёнида фойдаланиш имкониятларини аниқлашдан иборат бўлади. Тезкор маълумотлар гумон қилинувчининг жиноятдаги иштирокчилигини, хатти-ҳаракатларининг характерини, жиноят ашёсининг сақлаш жойини, бошқа иштирокчилар билан муносабатини очиб беради. Гумон қилинувчини сўроқ қилиш жараёнида тезкор маълумотлардан фойдаланишда тактик-психологик усуллар мажмуасини оқилона қўллаш зарур, бу билан терговчи (суриштирувчи) ўзини гўё маълумотларни гумон қилинувчининг шерикларидан олган ва ишнинг барча ҳолатларидан хабардор каби тутади ва шу билан низоли вазиятни низосизга айлантириши мумкин.

Низосиз вазият шароитидаги сўроқ қилишда сўроқ қилинувчи унга нисбатан пайдо бўлган шубҳани тасдиқлайди, айбланувчи эса ўзини айбдор деб тан олади, асосий эътибор содир этилган жиноят бўйича барча ҳолатлар тўғрисида тўлиқ ва батафсил кўрсатувларни олишга қаратилади¹⁵.

Иккинчи ҳолатда эса ушланган шахс кўпинча ашёвий далилни, масалан, наркотик моддани олиб келиш усули ҳақида ёлғон кўрсатувлар беради, ўзи ҳақидаги, шунингдек, жинойий фаолият билан боғлиқ алоқаларини яширади. Шунинг учун ҳам гумон қилинувчини сўроқ қилиш учун тайёргарлик чоғида терговчи гумон қилинувчини ушлашга оид ҳолатларни, ашёвий далилнинг унга алоқадорлигини солиштириши

12 А.Н.Ахпанов, А.Л.Хан. Особенности допроса подозреваемого в казахстанском уголовном процессе (https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=39374115&pos=6;-106#pos=6;-106)

13 Т.А.Седова и др. Криминалистика. Учебник. "Юстиция". Москва, 2019 й., 389-бет

14 Пивоварова С.А., Тактические особенности допроса подозреваемого // Вестник Российской таможенной академии. 2009 г. №3.

15 www.grandars.ru/college/pravovedenie/dopros-podozrevaemogo.html



ва таҳлил қилиши, энг истиқболли версияларни илгари суриши, саволларни белгилаб олиши учун тезкор ходимлар томонидан ушланган шахс тўғрисидаги маълумотлар йиғиб берилиши керак. Бундай ҳолатларда гумон қилинувчи қандай позицияда бўлишига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ.

Гумон қилинувчи нима деб кўрсатув беришидан қатъи назар, қуйидаги ҳолатлардан бири келиб чиқиши мумкин:

1. Гумон қилинувчи тергов қилинаётган жиноятга алоқадорлигини тасдиқлайди. Бунда сўроқ қилиш ҳаракатини шундай ташкил этиш керакки, сўроқ қилинувчининг кўрсатувларидаги мужмалликларга аниқлик киритиш, гумон қилинувчининг жиноят иши доирасидаги алоқалари, жиноятнинг ташкилотчи ва бошқа иштирокчиларини аниқлаш асосий вазифа бўлсин.

2. Гумон қилинувчи тергов қилинаётган жиноятга алоқадорлигини инкор этади. Бундай ҳолда терговчи қўлидаги барча далиллардан ва турли тактик усуллардан фойдаланишига тўғри келади.

3. Гумон қилинувчи кўрсатув беришдан бош тартади. Бунда терговчининг асосий вазифаси уни “ортга қайтариш”, ўзидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда гумон қилинувчини кўрсатув беришга рози қилиши, ишонтириши керак бўлади.

Агар бир иш бўйича бир неча гумон қилинувчини сўроқ қилиш лозим бўлган ҳол юзага келган тақдирда уларнинг сўроқ қилиниш навбатини белгилаб олиш муҳим ҳисобланади. Бу терговчидаги гумон қилинувчилар ва уларнинг ўзаро алоқалари характериға тегишли муайян далилларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади.

Гуруҳ аъзоларидан бирини фаол сўроқ қилиш вақтида гумон қилинувчининг ҳибсга олинишидан олдинги хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари тўғрисида батафсил аниқланиши керак, жумладан, ушбу гумон қилинувчи шахс ушланган жойга қандай бориб қолди, қанча вақт у ерда бўлди, кимлар билан гаплашди каби ҳолатларга аниқ-

лик киритиш лозим бўлади.

Саволларнинг тизимли берилиши сўроқ қилинувчида бошқа шахслар аллақачон барча кўрсатувларни бериб бўлган деган фикр ҳосил қилади ва унинг ҳолат юзасидан ҳаққоний кўрсатувларни беришига туртки бўлиши мумкин.

Мисол учун, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний айлануви билан боғлиқ жиноят ишларида қуйидаги ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида гумон қилинувчилар сўроқ қилинади:

1. *Ушбу моддалар қаердан қаерга олиб борилмоқда?*

2. *Бу моддалар қаерда, қачон ва кимга етказиб берилиши керак эди?*

3. *Ушбу моддалар қаерда тайёрланган (тури, миқдори)?*

4. *Харидор ушбу моддалар учун қанча миқдорда пул тўлаган?*

5. *Ушбу моддалар ва уларни тайёрлаш учун хомашёнинг келиб чиқиши манбалари ва каналлари қайсилар?*

6. *Уни тайёрлаш учун қандай усуллардан фойдаланилган?*

7. *Тайёрлаш, ташиш ва етказиб беришида кимлар қатнашган?*

8. *Жиноий гуруҳнинг ташкилотчиси ким?*

9. *Жиноий шериклари кимлардан иборат?*

10. *Мазкур моддаларни сақлаш жойлари, яшириш жойлари, жиноий шериклар билан алоқа қилиш усуллари ва бошқалар.*

Сўроқ вақтида гиёҳвандлик воситаларини етказиб бериш манбасини уларни чакана сотиш жойи билан боғлайдиган бутун жиноий занжирнинг изига тушиш, шунингдек, муайян бир ҳудуддаги гиёҳвандлик воситалари бизнеси кўламини ўраб олиш муҳимдир. Гумон қилинувчи томонидан кўрсатилган шахсларга нисбатан тезкор-қидирув йўллар орқали текширув ўтказилади. Гумон қилинувчи берган кўрсатувларнинг далилий қиймати унинг ўз-ўзидан мавжуд бўли-



шида ва барқарор кетишида ҳамда жиноят ишининг турли босқичларида баёнлаштирилишида эмас, балки уни ташкил этган маълумотларда ва бу маълумотларни текшириш имконияти борлигидадир¹⁶.

Бундан ташқари, ҳар бир жиноят тури юзасидан гумон қилинувчини сўроқ қилишнинг криминалистик жиҳатлари бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида келтирилган кўпчилик учун хавфли усул билан бўлган ўт қўйишга оид жиноятларни тергов қилишда гумон қилинувчини сўроқ қилишнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Ўт қўйишга оид жиноят ишларида гумон қилинувчининг мудофаа тактикаси ашёвий далилларни йўқ қилиш ёки яшириш, гувоҳлар ва жабрланувчиларга психологик таъсир кўрсатиш, ёлғон гувоҳлик бериш, гувоҳлик беришдан бош тортиш ва тергов билан ҳамкорлик қилишда ифодаланиши мумкин¹⁷.

Бундан ташқари, тактик жиҳатдан безорилик содир этишда гумон қилинувчини ушбу ҳаракатлардан сўнг дарҳол сўроқ қилиш тавсия этилади. Бу нафақат безорилик қилганликда гумон қилинувчи ўз ҳимоя ҳуқуқидан ўз вақтида фойдаланиши учун имкон беради, шу билан бирга бу тактик аҳамиятга эга. Безориликни содир этишда гумон қилиниб ҳибсга олинган шахс ўзининг ҳуқуққа зид қилмишлари таъсири остида ўз хулқ-атвори линиясини аниқлаб олмасдан ва ўз ҳаракатларини оқлаш учун тўлиқ ва батафсил кўрсатувлар беришни ўйлаб олмасдан кечиктириб бўлмайдиган шаклда дарҳол сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ¹⁸.

Безорилик жиноятини содир этган гумон қилинувчини сўроқ қилиш тактикаси типик

омиллар йиғиндиси билан белгиланади, масалан, содир этилган безорилик тури, вазият, сўроқ қилинувчининг шахси ва сўроқ пайтида унинг позицияси, жиноят ишида тўпланган далилларнинг табиати кабилар. Безорилик содир этишда гумон қилинувчи учун қуйидаги асосий ҳолатлар аниқланади:

1. Жиноий ҳодисага доир:

- *безорилик содир этганликда гумон қилинувчи ўзи томонидан тергов қилинаётган ҳаракатлар содир этилганлигини тан оладими, агар тан олса, у қандай ҳаракатлар, қачон, қаерда ва қандай шароитларда содир қилган;*

- *тергов қилинаётган безорилик ҳодисаси бошланишидан олдин безорилик содир бўлган жойда нима қилган;*

- *безорилик бошланишининг сабаби нима эди;*

- *безорилик содир бўлган жойда кимлар бўлган;*

- *безорилик содир этишда гумон қилинувчи бу шахсларни ва уларнинг нима қилганликларини билладими;*

- *содир этилган безориликнинг зарарли оқибатлари қандай, уларнинг ҳажми қандай;*

- *у безорилик ҳаракатларини содир этишда турли хил воситалардан фойдаланганми, агар шундай бўлса, улар қаердан олинган ва қандай ишлатилган;*

- *сўроқ қилинаётган шахснинг ўз ҳаракатларига муносабати, унинг ушбу ҳаракатларни баҳолаши.*

2. Гумон қилинувчининг жабрланувчига нисбатан муносабати:

- *безориликдан зарар кўрган жабрланувчи билан танишми, агар шундай бўлса, улар қаерда, қачон ва қандай шароитда тани-*

16 Б.Безлепкин. Краткое пособие для следователя и дознавателя. М., "Проспект", 2011 г. 45 с.

17 А.А.Файзуллина. Тактические особенности допроса подозреваемого при расследовании умышленного уничтожения или повреждения чужого имущества путем поджога//Закон и право. 2020 г. №1.

18 Данилов В.В., Малышкин П.В., Котляров С.Б. Тактика допроса подозреваемого в совершении хулиганства (обвиняемого в совершении хулиганства) при раскрытии и расследовании хулиганства // Вопросы российского и международного права. 2018 г. Том 8. № 11А. С. 159-167



ишишган, улар қандай муносабатда;

- жабрланувчи ҳодиса содир бўлган жойга нима учун, қаердан келган;

- жиноят содир этилган пайтда жабрланувчи қандай кийимда эди;

- жабрланувчи жиноят содир этилишидан олдин ва ундан кейин гумон қилинувчига нисбатан ўзини қандай тутган.

3. Гумон қилинувчининг безорилик содир этишига доир:

- гумон қилинувчи қандай ҳолатда бўлган, жиноят содир этиш вақтида маст бўлганми, йўқми;

- у безорилик ҳаракатларидан олдин, ўша пайтда ва ундан кейин ўзини қандай тутган, бу нимада ифодаланган;

- гумон қилинувчи ҳибсга олинишга қаршилик кўрсатдимми, агар шундай бўлса, айнан қандай шаклда ва кимга;

- у илгари қандай жиноятлар содир этган, қачон ва қандай жиноий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортилган, агар у илгари озодликдан маҳрум қилиш шаклида жазо ўтаган бўлса, қачон ва қандай асосларда озод қилинган;

- у маъмурий назорат остида эмасми.

Сўроқ олдидан гумон қилинувчининг шахсияти ўрганилиши, хусусан, унинг психик сифатлари, жиноий фаолияти, ҳаёт тарзи, ишда ўтаётган бошқа шахслар билан ўзаро муносабатларининг ўрганилиши сўроқнинг сифатли олиб борилишига катта ёрдам беради. Бунда ҳам тезкор йўллар билан гумон қилинувчининг шахси тўғрисида олинган маълумотлар, қариндошларининг, танишларининг, хизматдошларининг, гувоҳларнинг, иш бўйича бошқа иштирокчиларнинг у ҳақидаги кўрсатувлари, архивдаги бошқа ишлар бўйича маълумотлар, тавсифлар ва бошқалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 98-моддаси¹⁹га

кўра, суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилиш олдидан сўроқ қилинувчидан унинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, туғилган вақти (йили, ойи, куни) ва туғилган жойини, яшаш жойи ва иш жойини, мансаби, машғулот тури, маълумоти, оилавий аҳволини, судланганлиги ёки судланмаганлигини аниқлаши ҳамда бу маълумотларни жиноят ишидаги ёки сўроқ қилинувчининг шахсий ҳужжатларидаги маълумотлар билан солиштириб кўриши ёхуд сўроқ қилинувчи ўзини ким деб таништирган бўлса, айнан ўша шахс эканлигига бошқа йўллар билан ишонч ҳосил қилиши лозим.

Ўзбекистонда ИИВ мутахассис олимлари томонидан алоҳида турдаги жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларини ташкил этишда сўроқ қилиш тергов ҳаракатини режалаштириш, хусусан, гумон қилинувчини сўроқ қилишнинг намунавий режалари (дастурлари) ишлаб чиқилиб, ўқув-амалий қўлланма шаклига келтирилган. Хусусан, жинсий эркинликка қарши жиноятларни тергов қилишда гумон қилинувчини сўроқ қилиш режасида жабрланувчи билан бўлган муносабатларга оид, жинсий алоқа бўлганлигини гумон қилинувчи инкор қилиши билан боғлиқ вазиятда бериладиган, нотаниш жабрланувчи тўғрисидаги маълумотларга оид, жиноят ҳодисасининг таърифи ва у билан боғлиқ ҳолатларга оид, тергов қилинаётган ҳодисадан сўнг амалга оширилган хатти-ҳаракатларга оид, шунингдек, гумон қилинувчи номусга тегиш жиноятини содир этганлигини инкор қилган ҳолатларда бериладиган жами 153 та саволлардан иборат режа-дастур ишлаб чиқилган²⁰. Гумон қилинувчини сўроқ қилишда амалиётда бундай ўқув-амалий қўлланмадан унумли фойдаланиш сўроқ натижаларининг самарали бўлишига хизмат қилади.

Шунга кўра, ҳар бир жиноят тури юза-

19 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>

20 Б.Т.Акрамходжаев, М.Э.Муминов, М.Д.Ботаев. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг режалаштириш хусусиятлари. Ўқув-амалий қўлланма. Тошкент. Академия. 2015 й. 110-117-б.



сидан гумон қилинувчини сўроқ қилиш учун барча вазиятларни ҳисобга олган ҳолда саволнома ишлаб чиқилиши ва амалиётда фойдаланиш жараёнида мунтазам янгилаб борилишини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Чунки амалиётдаги тергови яқунланиб, судга юборилган айрим жиноят ишлари таҳлил қилинганда терговчилар (суриштирувчилар) томонидан шошма-шошарлик билан гумон қилинувчига нисбатан тўғри ва етарли саволлар берилмаганлиги маълум бўлди.

Агар гумон қилинувчи гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида маст ҳолатда бўлса, сўроқ бошқа вақтга кўчирилиши, суҳбат билан чекланиши ва врач-нарколог чақирилиши керак бўлади. Агар мана шу суҳбат давомида бирон-бир маълумот олинган бўлса, уни текшириш ва келгусида фойдаланиш мақсадида тезкор ходимларга топшириқ берилади. Шунинг эътиборида чикармаслик керакки, гумон қилинувчининг кўрсатувлар бериши эвазига гиёҳванд моддалар бериш ёки беришни ваъда қилиш мумкин эмас. Ҳибсга олинган гумон қилинувчининг жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларида иштирок этиши, шу жумладан, уни сўроқ қилиш учун ҳам унинг жиноий жавобгарликнинг аҳамиятини тушуниш, жиноят процессида кўрсатувлар бериш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини аниқлаш зарур бўлганда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлади. Бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 173-моддасида²¹ белгилаб кўйилган.

Терговчи (суриштирувчи) сўроққа тайёргарлик кўриш чоғида нафақат сўроқнинг мақсадини, яъни сўроқ қилинаётган гумон қилинувчидан қандай маълумотларни олиш лозимлигини аниқлабгина қолмай, балки

сўроқ қилинаётган шахснинг жиноят ишини тергов қилишда шахсий манфаатдорлиги бор-йўқлигига эътибор қаратиши керак бўлади. Унинг кўрсатуви ҳаққоний эмас, деб ҳисоблаган тақдирда ҳам олинган ушбу кўрсатувларни сўроқ баённомасига ёзиб қўяди. Қайта ёки қўшимча сўроқ ўтказилган вақтда ёлғон кўрсатувларни инкор этувчи далилларни тақдим этади ва ёлғон кўрсатув берганлик сабабини аниқлашга ҳаракат қилади. Гумон қилинувчини нима учун олдинги сўроқда ёлғон кўрсатув берилганлигини тушунтиришга таклиф қилади. Агар янги ёлғон кўрсатув олинган бўлса, уни ҳам ёзиб олиш керак, аммо муайян вақт ўтгач, далилларни тақдим этиш ва янги ёлғон кўрсатув бериш сабабини аниқлаб бериш билан яна рад этиш усулини қўллаш керак бўлади. Қоидага кўра, шундан сўнг гумон қилинувчи ё тўғри кўрсатув бера бошлайди ёки энди инкор этиб бўлмайдиган янги ҳамда ишончсиз версияга мурожаат қилади, чунки гумон қилинувчининг кўрсатувлари ёлғонлиги яққол кўриниб туради. Сўроқ пайтида ўзаро муносабатларнинг табиати ҳар доим томонларнинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлади. Масалан, сўроқ қилувчи сўраган маълумотлар тўлиқ, ишончли ва етарли бўлса, сўроқ низоларсиз ўтиши мумкин. Шу билан бирга, сўроқ низоли шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш пайтида низоли ҳолатлар энг кўп учрайди. Терговчи учун муаммо низони ҳал қилиш учун тегишли тактикани танлашга айланади²².

Кўпинча гумон қилинувчилар бутун ҳақиқатни айтишни, ҳеч бўлмаганда бирон тўғри гапни айтишни ўзларининг манфаатларига мос келмайди, деб ҳисоблайди. Шунинг учун улар ўзларининг кўрсатувларида одатда, воқеанинг бузилган расмини чизи-

21 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>

22 Пронина Д.Д. Тактика допроса в конфликтной ситуации // Вестник магистратуры. 2021 г. №9-1 (120).



шади, бирор нарса ҳақида сукут сақлашади ёки ҳақиқатдан бошқача гапиришади²³.

Томонларнинг манфаатлари бир-бирига қарама-қарши бўлса, ҳар доим зиддият юзага келади. Масалан, терговчининг манфаатлари оммавий бўлиб, жиноят ишини тергов қилишдан, содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини тўлиқ аниқлашдан, жиноий жавобгарликка тортилаётган айбдорни жиноий жавобгарликка тортишдан иборат. Жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган гумон қилинувчининг манфаати эса ҳар доим шахсий хусусиятга эга бўлиб, жиноий жавобгарликдан қочишга ёки содир этилган жиноят учун энг кам жавобгарликка тортилишига қаратилган бўлади.

Шундай вазиятларда қуйидаги тактикалардан фойдаланиш мумкин:

1. Қайта сўроқ қилиш ёки муайян саволларни қайтадан бериш усули.

Шу билан бирга, терговчи сўроқ қилинаётган гумон қилинувчининг воқеанинг қандай содир бўлганлиги, ундан олдин нима бўлганлиги, кейин нима бўлганлиги ҳақида иложи борица батафсил айтиб беришини таъминлайди.

2. Терговчининг хабардорлиги тўғрисида хато таассуротни шакллантирадиган усуллар. Бунда гумон қилинувчига нисбатан сўроқ қилувчининг хабардорлиги, жиноятни очишда касбий ишончи ва ишнинг ҳолатларини чуқур ўрганганлиги намойиш этилади.

3. Билвосита саволлар бериш техникаси, баъзан бу техника "билвосита сўроқ қилиш" усули деб аталади. Ушбу техниканинг моҳияти иккинчи даражали аҳамиятга эга

бўлган саволларни беришдан иборат. Шахсларни иккинчи даражали деб ўйлаганлиги учун ҳам муҳим ва зарур маълумотларни тақдим этишга мажбур бўлади.

4. Сўроқ қилинаётган гумон қилинувчиларга нисбатан уларни айблайдиган далилларни тақдим этиш усули²⁴.

Низоли вазиятларда терговчининг сўроқ қилинаётган шахсга таъсир кўрсатишининг асосий шакли ишонтириш бўлиши керак. Муваффақият терговчининг сўроқ қилинувчини ўзининг ҳақлигига қанчалик ишонтиришни билишига боғлиқ бўлади. Агар терговчи нутқни, мантиқни ёмон билса ва психологиядан беҳабарлигини кўрсатса, ишонтиришда муваффақиятга эришиши даргумон. Шундай қилиб жиноят ишларини юқори профессионал даражада тергов қилиш, жиноят содир этишда айбдор шахсларни фош этишда муваффақиятга эришиш учун терговчи ҳуқуқ соҳасидаги билимлардан ташқари, психология, риторика ва усталик соҳаларида ҳам билимга эга бўлиши керак²⁵.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, гумон қилинувчини низоли вазиятда сўроқ қилишда самарадорликни ошириш, ундан зарур ва муҳим маълумотларни қўлга киритиш мақсадида қайта сўроқ қилиш ёки муайян саволларни қайтадан бериш усулидан, терговчининг барчасидан хабардорлиги тўғрисида таассуротни шакллантирадиган усулдан, билвосита саволлар бериш техникасидан, сўроқ қилинаётган гумон қилинувчига нисбатан уни айблайдиган далилларни тақдим этиш усулидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

#

23 https://studme.org/34261/pravo/taktika_doprosa_podozrevaemyh_obvinyaemyh_dopros_usloviyah_konfliktnoy

24 Пронина Д.Д. Тактика допроса в конфликтной ситуации // Вестник магистратуры. 2021 г. №9-1 (120).

25 Конин В.В., Сидоренко Е.В. – Допрос: процессуальные и тактические аспекты, "Допрос в юриспруденции и юридической лингвистике" - Сборник статей по материалам Всероссийского круглого стола. 30 ноября-1 декабря 2018 г. СПб.: ИД «Петрополис», 2019 г. С. 67



Шерзод МУХАМАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари

ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА АБОНЕНТЛАР ЁКИ АБОНЕНТ ҚУРИЛМАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛАНИШЛАР ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

АННОТАЦИЯ. Мақолада порахўрлик ва бошқа жиноятлар бўйича абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотларни олиш жараёнида мавжуд муаммолар таҳлил қилинган. Жиноят-процессуал қонунчилик ва тезкор-қидирув фаолиятига оид амалдаги қонунчиликка тегишли кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳамда чора-тадбирларни белгилаш орқали абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотларни олиш жараёнларини тартибга солиш зарурияти таҳлил қилинган.

АННОТАЦИЯ. В статье анализируются существующие проблемы в процессе получения информации о соединениях между абонентами или абонентскими устройствами по делам о взяточничестве и другим преступлениям. Проанализирована необходимость определения мер в регулировании процессов получения информации о соединениях между абонентами или абонентскими устройствами путем внесения соответствующих дополнений и изменений в действующее уголовно-процессуальное законодательство и законодательство об оперативно-розыскной деятельности.

ABSTRACT. The article analyzes the existing problems in the process of obtaining information about connections between subscribers or subscriber devices in cases of bribery and other crimes. The necessity of defining measures to regulate the processes of obtaining information about connections between subscribers or subscriber devices by making appropriate additions and amendments to the current criminal procedure legislation and legislation on operational investigative activities is analyzed.

Калит сўзлар: абонент, абонент қурилмалари, порахўрлик жиноятлари, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, тергов ҳаракати.

Ключевые слова: абонент, абонентские устройства, преступления о взяточничестве, оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, следственное действие.

Key words: subscriber, subscriber devices, bribery crimes, operational investigative activities, operational investigative measures, investigative action.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, уларнинг нисбатан хавфли кўриниши бўлган порахўрлик жиноятларини аниқлаш, фош этиш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлашда малакали тергов ҳаракатларини ўтказиб, холисона, ишонarli ва мақбул далилларни тўплаш ҳамда мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутди.

Ушбу тоифадаги жиноятларни исботлаш жараёнида абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида олинган ахборотлар алоҳида эътиборга молик бўлиб, пора олувчи ва

пора берувчи, шунингдек, воситачининг ушбу қурилмалар орқали ўзаро алоқада бўлганлиги факти тасдиқланади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари кучайтирилиб, 31-модданинг 2-қисмида ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга эканлиги, ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгиланди¹.

Бироқ ўрганишлар фуқароларнинг шах-

1 <http://lex.uz/docs/6445145>



сий ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қиладиган абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги маълумотларни олишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (*кейинги матнда ЖПК*) 87-моддасига мувофиқ, далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади².

Юқоридагилардан кўринадикки, замонавий телекоммуникация технологиялари ривожланиб бораётган бугунги даврда жиноят-процессуал қонунчилигида абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олиш тергов ҳаракати сифатида белгиланмаган.

Ортга назар ташлайдиган бўлсак, 1990-йиллар охирлари 2000-йиллар бошларидан аҳоли ўртасида уяли алоқа телефонларидан кенг фойдаланила бошланган пайтдан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳам, дастлабки тергов органлари ҳам жиноятларни

фош этиш, жиноят иштирокчилари доирасига, жиноят содир бўлган пайтда шахнинг қайси ҳудудда бўлганлигига аниқлик киритиш мақсадида тегишли уяли алоқа компанияларидан абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотлар олиниб, исботлаш жараёнида кенг фойдаланилган, уларни таҳлил қилиш орқали кўплаб мавҳум ҳолатларда содир қилинган оғир ва ўта оғир жиноятлар фош этилган.

Айни пайтда ҳам бундай боғланишлар ҳақидаги ахборотлар жиноятларни ва уларнинг иштирокчиларини фош этишда муҳим ўрин тутади.

Бир қарашда ушбу ҳаракат узоқ йиллар суд-тергов амалиётида шакллангани каби сўровга асосан абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олишда ифодаланиб, уни амалга ошириш қийинчиликлар юзага келтирмайди. Аммо масаланинг негизига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг жиддийлиги кўринадикки.

Шу ўринда аввало, “абонент” сўзининг маъносига эътибор қаратадиган бўлсак, “французча “aboner” – обуна бўлмоқ, абонементдан фойдаланувчи шахс ёки муассаса-ташкилот³”, деб таъриф берилади.

Бироқ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида абонент, абонент қурилмалари каби тушунчаларга таъриф берилмаган.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, Россия Федерациясининг “Алоқа тўғрисида”ги қонунида абонентга алоқа хизматларидан фойдаланувчи, ушбу турдаги хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома тузилиб, ушбу мақсадларда абонент рақами ёкм идентификациялаш уникал коди берилган шахс

2 <http://lex.uz/docs/111460>

3 Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005 й. 1-жилд. 53-б



сифатида⁴ таъриф берилган.

Қозоғистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги қонунда эса алоқа хизматларини кўрсатиш юзасидан шартнома тузилган жисмоний ёки юридик шахс абонент сифатида кўрсатилган⁵.

Шу каби Беларусь Республикасининг “Электр алоқа тўғрисида”ги⁶, Озарбайжон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги⁷ қонунларида ҳам ўхшаш тушунчалар берилган.

Шунингдек, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олишнинг тергов ҳаракати ҳисобланиш-ҳисобланмаслигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу борада ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд.

Жумладан, Г.М.Резник “абонентлар ва (ёки) абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олиш ўзида жиноят ишларини юритишда муайян аҳамиятга эга бўлган маълумотларни олиш мақсадида терговчининг топшириғига асосан алоқа хизматларини кўрсатувчи корхона томонидан абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни қайд қилиш ва қонунда назарда тутилган муддатда тақдим қилишда ифодаланувчи мураккаб комплекс тергов ҳаракати⁸”, деб таъриф беради.

Ҳуқуқшунос олимлар Б.Б.Булатов ва А.М.Барановлар эса, абонентлар ва (ёки) абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олишни терговчининг судга мурожаат қилиш ҳақидаги асослантилган қарорига асосан, телефон ёки электрон алоқа хизматларини

кўрсатувчи корхонадан абонент қурилмаларидан фойдаланилган ҳолда муқаддам содир қилинган ёки келгусида содир қилинадиган боғланишлар, смс-хабарлар алмашинувига оид маълумотларни олиш учун суднинг розилиги асосида амалга ошириладиган, шунингдек, ушбу маълумотларни олиш ва жиноят ишига қўшишда ифодаланадиган тергов ҳаракати ҳисоблайдилар⁹.

Юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олиш далилларни шакллантириш ва тадқиқ қилиш мақсадида фуқароларнинг телефон ва бошқа сўзлашувларига оид маълумотларни суд тартибида олишга қаратилган тергов ҳаракати деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Тергов қилинаётган жиноят ҳар доим ўтмишда содир бўлган ҳодиса ҳисобланиши сабабли терговчи учун уни содир қилиш ҳолатларини аниқлашда жиноят содир қилингунига қадар, унинг содир қилиниш пайтида ва бевосита у содир қилинганидан сўнг у ёки бу телекоммуникациявий алоқаларга ойдинлик киритиш муҳим ҳисобланади. Терговчини жиноят содир қилинганидан сўнг ҳам муайян абонентларнинг телекоммуникациявий алоқаларига оид ахборотлар ҳам қизиқтириши мумкин бўлиб, бунга зарурат терговга тўсқинлик қилинаётган, гумон қилинувчи, айбланувчи тергов ва суддан яширишга уринаётган, жабрланувчи ёки гувоҳга таъсир кўрсатилаётган ҳолларда ёки жиноят иштирокчиларининг алоқадорлигига аниқлик киритиш лозим бўлган ҳолларда юзага келади.

Бироқ абонентлар ёки абонент қурил-

4 Consultant.ru/document/cons_doc_LAW_43224

5 Online.zakon.kz/document/?doc_id=1049207&sub_id=20000&pos=92

6 Pravo.by/document/?quid=3871&p0=h10500045

7 Mincom.gov.az/upload/files/a9883e0df3e762fa93130320b798cd9d

8 Уголовно-процессуальное право Российской Федерации в 2 ч. Часть 2: учебник для вузов / Г.М.Резник и др. 3-е изд., перераб. и доп. М.:Издательство Юрайт, 2020 г. С. 98.

9 Уголовный процесс: учебник для вузов / Б.Б.Булатов и др.; под редакцией Б.Б.Булатова, А.М.Баранова. 7-е изд., перераб. и доп. М.:Издательство Юрайт, 2021 г. С. 260.



малари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олишнинг процессуал шакли белгиланмаганлиги тергов органлари ўртасида турлича амалиёт шаклланганлигини кўрсатади.

Жумладан, айрим терговчилар абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборот олинганидан сўнг, уни кўздан кечириб, ишга алоқадор боғланишларни баённомада қайд қилиб, жиноят ишига қўшсалар, айримлари маълумотнома ёки далолатнома тузадилар, баъзилари эса уни визуал тарзда кўздан кечириб, бирор тарзда процессуал расмийлаштирмасдан, ёзма ва (ёки) электрон маълумотларни ишга қўшиб қўядилар.

Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақида ахборот олинганида, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш ҳамда улар орқали узатиладиган ахборотни олишдан фарқли равишда, терговчи учун абонентлар ўртасидаги сўзлашувлар мазмуни мавҳумлигича қолади, шу сабабли ушбу ҳаракат амалга оширилганида фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид сирларга кириш эҳтимоли нисбатан кам (минимал) ҳисобланади.

Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборот олиниши билан мазкур тергов ҳаракати тамомланмайди. Ушбу ҳаракат иккита босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич маълумотни олишда ифодаланса, иккинчи босқич абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни акс эттирган ёзма ёки электрон ҳужжатларни кўздан кечириш орқали визуал тадқиқ этиш ва иш учун аҳамиятли бўлган ахборотни аниқлашда ўз аксини топади. Шу сабабли абонентлар ёки аба-

нент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақида ахборот олинганида, унинг ўзи эмас, балки кўздан кечирилиб, процессуал тартибда баённома тузилиб, улардаги ишга алоқадор ҳолат қайд қилинганида, ушбу ахборот далилий қийматга эга бўлади.

Бунда абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланиш амалга оширилганлиги ёки абонент қурилмаси жойлашган ҳудуд аниқланганлиги фактининг ўзигина далилий аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан 2020 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ЖПКга ва “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ҳамда “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган¹⁰.

Жумладан, ушбу қонун билан “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунга абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири киритилган.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш деганда абонентлар ёки абонент қурилмалари (фойдаланиладиган асбоб-ускуна) ўртасидаги боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида ахборот ва бошқа маълумотларни ноошкора олишдан иборат бўлган тадбир тушунилади¹¹.

Ушбу ўзгартиришлар натижада жиноят процессида абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олишга оид ҳаракат-

10 <http://lex.uz/docs/5132768>

11 <http://lex.uz/docs/2107763>



ларни амалга оширишда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун нормаларининг татбиқ этилишига шароит яратилган.

ЖПКда абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олишга оид нормалар мавжуд эмаслиги тергов органларида жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш борасида ушбу маълумотларни олишда қийинчиликларни юзага келтиради.

Жумладан, юқорида қайд этилган қонун қабул қилингунга қадар терговчи (суриштирувчи) абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотни (ишга алоқадор шахсларнинг телефонлари кириш-чиқиш кўнғироқлари айланмаси, пеленгация ва ҳ.к.) олиш учун тегишли уяли алоқа компанияларига юритувидаги жиноят иши рақамини кўрсатган ҳолда сўровнома юбориб олиб келган бўлса, эндиликда юритувидаги иш бўйича тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи органларга ушбу маълумотларни олиб бериш учун сўровнома билан мурожаат этиш тартиби жорий қилинган.

Ўз навбатида, тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи органлар қидирув иши юритиб, махфийлик қоидаларига риоя қилган ҳолда абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотларни олиш тўғрисида (фақат вилоят прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурор санкцияси асосида) қарор қабул қилиб, ижро қилиш учун юбормоқда. Қарор ижроси бўйича абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотлар тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи органга келиб тушганидан сўнг уларнинг махфийлик даражаси ечилиб, сўнгра тергов (суриштирув) органига тақдим қилинмоқда ва жиноят ишларига қўшилмоқда.

Амалда ЖПК билан тартибга солинмаган дастлабки тергов органлари учун бел-

гилаб қўйилган “қоидалар” асосида иш юритиш қуйидаги салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.

1. ЖПКда терговчи (суриштирувчи) ўз йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор рухсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилиши белгиланган бўлса-да, амалда ушбу ваколатлар чекланиб, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотни олиш тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи органларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Оқибатда ушбу жараёнда терговчи (суриштирувчи) билан бир қаторда, прокурор ва суднинг қонун билан белгиланган ваколатлари чекланмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд тергови жараёнида ҳам ҳақиқатни аниқлаш мақсадида ушбу маълумотларни олиб ўрганиш зарурати юзага келганда, суд органлари ҳам тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар орқали маълумотларни олиши лозим ҳисобланади.

2. Терговчининг (суриштирувчининг) абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотни олиш ҳақидаги сўровномалари асосида тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи органлар томонидан фақатгина сўровноманинг ижросини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув ишлари юритилишига олиб келиб, уларнинг сони сунъий ошиб кетмоқда.

Эътиборлиси, тезкор-қидирув иши бирор-бир жиноятни фош этиш ёки аниқлаш мақсадида эмас, балки сўровнома ижроси бўйича юритилиб, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақида ахборот олинганидан сўнг юритишдан тугатилмоқда.

3. Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборот ўз мазмунига кўра махфий ҳисоб-



ланмасада (ишга алоқадор шахсларнинг бир-бири билан мулоқотда бўлганлик фактини белгилаш, кўнғироқ амалга оширилган вақтда бўлган худудга аниқлик киритиш, телефон рақамининг кимнинг номида эканлиги ва ҳ.к.), ушбу ҳужжатлар махфийлик қоидалари асосида олиниб, сўнгра махфийлик даражаси ечилиб, жиноят ишига қўшилмоқда.

4. Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олишда юзага келтирилган қийинчиликлар, терговчилар (суриштирувчилар) томонидан ҳақиқатни аниқлаш, жиноятларни фош этишда улардан фойдаланиш амалиётининг кескин қисқаришига сабаб бўлмоқда (тахлиллар терговда жиноятни фош этиш, айбланувчилар доирасига аниқлик киритиш мақсадида ушбу маълумотлардан фойдаланиш амалиёти кескин қисқарганлигини кўрсатади).

5. Фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги, таниб олинмаган мурдалар топилганлиги, суицид ҳолатлари ҳамда бошқа жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар бўйича терговга қадар текширувлар давомида йўқолган шахсни топиш, мурданинг шахсини аниқлаш, суицид сабабларига ва бошқа текширув учун эътиборга молик ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида терговчиларда абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақида ахборотлар олиш имкони мавжуд эмас.

6. Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олишдан кўзланган мақсад иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, жиноят содир этган шахслар доирасига аниқлик киритиш ёки жиноятга алоқадорлигини текширишга қаратилган.

Бироқ ЖПКга абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олиш ҳақида нормалар киритилмаганлиги, ушбу ахборотларни олишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг телефонлари ва бошқа те-

лекоммуникация қурилмалари орқали узатиладиган ахборотни олишга оид нормани татбиқ этишга сабаб бўлмоқда.

Ушбу нормада фақат гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг телефонлари ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали узатиладиган ахборотни олиш белгиланганлиги сабабли, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсадида бундай процессуал мавқега эга бўлмаган процесс иштирокчилари бўлган абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олишни истисно этмоқда.

Аксарият ҳолларда жиноят иштирокчилари доирасига аниқлик киритиш мақсадида терговчи (суриштирувчи) ёки судни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар билан бир қаторда ушбу боғланишларнинг субъектлари қизиқтиради, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан мулоқотда бўлган абонентларга оид маълумотлар (телефон рақамининг кимнинг номига расмийлаштирилганлиги) муҳим ҳисобланади.

Бундай ҳолларда ЖПКда белгиланган нормани амалда қўллаб бўлмайд.

Мисол учун, жиноят иши кўзғатилган ҳолларда (терговнинг дастлабки босқичида) хуфиёна иқтисодий фаолиятни амалга ошириб, “bank-klient” дастуридан фойдаланган ҳолда пул маблағларини нақдлаштириш фаолияти билан шуғулланувчи номаълум шахсларнинг фақат телефон рақами ҳақида маълумот мавжуд бўлади. Келгусида телефон рақами кимга тегишли эканлиги, у орқали амалга оширилган боғланишларга аниқлик киритиш орқали жиноий фаолият билан шуғулланиб келган фуқароларнинг шахсига ойдинлик киритилиши мумкин. Бироқ уларнинг иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи мақомига эга эмаслиги сабабли абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олиш имкони чекланган.



7. Айрим ҳолларда абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олиш зарурати бўлганда уни олиш имконияти чекланганлиги сабабли терговчи (суриштирувчи) томонидан процесс иштирокчиларига (гувоҳ, жабрланувчи) ўз фойдаланувидаги абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишларни тегишли уяли алоқа компаниясидан олиб, тергов (суриштирув) органига тақдим қилиш ҳақида сўров (талаб) қўйилмоқда.

Бунга розилик билдирган фуқаролар томонидан тўлов асосида уяли алоқа компаниясидан олиниб, терговга тақдим қилинган абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотлар баённомаларга илова қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бундай ҳолатда жиноятга дахли бўлмаган шахс ўз манфаати учун ушбу ахборотни терговга тақдим қилса, жиноятга алоқаси бўлган шахслар томонидан бундай ахборот тақдим қилинмайди.

8. Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олиш ҳақидаги сўровномалар тўғридан-тўғри юборилмасдан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга юборилиб, улар орқали олиниши иш ҳажмининг сунъий кўпайишига ҳамда муддатлар чўзилишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар эса жиноятларни “иссиқ изидан” фош этишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

9. Терговчи (суриштирувчи) юритувидаги жиноят иши бўйича фақат битта абонент ёки абонент қурилмаси ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олиш билан чекланмасдан, ушбу ахборотни олиб кўздан кечирганидан сўнг, исботлаш жараёнида бошқа абонент ёки абонент қурилмаси ўртасидаги боғланишлар ҳақи-

даги ахборотни олиш зарурати юзага келса, яна сўровнома юбориши мумкинлиги эътиборга олинса, муддатларнинг чўзилиб кетиши эҳтимоли янада ортади.

Бу борадаги хорижий тажриба ўрганилганида, Россия Федерациясининг жиноят-процессуал қонунчилигида 2010 йилда абонентлар ва (ёки) абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги маълумотни олиш алоҳида тергов ҳаракати сифатида белгиланган.

Жумладан, Россия Федерацияси ЖПКнинг 186-1-моддасида абонентлар ва (ёки) абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги маълумотлар жиноят иши учун аҳамиятли эканлиги тўғрисида етарли асослар бўлган тақдирда, ушбу маълумотлар терговчи томонидан суд қарорига мувофиқ олиниши белгиланган¹².

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 244-моддаси эса абонентлар ва (ёки) абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги маълумотни ноошкора олиш деб номланиб, унга кўра судга қадар терговни амалга оширувчи орган тергов судьясининг санкциясини олганидан сўнг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки махсус давлат органининг ваколатли бўлинишига ижро учун юборади. Бунда ижрочи ходим талаб қилинган маълумотни исталган моддий ташувчида қайд қилган ҳолда тақдим қилишга мажбурлиги белгиланган¹³.

Бироқ қонунчиликда мазкур масалада бўшлиқлар ва қонун нормаларини турлича талқин қилиш ҳолатлари мавжудлиги, жиноят процессида тергов (суриштирув) ва суд органларининг юритувларидаги ишлар бўйича ҳақиқатни аниқлаш, исбот қилиш, жиноятларни аниқлаш ва фош этишга қаратилган фаолиятларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

12 Consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481

13 Online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852



Шунга кўра, юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб:

1) алоқа тўғрисидаги қонунчиликка тегишли қўшимчалар киритиб, абонент, абонент қурилмалари ва соҳадаги муҳим атамаларга ҳуқуқий таъриф бериш;

2) ЖПКга терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи ва суд махсус ваколатли давлат органидан абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш учун асослар, мазкур ахборотни олиш тартибига оид процессуал нормаларни белгиловчи “Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш” деб номланувчи алоҳида 21-1-боб киритиш.

Ушбу жараёнда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахснинг, суриштирувчининг, терговчининг прокурор розилик берган илтимосномаси асосида фақат суд томонидан ёхуд суднинг ажримига биноан олинишини, уларни тақдим

қилиш тартиби ва муддатларини, улар тақдим қилинганидан сўнг кўздан кечирилиб, иш ҳужжатларига қўшилиши лозимлигини белгилаш;

3) Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”-ги қонунининг 16-моддасида белгиланган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартларида абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотни олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишига фақат суд санкцияси асосида йўл қўйилишига оид ўзгартиришлар киритиш.

Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнларида абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олишга оид нормаларнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланиши, шунингдек, тезкор-қидирув фаолияти давомида ушбу ахборотнинг суднинг рухсати билан олиниши белгиланиши фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини янада ишончли ҳимоя қилишга, жиноят процессида ушбу маълумотларни олиш билан боғлиқ муаммо ва тўсиқларни бар-тараф қилишга хизмат қилади.

.....
#



Ғулом ШОДИЕВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси марказ катта прокурори, ю.ф.н., доцент

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада жиноят процессида шахсни реабилитация қилиш институтининг тушунчаси, реабилитация ҳақидаги процессуалчи олимларнинг қарашлари, назарий таърифлари ўрганилган ҳамда таҳлил қилинган. Хусусан, жиноят процессида реабилитация, амнистия, афв тушунчаларининг бир-бирдан фарқли жиҳатлари ҳақида турли фикр ва мулоҳазалар келтирилган. Муаллиф томонидан жиноят процессида шахсни реабилитация этиш юзасидан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье изучено и проанализировано понятие института реабилитации личности в уголовном процессе, также были проанализированы взгляды ученых-процессуалистов на реабилитацию и теоретические подходы. В частности, приводятся мнения и соображения по различным аспектам понятий реабилитации, амнистии, помилования в уголовном процессе. Было разработано авторское определение реабилитации личности в уголовном процессе.

ABSTRACT. This article studies the concept of the institute of rehabilitation of a person in criminal proceedings, the views of procedural scientists on rehabilitation, and their theoretical definitions. In particular, thoughts and opinions on the differences between rehabilitation, amnesty, and pardon in criminal proceedings are presented. The author has developed an author's definition regarding the rehabilitation of a person in criminal proceedings.

Калит сўзлар: реабилитация, оқлов, зарарни қоплаш, амнистия, афв.

Ключевые слова: реабилитация, оправдание, возмещение ущерба, амнистия, помилование.

Key words: rehabilitation, acquittal, compensation, amnesty, pardon.

Реабилитациянинг назарий жиҳатларини ўрганиш давлат ва жамият учун реабилитациянинг аҳамиятини, унинг моҳияти ва самарадорлигига мос ҳуқуқий тимсолни жамоатчилик онги томонидан идрок этиш нуктаи назаридан муҳимдир. Ўз навбатида ҳуқуқий реабилитацияни ижтимоий реабилитация турларидан, масалан, сиёсий, тиббий, касбий, жиноий жазони ўтаб чиққан шахсларни реабилитация қилиш ва бошқа бир қатор турларидан ажратиш керак, чунки унинг ўзига хос белгилари шахсни ноқонуний, асоссиз, адолатсиз жавобгарликка (интизомий, фуқаролик, маъмурий ёки жиноий) тортилишидан олдинги ҳолатига қайтариш фактининг объектив тасдиғининг мавжудлигидир.

Ҳуқуқий реабилитацияни кенг маънода мустақил ҳуқуқий институт деб аташ мумкин, чунки у билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам, ҳуқуқнинг турли соҳаларидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам

тартибга солинади (масалан, жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик, фуқаролик процессуал, меҳнат ва бошқалар). Қонунга хилоф равишда жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг айбсизлигини кейинчалик унинг ҳуқуқий мақоми, шаъни, пок номи, кадр-қиммати, обрўси тикланиши, шунингдек унга етказилган зарарларнинг ўрнини қонунда белгиланган тартибда қоплаш деб таърифланади. Юқоридагилар жиноят-процессуал ҳуқуқдаги реабилитация билан бевосита боғлиқ ва шунинг учун ҳуқуқий реабилитацияда ижтимоий аҳамиятга эга ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида жамиятнинг адолатни тушунишга бўлган позициясини акс эттирувчи, шахснинг пок номини тиклаш зарурлигини кўрсатади.

Жиноят процессида айби бўлмаган шахсни оқлаш, унга нисбатан бўлган шубҳа, гумон ва айбловларни бартараф қилиш, унинг чекланган ҳуқуқ ва эркинликларини қайта тиклаш ва етказилган



зарарларни қоплаш зарурлиги ғоясининг қонун томонидан тартибга солиниши, кейинчалик шахслар онгида давлат томонидан жиноят ишини юритишга ваколатли мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорларидан ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз жабрланган шахснинг шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши реабилитациянинг туб моҳиятини акс эттиради.

Жиноят процессининг мақсади жиноят ишларини юритиш жараёнида нафақат ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни фош этиш, жавобгарликка тортиш, айбдорни жазолашдан, балки ҳеч бир айби бўлмаган шахсни жиноят содир этишда ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз айблов қурбонига айланмаслигини таъминлашдан манфаатдорлик билан белгиланади.

И.Кант ҳақли равишда таъкидлаганидек, адолат йўқ жойда кишилар ҳаёти, кадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нима қолмайди¹.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилган реабилитация институтини тартибга солувчи нормаларни амалда қўллаш жараёнида реабилитациянинг моҳияти, уни қўллаш механизми, моддий ва маънавий зарарлар учун компенсация, жиноят ишларини юритишга ваколатли бўлган мансабдор шахсларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва қарорларидан жабрланган шахс тушунчалари аниқлик киритишга муҳтож масалалардан ҳисобланади ҳамда замонавий илм-фан нуқтаи назаридан такомиллаштиришни талаб этади.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида реабилитация процессуалчи олимлар, амалиётчи мутахассислар ўртасидаги энг мунозарали масалалардан бири бўлиб,

турли хил қараш ва ёндашувлар мавжуд.

Ҳозирги вақтда жиноят процессининг замонавий талабларига тўлиқ жавоб берадиган, унинг моҳияти, мазмуни ва аҳамиятини тушунишга, назарияда аниқланган ва реабилитация институтининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида намоён бўлган муаммоларини ҳал қилишга хизмат қиладиган реабилитация тушунчасини яратиш зарур.

Реабилитация институти жиноят процессида қўлланилаётган вақтдан буён соҳа олимларининг доимий диққат марказида бўлиб келган. Жиноят процессида ҳуқуқий муносабатлар, жиноят ишини юритишга ваколатли мансабдор шахслар томонидан ижтимоий хавfli қилмишни содир этишда гумон қилинаётган, айбланаётган, судланаётган, жазони ўтаётган ва жазони ўтаган шахсларга нисбатан амалга оширилганлиги сабабли ҳар доим профессионал (касб нуқтаи назаридан) хато қилиш хавfli мавжуд. Шу сабабли жиноят ишларини юритишга ваколатли мансабдор шахслар томонидан шахсни ноқонуний, асоссиз, адолатсиз жиноий жавобгарликка тортиш, ҳукм қилиш билан боғлиқ хатолар доимий муаммоли масалалардан ҳисобланади.

Таниқли криминалист Ганс Гросс процессуал хатолар хусусида қуйидагича фикр билдиради: "...ҳеч бир йўл қўйилган ва тузатилмаган хато, жиноятларни тергов қилиш ва айбдорларни аниқлашда бўлгани каби зарар етказмайди ҳамда аниқланган хато ҳеч қаерда осонликча тузатилмайди. Ҳеч кимдан хато қилмасликни талаб қилиш мумкин эмас, лекин хато қилган ҳар бир ваколатга эга шахс буни дарҳол тан олиши, жабрланган шахс эса ундан тузатишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим - бу ҳар бир ҳалол ва виждонли ваколатга эга мансабдорга қўйилиши мум-

¹ Б.У.Жамолов. Суд ҳоқимияти (назария ва амалиёт масалалари): монография-Т.: "Yurist-media markazi" нашриёти, 2011 йил, 322-бет.



кин бўлган энг жиддий талабдир”².

Шу билан бирга, ноқонуний, асоссиз, адолатсиз жиноий таъқиб, ҳукм қилишдан жабрланганларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш, уларга нисбатан етказилган зарарларни қоплаш ҳар доим долзарбдир.

Юқорида келтирилган жиноят ишини юритишга ваколатли мансабдор шахсларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва қарорларидан жабрланган шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш, уларга нисбатан етказилган зарарларни қоплаш ҳолатларини бартараф этиш учун “реабилитация” атамаси қўлланилади.

"Реабилитация" атамаси бир қатор тилларда қуйидагича маъноларни англатади, хусусан, лотин тилида "rehabilitatio" имконият, қобилятни қайта тиклаш³, немис тилида "rehabilitation" аввалги ҳолатига қайтиш, тикланиш деган маъноларни билдиради⁴.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати⁵ ва Ўзбекистон миллий энциклопедияси⁶ да реабилитация атамаси лотинча “rehabilitatio” сўзидан олинган бўлиб, жиноят содир этишда асоссиз гумон қилинган ёки айбланган шахснинг пок номи, шаъни ва кадр-қимматининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари томонидан тикланиши деб таърифланган.

Шу билан биргаликда, жиноят-процессуал ҳуқуқида шахсни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишда реабилитация атамасидан ташқари амнистия, афв этиш атамалари ҳам қўлланилади.

Амнистия – (юнонча “amnestia” – уну-

тиш; кечириш) Олий ҳокимият қарори билан муайян тоифадаги судланган шахсларнинг жазосини юмшатиш ёки уларни жазодан озод этиш⁷.

Олий давлат ҳокимияти органининг хусусий акти, айрим шахсларнинг жиноий жазодан озод қилиш, жиноят ишини бекор этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қарори. Жиноят ва ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни жазодан тўла ёки қисман озод этиш, тайинланган жазо турини енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги инсонпарварликни намойиш қилувчи фармойишдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига кўра амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади, Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларга нисбатан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш Сенатнинг мутлақ ваколатига киради. Амнистия халқ ўртасида “умумий афв” деб ҳам юритилади.

Афв – (арабча гуноҳидан ўтиш, кечириш) кечирим, узр⁸.

Афв этиш – суд ҳукми билан жазо тайинланган шахснинг (маҳкумнинг) илтимосномасига биноан унинг гуноҳидан кечириш. Ўзбекистонда афв этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 17 июлдаги 440-сонли фармони билан тасдиқланган

2 Гросс Г. Руководство для судебных следователей как система криминалистики. Спб. 1908. С. 24.

3 Большая Советская энциклопедия / под ред. А. М. Прохорова. М., 1974 г. Т. 21. С. 516.

4 Даль В. И. Толковый словарь живого великорусского языка / под ред. И. А. Боду-эна де Куртенэ. М., 2000 г. Т. 3. С. 1663.

5 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. Т. 34-б.

6 Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. VII. Таҳрир ҳайъати: А. Абдувоҳитов, А. Азизхўжаев, М. Аминов, Т. Даминов ва б. – Т., 2004 й., 279-б.

7 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. Т. 1-том 79-б.

8 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. Т. 1-том 117-б.



Ўзбекистон Республикасида афв этиш-ни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомнинг 1-бандига кўра, афв этиш Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларга нисбатан уларнинг ўзлари томонидан афв сўраб берилган илтимосномага биноан ҳал қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳуло-са қилишимиз мумкинки, реабилитация амнистия ва афв этишдан ноқонуний, асоссиз, адолатсиз жиноят ишини кўзга-тиш, жиноий таъқиб қилиш, айб эълон қилиш, айблов ҳукми чиқариш туфайли чекланган ҳуқуқ, эркинлик ва ҳалол ном, шунингдек, йўқотилган имконият, қоби-лиятларнинг тўлиқ тикланиши, шахсга нисбатан етказилган зарарларнинг тўлиқ қопланиши билан фарқ қилади.

Амнистия ва афвда эса шахс содир эт-ган ижтимоий хавфли қилмишидан Олий ҳоқимият органи қарори билан муайян то-ифадаги судланган шахсларнинг жазосини енгиллатиш ёки уларни жазо ёхуд жавоб-гарликдан озод этилади.

Н.И.Миролюбовнинг таъкидлашича, реабилитация қадимда афв этиш инсти-тути сифатида фақат жазони ўтаган ёки шартли равишда озод қилинган шахслар-га нисбатан қўлланилган ва маҳкумнинг жазоланишидан аввалги ҳуқуқларини тиклаш учун ишлатилган. Кейинчалик ре-абилитация айблов ва ҳукмнинг ноқону-нийлигини тан олиш деб тушунилган⁹.

Замонавий юридик адабиётларда реабилитация таърифини тушуниш учун турли хил ёндашувлар мавжуд. Жиноят процес-

сида реабилитация институтига таъриф беришда процессуалчи олимлар маълум бир мезонларга асосланишади.

Ёндашувлардан бири реабилитация асослари бўйича шахсни оқлаш ёки жино-ят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш фактига асосланади¹⁰.

Т.Т.Таджиевнинг таъкидлашича, ре-абилитация бу ваколатли ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи органнинг жиноят-процессуал ҳужжатда ифодаланган ва жиноят ҳодисаси ёки жиноят таркиби йўқлиги ёки аниқлан-маганлиги, ёки мазкур шахснинг жиноят содир этишдаги иштироки аниқланмаган-лиги ҳақида ҳулосасини қайд қилувчи қароридир¹¹.

А.Р.Гуляевнинг таъкидлашича, "реабилитация" шахснинг чекланган ҳуқуқ ва эр-кинликларини тиклаш тартибини қамраб олади, унинг асосий, муҳим белгиси гу-мон қилинувчи, айбланувчи ва судланув-чининг айбсизлиги ҳақидаги ҳулосадир¹².

У.А.Тухташевнинг фикрича, реабилитация айбсиз шахснинг қонунга зид равишда жиноий жавобгарликка торти-лиши, озодликдан маҳрум этилиши ва бошқа чекланишлар натижасида бузилган ҳуқуқлари қайта тикланиши ва келгуси фаолияти учун тўсқинлик қиладиган бар-ча омилларнинг бекор қилинишидир¹³.

Т.Н.Москалкова реабилитация инсти-тутини: жиноят содир этишда айбсизлик-нинг ҳуқуқий ифодаси¹⁴ тарзида тушуни-шини таъкидлайди.

Бир қатор олимларнинг фикрига кўра, реабилитацияда ҳуқуқий оқибатлар бўли-

9 Миролюбов Н.И. Реабилитация как специальный правовой институт // Труды юридического общества за 1901-1902 гг. Казань, 1902 г. С. 17-29.

10 Безлепкина Б. Т. Вопросы реабилитации на предварительном следствии: Лекция. Горький, 1975. С. 13; Зинькович В. В. Институт реабилитации - надёжная охрана прав личности в советском уголовном процессе // Актуальные проблемы охраны прав личности в советском уголовном судопроизводстве: межвуз. сб. науч. тр. Свердловск, 1989 г. С. 67.

11 Таджиев Т.Т. Проблемы реабилитации в советском уголовном процессе. Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. Ташкент, 1991 г. С. 15.

12 Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации / под ред. В. П. Верина, В. В. Мозякова. - М.: «Экзамен», 2004 г. С. 45.

13 Уголовный процесс: Общая часть: Учебное пособие в 2-х частях. Часть II. / Автор-составитель У. А. Тухташева. - Т., 2007 г. - С. 311.

14 Москалькова Т.Н. Нравственные основы уголовного судопроизводства: дисс. ... докт. юрид. наук. - М., 1997 г. С. 68.



ши керак, яъни асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклашга қаратилган компенсация чораларини бевосита амалга ошириш керак¹⁵.

Шунингдек, З.Ф.Иноғомжонова шахснинг олдинги ҳуқуқларини, ҳалол номини ва обрўсини суд ёки маъмурий тартибда тиклаш деб таърифлайди¹⁶.

И.Я.Фойницкий ва В.П.Ширяевнинг таъкидлашича, реабилитация бу, айби исботланмаган шахсларга моддий ва маънавий зарарни қоплаш институтидир¹⁷.

Б.Б.Муродовнинг қайд этишича, реабилитация – гумон қилинувчи (шу жумладан, жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб турилган шахс), айбланувчи, судланувчи ва маҳкумни қонунда белгиланган тартибда суднинг оқлов ҳукми билан айбсиз деб эълон қилиш (ёхуд уларга нисбатан ЖПКнинг 83-моддаси билан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки тугатиш) ва қонунга зид равишда тергов ҳаракатларига жалб этиш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, жавобгарликка тортиш ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида етказилган барча турдаги зарарларни давлат ҳисобидан ундириш ҳамда шахснинг бузилган ҳуқуқларини, яъни аввалги мавқеини тўлиқ қайта тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир¹⁸.

А.Я.Сатторовнинг фикрича, реабилитация – шахснинг ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилганлиги ёки судланганлиги, асоссиз процессуал мажбурлов ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланганлигини расман эътироф этиш ва ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш, шунингдек ҳукм қилиш натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш, бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш тартибидан иборат¹⁹.

Баъзи процессуалчи олимлар реабилитациянинг зарур элементлари сифатида олдинги иккита асосни биргаликда бўлишини эътироф этишадилар²⁰. Г.В.Гаврилюк, Н.Э.Шалумов реабилитацияни маълум бир кетма-кетликда амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи деб таърифлашади²¹.

А.А.Орлованинг фикрича реабилитация – жиноят ишини юритишга ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жиноят процессида унга етказилган зарарни қоплаш кафолатлари тизими билан таъминланган шахснинг айбсизлиги фактини расмий равишда тан олишдир²².

Д.В.Татьянин жиноят процессида реабилитацияга қуйидагича таъриф беради: “реабилитация – ноқонуний ёки асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган ёки суд-

15 Качалов В. А., Качалова О. В. Уголовно-процессуальное право: учеб, пособие. М., 2007 г. С. 371; Петрухин И. Л. Оправдательный приговор и право на реабилитацию: моно-графия. М., 2009 г. С. 124; Савицкий В. М. По поводу уголовно-процессуальных гарантий права невиновного на реабилитацию // Сов. государство и право. 1965 г. № 9. С. 48.

16 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.А.Абдумажидов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009 й., 159-б.

17 Фойницкий И. Я. О вознаграждении невинно к суду уголовному привлекаемых. Спб. 1884 г. С. 110; Ширяев В. П. Государственное вознаграждение невинно привлекаемых к уголовному суду // Право. 1904 г. № 11. С. 665-678.

18 Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш: назария ва амалиёт: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016 й., 50-51-б.

19 Сатторов А.Я. Жиноят процессида реабилитация институтини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш: дисс. ...юрид. фан. номзоди. PhD - Т., 2023 й., 140-б.

20 Уголовный процесс / под ред. В. П. Божьева. 3-е изд., исп. и доп. М., 2002 г. С. 644; Шилов Н. Я. Проблема реабилитации на предварительном следствии. Ашхабад, 1986 г. С. 16.

21 Гаврилюк Г. В. Институт реабилитации в уголовном судопроизводстве // Следователь. 2006 г. № 9. С. 20; Шалумова Н. Э. Проблемы организации работы правоохранительных и судебных органов по реабилитации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2007 г. С. 9.

22 Орлова А.А. Концепция реабилитации организационно правовые механизмы ее реализации в российском уголовном процессе. Дис. ... докт. юрид. наук. Москва, 2013 г. С. 158.



ланган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки ёпиқ турдаги махсус ўқув юртларига жойлаштириш билан боғлиқ бўлган, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жиноят содир этишда айбсиз деб топилган ёки бошқа сабабларга қўра реабилитация қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш жараёни”²³.

Г.Г.Амирбекова жиноят процессида реабилитация, бу жиноий жавобгарликка тортилган ёки судланган, аммо қонунда белгиланган тартибда жиноят содир этишда айбсиз деб топилган шахснинг вақтинча йўқотилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш жараёни, шунингдек моддий, маънавий ва бошқа зарарларини ҳақиқий қопланишини таъминлаш²⁴ деб таъриф беради.

Биз ушбу таърифда жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини йўқотишнинг вақтинчалик хусусиятини кўрсатиш тўғри эмас деб ҳисоблаймиз. Жиноий таъқиб қилиш пайтида шахснинг ҳуқуқлари вақтинча йўқолган деб ҳисобланмаган. Бундан ташқари, ваколатли органлар ёки мансабдор шахсларнинг қонуний ҳаракати билан шахс реабилитация қилинади, аммо бу унинг

ҳуқуқлари тўлиқ тикланишини англамайди, чунки шахсга етказилган зарарларни қоплаш учун унинг хоҳиш-иродаси ҳам зарур деб ҳисоблаймиз.

А.А.Подопригора "реабилитация" тушунчасини қуйидагича таърифлайди – жиноий жавобгарликка тортилган, аммо қонунда белгиланган тартибда жиноят содир этишда айбсиз деб топилган шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш ва реабилитация қилинган шахсга етказилган зарарларнинг ҳақиқий қопланишини таъминлаш²⁵.

Юқорида реабилитация тушунчаси, уни амалга ошириш механизмлари юзасидан билдирилган таърифлар, мулоҳазалардан хулоса қилган ҳолда, жиноят-процессуал ҳуқуқида шахсни реабилитация этишга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин.

Жиноят-процессуал ҳуқуқида реабилитация – бу ҳуқуқий реабилитациянинг бир тури бўлиб, шахснинг чекланган ҳуқуқ ва эркинликлари, имкониятларини тиклаш ҳамда унга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш, унинг жамиятга тўлиқ қайта мослашувини таъминлашга қаратилган қонуний комплекс чора-тадбирларда ифодаланган мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир.

#

23 Татьяна Д. В. Реабилитация в уголовном процессе России: понятие, виды, основания, процессуальный порядок: дис... канд. юрид. наук. Ижевск, 2005 г. С. 9.

24 Амирбекова Г. Г. Институт реабилитации в уголовном процессе: теория и практика реализации (по материалам республики Дагестан): дис... канд. юрид. наук. М., 2008 г. С. 9.

25 Подопригора А. А. Реабилитация в уголовном процессе России: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Ростов н/Д, 2004 г. С. 14.



Албина ТАДЖИБАЕВА,
Тошкент давлат юридик университети доценти,
юридик фанлар номзоди

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АЙБЛОВ ФУНКЦИЯСИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада жиноят процессининг айблов функцияси ўрганилган ҳамда унинг процессуал тартибга солиниши таҳлил қилинган. Хусусан, айблов функциясининг амалда рўёбга чиқарилиши масалалари ҳақида турли фикр ва мулоҳазалар келтирилган. Муаллиф томонидан айблов, жиноий қилмиш содир этилиши оқибатида юзага келадиган бир қанча босқичларни ўзида мужассамлаштирган мураккаб комплекс ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкинлиги ҳақидаги фикр илгари сурилади.

АННОТАЦИЯ. В данной статье анализируется функция обвинения в рамках уголовного процесса, а также исследуется процедурный порядок ее регулирования. В статье представлены различные точки зрения и комментарии относительно реализации функции обвинения. Автором выдвигаются утверждения относительно обвинения, которое состоит из сложных комплексных действий, включающих несколько этапов.

ABSTRACT. In this article, the prosecution function of the criminal process is studied and its procedural regulation is analyzed. In particular, various opinions and comments are presented about the issues of the actual implementation of the prosecution function. The author suggests that the accusation may include complex complex actions that include several stages that occur as a result of the commission of a criminal act.

Калит сўзлар: айблов, прокурор, дастлабки тергов, функция.

Ключевые слова: обвинение, прокурор, предварительное следствие, функция.

Key words: accusation, prosecutor, preliminary investigation, function.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади шиддат билан ўзгараётган замон талабларига жавоб берадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий қадрият сифатида кафолатлайдиган қонунчилик тизими ва уни амалга ошириш механизми-ни тўлиқ шакллантириш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

Таъкидлаш лозимки, қисқа давр мобайнида суд-ҳуқуқ ислохотлари янада жадаллаштирилиб мамлакатимизда шахсининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ноқонуний ва асоссиз равишда чекланишига йўл қўймаслик йўналишида қатор чора-тадбирлар

амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси¹ ижроси юзасидан жиноят процессида шахс ҳуқуқлари таъминланишини такомиллаштиришга қаратилган қатор меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳамоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқлиги биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт”², деб бежиз таъкидламаган.

Бугун умумэътироф этилганки, жиноят

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармони// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон)

2 Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. – Т., 2017 й. –152-б.



процесси умумий ва махсус қисмлардан, алоҳида ва махсус институтлардан ташкил топган. Шу билан бирга, жинойт-процессуал назарияда жинойт-процессуал муносабатлар, жинойт-процессуал кафолатлар, жинойт-процессуал шакл, жинойт процессининг босқичлари ва жинойт процессуал функциялар мавжудлиги эътироф этилади.

Бу хусусиятлар энг аввало жинойт-процессуал қонунчилик нормаларида тартибга солинган бўлса, иккинчи томондан улар процесс иштирокчиси томонидан бажариладиган функциялардан келиб чиқади.

Бир гуруҳ олимлар жинойт-процессуал функцияларни таснифламасдан ягона рўйхат тарзида келтирадилар ва улар бир-биридан мустақил равишда ишлайди деган фикрни билдирадилар. Бошқалари эса жинойт-процессуал функцияларни икки гуруҳга – асосий (одил судлов, айблов, ҳимоя) ва кўшимча (тергов, зарарни қоплаш, жинойтларнинг олдини олиш) функцияларига таснифлайдилар.

Бизнингча, жинойт-процессуал назария нуқтаи назаридан ушбу уч функция жинойт процессида жуда муҳим вазифани бажаради. Жинойт процессининг асосий функцияларидан бири – айблов функциясидир. Айблов функциясини прокурор (ЖПК 34, 243, 382-388, 409, 558, 589-м.), терговчи (ЖПК 35-37, 345, 321-381-м.), суриштирувчи (ЖПК 38, 38¹, 381¹-381¹⁷-м.), терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар (39¹, 39², 320¹-320³, 321-331-м.), жабрланувчи (ЖПК 54-55-м.) фуқаровий даъвогар (ЖПК 56-57-м.), жабрланувчининг қонуний вакили (ЖПК 60-61-м.), жабрланувчининг ва фуқаровий даъвогарнинг вакили (ЖПК 62-63-м.) амалга оширадилар.

Айбловни амалга оширувчи субъектларнинг мазмунини очиқ беришда муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Айб-

ловни амалга оширувчи субъектлар айбловнинг қандай ҳаракатлардан иборат, тушуниш ва уни амалга ошириш тартиби ҳақидаги қарашлар билан бевосита боғлиқдир. Айбловни амалга ошириш айбловни амалга оширувчи орган ва мансабдор шахслар учун мажбурият ҳам ҳисобланади. Таъкидлаганимиздек, жинойт ишини кўзғатиш кўп жиҳатлари жинойт таъқибни кўзғатишга ўхшашлиги боис аксарият ҳолларда жинойт ишини кўзғатишда айбловнинг таркибий қисмлари кузатилади.

Айбловга жинойт содир этган шахсни қонуний таъқиб қилиш деб қарайдиган бўлсак, бу фаолият суриштирув ва тергов органлари, шунингдек, прокурор томонидан амалга оширилиши тўғрисида ҳулосага келиш мумкин³. Ваҳоланки, жинойтнинг очилишидан манфаатдор бўлган ва жинойтдан зиён кўрган шахслар, жумладан фуқаролар ва юридик шахслар ҳам айбловни амалга оширишлари мумкинлиги ушбу масалани мураккаблаштиради. Амалдаги жинойт-процессуал тартибга мувофиқ, аксарият ишлар умумий тартибда юритилиши боис хусусий айблов ёки хусусий таъқиб етарлича ёритилмаган. Ҳолбуки, хусусий иштирокчилар томонидан айбловни қўллаб-қувватлаш ҳам ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ишлар бўйича жабрланувчининг аризаси жинойт ишини ва айбловни кўзғатишда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Демак, айбловни амалга ошириш суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг мажбурияти, жабрланувчи ва жинойтдан зиён кўрган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқидир.

Айбловни амалга оширувчи асосий субъектлардан бири бу прокурордир. Зеро, З.Ф.Иноғомжонова ва Г.З.Тўлагановалар таъкидлаганидек, “Прокурор жи-

3 Ягофаров Ф.М. Механизм реализации функции обвинения при рассмотрении дела судом первой инстанции: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Оренбург, 2003 г. – С. 6.



ноят ишлари бўйича судларда иштирок этиб, ўз ваколатлари доирасида ...судда давлат айбловчиси сифатида иштирок этиб, айбловни амалга оширади”⁴. Бу борада О.Мадалиев ҳам “Прокурор жиноят иш юритувида айбловни амалга оширар экан, судларда жиноят ишлари кўрилишида давлат айбловини қувватлайди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан муҳофаза қилиш вазифасини бажарувчи орган сифатида, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолати сифатида иштирок этади ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашади”⁵, деб ёзди.

Ҳақиқатдан ҳам, прокурорнинг вазифаси – жиноят процессининг барча босқичларида қонун бузилиши ҳолларига нисбатан, бу қонун бузилишлари ким томонидан содир қилинишидан қатъи назар, уларни бартараф қилиш учун қонун билан белгиланган чораларни ўз вақтида кўриш ҳисобланади. Судларда жиноят ишлари кўрилишида суд муҳокамасида айбловни қувватлаётган прокурор эса, ҳар қандай ҳолатда прокурор, яъни “қонун ҳимоячиси” бўлиб қолиши лозим⁶.

Айблов таркибан тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи орган ва мансабдор шахсларнинг, шунингдек, жиноят суд иш юритувида иштирок этаётган прокурорнинг айблов тусидаги мақсадли фаолиятдан иборат.

Жиноят процессининг судга қадар иш юритуви босқичларида айбловни амалга оширишда прокурор ўзига хос ўринга эга. ЖПКнинг 33-моддасига мувофиқ, прокурорнинг айбловни амалга оширишда-

ги иштироки икки томонлама хусусиятга эга: биринчидан, прокурор ўз ваколати доирасида давлат номидан айбловни амалга оширишга ваколатли бўлган мансабдор шахс ҳисобланади; иккинчидан, у жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг процессуал фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади.

Бошқача айтганда, прокурор бир вақтнинг ўзида ҳам айбловни амалга оширади, ҳам уни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа орган ва шахслар томонидан айблов амалга оширилиши устидан назорат қилади. Жиноят иши бўйича суд иш юритувида эса, прокурор айблов функциясини бажаришда давом этиб, давлат айбловини қўллаб-қувватлайди, унинг қонунийлиги ва асослилигини таъминлайди.

Шу ўринда айблов функциясини ўзида ифодалаган давлат айблови жиноят процессининг қайси босқичида шакллантирилади ҳамда қандай ҳужжатда ифодаланади, деган савол туғилади. Бу борада ҳуқуқшунос олимлар турли хил фикрларни билдирганлар⁷. Бир гуруҳ олимлар давлат айблови дастлабки тергов босқичидаёқ шахс айбланувчи сифатида жалб этилган вақтдан бошлаб тўлиқ ҳажмда намоён бўлади, деб ҳисоблайди. Назаримизда, ушбу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки судга қадар иш юритувидаги айблов ва давлат айбловини ўзаро аралаштирмаслик ва адаштирмаслик керак. Гарчанд, дастлабки тергов босқичида тергов органларининг айблови шакллантирилиб ривожлантирилсада, бу айблов давлат айблови мақомига эга бўлмайди, зеро давлат айблови қатъиян қонунга мувофиқ ҳолда фақатгина прокурор

4 Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси иштирокчилари. Ўқув қўлланма / проф. М.Х.Рустамбоевнинг умуий таҳрири остида. – Тошкент: ТДҶОИ, 2006 й. – 29-б.

5 Мадалиев О. Жиноят ишларини судларда кўрилишида прокурор иштироки – фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш воситаларидан бири сифатида // ТДҶОИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2008 й. – 6-сон.

6 Мадалиев О. Суд қарори нусхасини прокурор ва ҳимоячига берилиши муаммоси ва унинг ечими ҳақида // ТДҶОИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2009 й. – 1-сон.

7 Баев О.Я. Прокурор как субъект уголовного преследования. Научно-практическое пособие. – М: Юрлитинформ, 2006 г. – С. 39-40.



томонидан амалга оширилади.

Бошқа гуруҳ муаллифлар “прокурор давлат айблови функциясини айбланувчини судга топширганидан кейингина бошлайди”⁸, деган хулосага келганлар. Фикри-мизча, ушбу мулоҳаза ҳам баҳсли. Чунки суд иш юритуви бошланиши вақтида давлат айблови шаклланган бўлиши лозим, чунки қўллаб-қувватлаш фақатгина мавжуд ёндашув, шакллантирилган хулосага нисбатан қўлланилиши мумкин. Бунда прокурор судга қадар давлат айбловчиси мақомига эга бўлади ҳамда аниқ шахсга нисбатан давлат айбловини шакллантириб бўлгачгина суд мажлисига уни қўллаб-қувватлаш учун ташриф буюради.

Демак, аниқ шахсга нисбатан давлат айбловини илгари суриш имконияти ва зарурияти прокурор томонидан жиноят иши материалларига асосан ҳал этилади ҳамда прокурор ушбу айбловга дастлабки тергов жараёнида шаклланган айбловни асос қилиб олади.

Аниқ шахсни содир этилган аниқ жиноятга нисбатан қонуний ва асосли айблаш каби аниқ ва тугал мақсадни кўзлайдиган айбловнинг яхлит тизими бошида унинг қайси босқичда амалга оширилишидан қатъи назар прокурор туради.

Прокурорнинг жиноят суд иш юритувининг судга қадар иш юритуви босқичидаги фаолиятига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бунда жиноят процесси жиноят ишини кўзгатишдан бошланади. Жиноят ишини кўзгатар (шу жумладан, суриштирувчи ёки терговчининг жиноят ишини кўзгатишни рад этиш тўғрисидаги қарорини бекор қилган ҳолларда ҳам) ёки бунга розилик берар экан прокурор айбловни амалга оширади.

Е.Л.Никитин бу борада белгилари жиноят ишини кўзгатиш учун асос бўладиган ҳуқуққа хилоф қилмиш “бирор-бир шахс, жамиятнинг аъзоси томонидан содир этилгани боис, ушбу вазиятда бу ҳақдаги билим иш бўйича юритувни бошлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилаётган шахсда аниқланган ёки гумон қилинаётган шахсга нисбатан айбловни шакллантиради ва у жиноят иши ҳолатларини аниқлаш жараёнида янада батафсиллаштирилади ва асослантирилади”⁹, деган фикрни илгари суради.

З.Ф.Иноғомжонованинг фикрича, прокурорнинг айбловни амалга ошириш функцияси жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахснинг жазоси ва жавобгарлиги муқаррарлигини таъминлаш; фуқаролар асоссиз равишда жавобгарликка тортилишига ёки ҳуқуқлари ўзгача тарзда чекланишига йўл қўймасликдан иборат бўлган иккита ўзаро боғлиқ мақсадни кўзлайди¹⁰.

Прокурор айниқса дастлабки тергов жараёнида жуда кенг ваколатларга эга: қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради ёхуд қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади; айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради ёхуд айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади; суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўлиқ амалга оширади ва бошқалар. Демак, про-

8 Баев М.О. О стадии возбуждения государственного обвинения в уголовном процессе // Воронежские криминалистические чтения. – Воронеж, 2000 г. Вып.1.

9 Никитин Е.Л. Актуальные проблемы прокурорской деятельности при осуществлении уголовного преследования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2000 г. – С.12.

10 Иноғомжорова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари: Юрид.фанлар д-ри.... дисс. –Т.: 2006 й. – 54-б.



курорнинг дастлабки тергов босқичидаги ваколатлари моҳият эътиборига кўра терговчининг мустақиллигига дахл қилмаган ҳолда унинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва шу орқали дастлабки тергов натижалари унга келгусида аниқ шахсга нисбатан давлат айбловини қонуний ва асосли илгари суриш имкониятини таъминлашни кўзда тутади.

Бу борада Т.Ю.Иванова “прокурорнинг исботлаш бўйича фаолияти ўзига хос алоҳида процессуал мақсад – кейинчалик прокурор судда қўллаб-қувватлайдиган айбловни асослаш билан боғлиқ”¹¹, деб таъкидлайди. Бу айниқса прокурорнинг дастлабки тергов жараёнида терговчига шахсни айбланувчи тариқасида жалб этиш, айблов ҳажми ва квалификацияси тўғрисида кўрсатув беришида яққол намоён бўлади.

Шундай қилиб прокурорнинг жиноят процессининг судгача босқичларидаги бутун фаолияти унинг аниқ шахсга нисбатан ўтказилган судга қадар иш юритуви натижаларига кўра жиноят содир этганлик тўғрисидаги давлат айбловини шакллантириш ҳамда уни қонуний ва асосли фош этиш имкониятини таъминлашга йўналтирилган. Давлат айблови, яъни қонуний ва асосли давлат айблови – прокурор бошчилик қиладиган айбловнинг мўътадил натижаси бўлиб, бу айблов тизимида прокурорнинг ўрни ва процессуал функциясини ифодалайди.

Прокурор жиноят процессининг судга қадар иш юритуви босқичида исталган вақтда тергов жараёнига аралаштиришга, ҳар қандай тергов ҳаракатида қатнашиш-

га, жиноят ишини талаб қилиб олишга, тергов органларининг ноқонуний ҳаракатларини бартараф этишга ваколатли. Прокурорнинг бу тариқа кенг процессуал ваколатларга эгаллиги прокурор назорати воситалари жиноятларни тергов қилишнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона бўлишини ҳамда пировардида шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонунийликка риоя этилишини таъминлаш учун етарли бўлиши заруриятидан келиб чиқади.

Жиноят процессининг функциялари жиноят-судлов иш юритиш иштирокчиларининг вазифаларини ва жиноят-процессуал фаолиятнинг йўналишларини белгилаб беради. У ўз навбатида мазкур иштирокчиларнинг зарур процессуал мақомини юзага келтиради¹². Давлатнинг ваколатли органлари ёрдамида жиноят содир қилган шахс аниқланади, унга расмий айблов эълон қилинади, улар ўз нуқтаи назарларини далиллар ёрдамида асослаб берадилар; шу тариқа айблов фаолияти амалга оширилади¹³.

Жиноят процесси функцияларига нисбатан кўп фикрлар билдирилишига қарамай, кўп ҳуқуқшунослар функцияларни жиноят-процессуал фаолиятнинг турлари, йўналишлари сифатида таърифлайдилар. Бу йўналишлар жиноят-судлов ишларини юритишнинг вазифалари билан боғлиқ бўлиб, процесснинг муайян иштирокчиларининг фаолиятига хосдир, деб ҳисоблайдилар¹⁴.

Шу билан бирга, жиноят-процессуал фаолиятнинг турли қирралари ҳисобга олинмаслиги, яъни жиноят ишини юртишда фақат айблов, химоя ва ишни ҳал

11 Иванова Т.Ю. Участие прокурора в доказывании на предварительном следствии: Автореф. ... дисс. канд. юрид. наук. – Самара, 1999 г. – С. 6.

12 Ковтун Н.Н., Кузнецов А.П. Сущность и содержание функции уголовного преследования в уголовном процессе России // Российский судья. – Москва, 2004 г. – № 6. – С. 30.

13 Шалумов М. С. Уголовное преследование как функция прокуратуры // Известия вузов. Правоведение. – Москва, 1996 г. – № 4. – С. 88.

14 Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2006 й. – 54-б.; Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2006 й. – 11-б.



қилиш функциялари эмас, бошқа функцияларнинг ҳам мавжуд бўлиши эътироф этилмоқда. Шу жиҳатдан олимлар томонидан жиноят-процессуал функцияларнинг турлича тизими ҳақида хулосалар илгари сурилади. Масалан, Р.Д.Рахунов – 6 та¹⁵, З.Ф.Иноғомжонов¹⁶ ва А.П.Гуляевлар – 8 та¹⁷, А.Г.Халиулин – 12 та¹⁸ турли таркибдаги жиноят-процессуал функцияларни ажратиб кўрсатадилар.

Назариячилар ўртасида жиноят-процессуал функцияларни асосий, ёрдамчи, қўшимча функцияларга ажратиш керак, деган фикрлар ҳам айтилган. Хусусан, А.И.Макаркиннинг таъкидлашича, асосий ва асосий бўлмаган функцияларга ажратиш имконияти жиноят процессининг тузилиши билан боғлиқ. Унинг фикрича, асосий функцияларсиз жиноят-судлов ишларини юритиш жараёни умуман мавжуд бўлмайди. Жиноят-судлов ишларини юритиш жараёнида амалга ошириладиган, лекин ўз табиатига кўра соф жиноят-процессуал бўлмаган бошқа функциялар эса асосий бўлмаган жиноят-процессуал аҳамиятга эга. Уларнинг мавжудлиги жиноят процессининг моҳиятига ҳам, тортишувчилик тамойилига ҳам зид эмас.

Бизнингча, жиноят процесси функциялари орасида айблов марказий ўринни эгаллайди. Айблов жиноят содир қилган шахсга нисбатан унинг жиноий фаолиятига барҳам бериш, жиноят учун жавобгарлигини рўёбга чиқариш мақсадида қўлланиладиган процессуал фаолият сифатида аксарият хорижий давлатларда жиноят процессининг ажралмас бир қисми-

дек ўрганилади.

Бироқ миллий жиноят-процессуал қонунчиликда “айблов” тушунчаси аниқ келтирилмаган. Ваҳоланки, аксарият хорижий давлатларда жиноят ишини қўзғатиш ва тугатишнинг ўрнига айнан айбловни қўзғатиш ва тугатиш институтлари амал қилиб келмоқда.

Ҳозирги кунга келиб юридик адабиётлар таҳлили “айблов” тушунчаси уч хил маънода қўлланилишини кўрсатмоқда:

1) тергов ва бошқа процессуал фаолиятдан иборат бўлган аниқ шахсга нисбатан йўналтирилган ҳамда тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлардан иборат бўлган шахснинг жиноят содир этишга дахлдорлиги ва унинг ушбу жиноятни содир этишга алоқадорлиги тўғрисидаги далилларни тўплашга қаратилган процессуал фаолият;

2) жиноят суд иш юритуви функциясининг номланиши, бунда жиноят суд иш юритуви иштирокчилари – тарафларнинг тортишувчанлик асосида амалга оширадиган айблов функцияси;

3) жиноят иши бўйича юритувга маънодош институт.

Айблов тушунчасини аниқлаштиришда уларнинг луғавий маъносига ҳам эътибор бериш зарур. “Жиноий” – жиноятга алоқадор, жиноятга оид, жиноятга боғланган, жиноят деб қараладиган, жиноятдан иборат бўлган¹⁹, “айблов” – орқасида қувиш, изига тушиш, қувғин қилиш, жазолаш²⁰; “айблов” – айблам, айбли деб топмоқ, айб қўймоқ²¹, деган маъноларни англатади. Яъни айблов ўзаги “айб” бўлган сўз, айб-лаш билан – процессуал ҳодиса сифати-

15 Рахунов Р.Д. Участники уголовно-процессуальной деятельности. – М.: Наука, 1961 г. – С.191-199.

16 Иноғомжонов З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2006 й. – 54-б.; Иноғомжонов З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни татбиқ этиш муаммолари: Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2006 й. – 11-б.

17 Гуляев А.П. Процессуальные функции следователя. – М.: Академия МВД СССР, 1981 г. – С. 234.

18 Халиулин А. Осуществление функции уголовного преследования прокуратурой России. – Кемерово: Кузбассвузиздат, 1997 г. – С.45.

19 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 й. – 92-б.

20 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008 й. – 32-б.

21 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 й. – 51, 52-б.



да айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш билан боғлиқ. Айблов эса мазмунан кенгрок тушунчадир.

Айбловни нафақат айблов тарафи томонидан амалга ошириладиган процессуал фаолият сифатида, балки ушбу фаолиятни тартибга соладиган ҳуқуқий институт сифатида ҳам талқин қилиш мумкин. Айблов жиноят-процессуал ҳуқуқий институт сифатида ушбу фаолиятга тааллуқли – жиноят ишини қўзғатишдан бошлаб, жиноят процессининг сўнгги босқичигача бўлган, муайян ҳолларда эса, жазони ижро этишдан кейинги таъсир чораларига ҳам тааллуқли бўлган нормалар тизимини қамраб олади²². Турли ҳуқуқ соҳалари – халқаро, конституциявий, жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, фуқаролик, прокурор назорати, меҳнат, оила ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормалари унинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳолат мазкур институтнинг тармоқлараро, кўп қиррали ва комплекс хусусият касб этишидан далолат беради. Унинг тартибга солувчи мазмун-моҳияти – айблов органларига қаратилган айблов мақсадига эришиш йўлида қонун билан руҳсат этилган барча чораларни кўриш талабидан иборатдир.

Айблов гарчанд мустақил ҳуқуқий институт бўлса-да, у барча бошқа жиноят-процессуал институтлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис унинг ҳуқуқий асослари сифатида жиноят процессига дахлдор барча қонун ҳужжатлари мажмуини кўрсатишимиз мумкин. Зеро, айблов фаолият сифатида жиноят суд иш юритуви олдида турган вазифаларни ҳал қилиш, жиноят-процессуал ҳуқуқи мақсадига эришиш усулидир²³.

Юқорида келтирилганларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят-процессуал функция сифатида айблов кенг мазмун

касб этади. *Айблов жиноят иши қўзғатилиши билан бошланади ва жиноят иши бўйича юритувнинг бутун муддати давомида амал қилади ҳамда жиноят процессининг барча босқичларида, яъни муайян шахс жиноят содир этишида айбдор ҳамда унга муносиб жиноий жазо ёки бошқа чорани ўташи лозимлиги тўғрисидаги асос бўлган вақт мобайнида давом этади.* Агарда айблов функциясининг моҳиятига эътибор қаратилса, айблов билан шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, исботлаш воситаларини (далиллар, уларнинг манбалари ва олиш усуллари ҳамда далиллардан фойдаланиш) тўплаш, тадқиқ этиш ва баҳолашга оид ҳаракатлар мажмуини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, айбдорларни фош этишга, жиноий жавобгарлик ва ҳукм қилишни асослашга, шунингдек, суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташнинг ҳуқуқий ҳолатини таъминлашга қаратилган ҳаракат ва муносабатлар мажмуи ҳам қамраб олинади.

Демак, айблов – кўп омилли, кўп босқичли, мураккаб тузилмага эга бўлган функциядир. Шу билан бир қаторда, у айблов ҳукми чиқарилиши ва қонуний кучга кириши билан тамомланмайди, балки жиноят процессининг кейинги босқичларида ҳам давом этади.

Кўриниб турганидек, ҳуқуқшунос олимлар томонидан берилган таърифларда асосий зиддият айбловнинг мазмунига, яъни айбловнинг нималардан иборатлигига бориб тақалади. Бу борада эътиборга сазовор биринчи ҳолат – бу давлат айблови, жамоат айблови ва хусусий айблов тушунчаларининг ўзаро нисбатидир. Зеро, уларнинг ҳар бири жиноят-процессуал ҳуқуқида мустақил йўналиш сифатида талқин қилинади.

22 Картохина О.А. Начало и прекращение уголовного дела следователями органов внутренних дел: Дисс. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2003 й. – С. 15-16.

23 Буторова О. Проблемы обвинения // Право и жизнь. – Москва, 1999 й. – №19.



Фикримизча, унинг моҳияти куйидагича: айблов – муайян шахс томонидан жиноят қонунида белгиланган қилмиш содир қилинганлигини қонуний тартибда тасдиқлашдир. У ҳамиша икки – фактик (содир қилинган қилмишнинг фактик ҳолатларининг тасдиқланиши) ҳамда юридик (тегишли қилмишнинг тавсифи ҳақидаги хулоса) ҳолатлар билан узвий боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, айнан айблов функцияси орқали шахснинг жиноят содир этишдаги айби фош этилади ва у жиноий жавобгарликка тортилади. Айблов функцияси муҳим процессуал аҳамиятга эга бўлиб, фақатгина процессуал қонунчилик билан тартибга солишни тақозо этади. Бунда айблов тарафининг жиноят содир қилган шахсни бевосита фош қилишга йўналтирилган фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у айблов деб номланади²⁴.

Юқоридагиларни инобатга олиб, айбловга куйидагича таъриф бериш мумкин: *“Айблов – бу жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва жабрланувчининг ижтимоий хавфли қилмишни аниқлаш, уни содир қилган шахснинг айбдорлигини исботлашга қаратилган процессуал ҳаракатлари йиғиндисидир”*.

Демак, айблов атамаси айбланувчи ҳуқуқий мақомига эга бўлган шахсларга нисбатан қўлланилсада, гумон қилинувчи

тариқасида ишга жалб қилинган шахсларга нисбатан ҳам амалга оширилади, яъни айблов гумон қилинувчи, айбланувчининг жиноий қилмишларини фош қилиш мақсадида айбловни амалга оширувчи ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир.

Бу эса айблов – жиноий қилмиш содир этилиши оқибатида юзага келадиган куйидаги босқичларни ўзида мужассамлаштирган мураккаб комплекс ҳаракатларни ўз ичига олишини англатади:

– жиноят-процессуал қонун нормаларига асосланади;

– жиноий қилмиш (ҳаракат, ҳаракатсизлик) содир этилиши билан юзага келади;

– жиноятни, уни содир этган шахсларни фош этиш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ, ҳолисона текшириш ва ҳақиқатни аниқлаш мажбуриятидан иборат бўлади;

– Жиноят кодексига асосан жавобгарликка тортиш учун белгиланган тартибда айбловнинг шакллантирилишига олиб келади;

– прокурор томонидан айблов хулосаси тасдиқланиши билан аниқ шахсга нисбатан айблов шакллантирилади;

– биринчи инстанция судида давлат айбловининг қувватланиши орқали рўёбга чиқарилади;

– апелляция ва кассация инстанцияларида прокурорнинг фаолияти орқали амалга оширилиши давом эттирилади.

#

24 Россинский С.Б. Уголовный процесс России. Курс лекций. – М., 2008 й. – С.73.



Гайрат МУСАЕВ,
Начальник Научно-методического центра цифровой криминалистики
Академии правоохранительных органов

Хагани ГАЖИЕВ,
Старший прокурор Научно-методического центра цифровой криминалистики
Академии правоохранительных органов

РОЛЬ ПРОКУРАТУРЫ В БОРЬБЕ С НОВЫМИ УГРОЗАМИ В ЭПОХУ ЦИФРОВИЗАЦИИ И ПОСЛЕДНИЕ РЕФОРМЫ В ОБЛАСТИ ЦИФРОВОЙ КРИМИНАЛИСТИКИ

АННОТАЦИЯ. Статья рассматривает трансформацию роли прокуратуры в эпоху цифровизации и последние реформы в области цифровой криминалистики в Узбекистане. Анализируется рост киберпреступности и меры, принимаемые для противодействия новым угрозам. Особое внимание уделяется созданию Научно-исследовательского института цифровой криминалистики, его задачам и перспективам развития. Обсуждается внедрение "Единого реестра цифровых доказательств" и его значение для правоохранительной системы. Статья подчеркивает важность подготовки квалифицированных кадров и развития технологий в сфере цифровой криминалистики для эффективной борьбы с современными видами преступлений.

АННОТАЦИЯ. Мақолада рақамлаштириш даврида прокуратура ролининг ўзгариши ва Ўзбекистонда рақамли криминалистика соҳасидаги сўнги ислохотлар кўриб чиқилади. Кибержиноятларнинг ўсиши ва янги таҳдидларга қарши курашиш учун кўрилатган чоралар таҳлил қилинади. Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институтининг ташкил этилиши, унинг вазифалари ва ривожланиш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилган. "Рақамли далилларнинг ягона реестри"ни жорий этиш ва унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими учун аҳамияти муҳокама қилинади. Мақолада замонавий жиноят турларига қарши самарали курашиш учун рақамли криминалистика соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳимлиги таъкидланади.

ABSTRACT. This article examines the transformation of the prosecutor's office's role in the era of digitalization and recent reforms in the field of digital forensics in Uzbekistan. It analyzes the growth of cybercrime and measures taken to counter new threats. Special attention is given to the establishment of the Scientific Research Institute of Digital Forensics, its tasks, and development prospects. The article discusses the implementation of the "Unified Register of Digital Evidence" and its significance for the law enforcement system. It emphasizes the importance of training qualified personnel and developing technologies in the field of digital forensics for effectively combating modern types of crimes.

Ключевые слова: цифровая криминалистика, киберугрозы, цифровые доказательства, Big Data, искусственный интеллект, единый реестр цифровых доказательств, межведомственная автоматизация.

Калит сўзлар: рақамли криминалистика, кибертаҳдидлар, рақамли далиллар, катта ҳажмли маълумотлар, сунъий интеллект, рақамли далиллар ягона реестри, идоралараро автоматлаштириш.

Key words: digital forensics, cyber threats, digital evidence, Big Data, artificial intelligence, Unified Register of Digital Evidence, inter-agency automation.

В эпоху стремительной цифровизации общества роль прокуратуры как ключевого органа в системе обеспечения законности и правопорядка существенно трансформируется. Современные технологии не только открывают новые возможности для развития общества, но и создают сложные задачи в сфере защиты прав

граждан и обеспечения законности в цифровом пространстве. Прокуратура, осуществляя надзор за точным и единообразным исполнением законов и координацию деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью, сталкивается с необходимостью адаптации к новым реалиям цифрового пространства¹.

1 Закон Республики Узбекистан, №257-II «О прокуратуре» от 29.08.2001 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://lex.uz/docs/105533> – Дата доступа: 22.06.2024 г.



Статистические данные наглядно демонстрируют масштаб проблемы: за последние три года количество преступлений в сфере информационных технологий в стране увеличилось **на 66%**, достигнув в 2023 году **6455** зарегистрированных случаев. Наиболее распространенными видами преступлений являются кража персональных данных (**49%**), мошенничество (**27%**), распространение или демонстрация материалов, содержащих угрозу общественной безопасности (**11%**)².

В ответ на эти вызовы прокуратура активно расширяет свои функции, осуществляя надзор за соблюдением законности в сфере информационной безопасности, координируя деятельность правоохранительных органов по противодействию киберпреступности, участвуя в разработке нормативно-правовых актов, направленных на регулирование цифровой среды и обеспечение информационной безопасности. За период с 2020 по 2023 год прокуратурой Узбекистана было инициировано принятие 12 законов и 25 подзаконных актов в области цифровизации и соблюдения законности в данной сфере.

В этой связи именно на органы прокуратуры в соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан от 30 ноября 2023 года №ПП-381 "О мерах по усилению защиты прав потребителей цифровых продуктов (услуг) и борьбы с правонарушениями, совершаемыми с использованием цифровых технологий" возложена задача по совершенствованию уголовного и уголовно-процессуального законодательства в части регламентации работы с электронными доказательствами³.

Данное поручение предусматривает разработку и внесение в Уголовный ко-

декс и Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан положений, определяющих правовой статус электронных (цифровых) доказательств, а также устанавливающих процессуальный порядок их обнаружения, фиксации, изъятия, хранения и оценки. Реализация этой инициативы направлена на обеспечение эффективного правового регулирования использования цифровых доказательств в уголовном судопроизводстве. Это является необходимым условием для противодействия преступности в сфере информационных технологий, соблюдения прав и свобод человека, а также гармонизации национального законодательства с ведущими международными правовыми актами в области борьбы с киберпреступностью.

Прокуратура активно внедряет электронные системы документооборота, ведется работа по созданию баз данных для анализа, сохранения и учета цифровых доказательств.

Однако эффективное противодействие новым угрозам требует не только законодательных инициатив, но и фундаментальных изменений в подходах к расследованию преступлений, сбору и анализу цифровых доказательств.

В этом контексте особую актуальность приобретают последние реформы в области цифровой криминалистики, направленные на создание научно-исследовательской базы, подготовку квалифицированных специалистов и внедрение инновационных технологий в правоохранительную деятельность.

С момента учреждения Правоохранительной академии Указом Президента Республики Узбекистан, в структуре кото-

2 Как мошенники подставляют доверчивых узбекистанцев под уголовные статьи [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://podrobno.uz/cat/proisshestviya/kak-moshenniki-podstavlyayut-doverchivykh-uzbekistantsev-pod-ugolovnye-stati/> – Дата доступа: 24.06.2024 г.

3 Постановление Президента Республики Узбекистан, №ПП-381 «О мерах по усилению защиты прав потребителей цифровой продукции (услуг) и борьбы с правонарушениями, совершаемыми посредством цифровых технологий» от 30.11.2023 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://lex.uz/docs/6681115> – Дата доступа: 24.06.2024 г.



рой функционирует Научно-методический центр цифровой криминалистики, специалистами центра проведена значительная работа.

В частности, сотрудники центра приняли участие в **38** следственных действиях в качестве специалистов, провели исследование более **80** цифровых носителей информации, выявили **3** источника распространения материалов с детской порнографией через сеть Darknet на территории Республики Узбекистан. Результаты исследований направлены в установленном порядке в компетентные органы для принятия соответствующих процессуальных решений.

В рамках научно-исследовательской деятельности центром разработаны и изданы 2 учебных пособия, составлен глоссарий по крипто-активам, подготовлены методические рекомендации по исследованию цифровых носителей информации, а также разработаны элективные курсы и учебно-методический комплекс по основам цифровой криминалистики. Значительным достижением стала разработка специализированного мобильного комплекса, представляющего собой набор программных и технических инструментов цифровой криминалистики, скомпонованных в форме портативной сумки, что существенно повышает эффективность и мобильность проведения следственных действий по поиску, сбору и сохранению цифровых доказательств.

Однако, несмотря на проделанную работу, остаются серьезные вызовы в области подготовки кадров. Согласно исследованию, проведенному Правоохранительной академией в 2023 году, из 246 слушателей, прошедших специальные курсы по цифровой криминалистике, только **20%** сотрудников правоохранительных орга-

нов демонстрируют минимальный уровень компетенции в работе с цифровыми доказательствами. Это подчеркивает необходимость дальнейшего развития и усиления образовательных программ в данной области.

Учитывая актуальность и значимость данного направления, Президентом Республики Узбекистан подписано Постановление

"О мерах по организации научно-исследовательской деятельности в области цифровой криминалистики". Согласно данному постановлению, в Правоохранительной академии Республики Узбекистан создается **Научно-исследовательский институт цифровой криминалистики**⁴.

Основными задачами Института определены:

1. Проведение инновационных исследований в области цифровой криминалистики, анализ и внедрение передовых технологий, таких как "Big Data" и искусственный интеллект.
2. Оказание практической помощи правоохранительным органам в проведении оперативно-розыскных мероприятий, доследственных проверок и следственных действий по поиску, изъятию, хранению и анализу цифровых следов преступлений.
3. Внедрение современных технологий в процесс производства цифровой экспертизы.
4. Разработка и внедрение современных технологий и средств для поиска, сбора и анализа цифровых данных в рамках расследования преступлений, в том числе связанных с использованием криптоактивов, "облачных технологий", "интернета вещей" и других.
5. Участие в развитии международного научно-технического сотрудничества в

4 Постановление Президента Республики Узбекистан, №ПП-229 «О мерах по организации научно-исследовательской деятельности в сфере цифровой криминалистики» от 21.06.2024 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://lex.uz/ru/docs/6977762> – Дата доступа: 23.06.2024 г.



сфере борьбы с киберпреступностью.

6. Подготовка квалифицированных кадров с необходимыми знаниями и навыками в области борьбы с киберпреступностью и использования современных технологий.

7. Разработка и совершенствование методик проведения судебных экспертиз по цифровой криминалистике⁵.

Одним из ключевых нововведений станет создание межведомственной автоматизированной системы "Единый реестр цифровых доказательств".

Данная межведомственная автоматизированная система предназначена для централизованного сбора, учета, хранения и анализа материалов по уголовным делам, поступающих от правоохранительных органов. Реестр призван систематизировать широкий спектр цифровых доказательств, включая реквизиты электронных кошельков и криптовалютных активов, номера банковских карт и счетов, идентификаторы мобильных устройств, цифровые фото-, видео- и аудиозаписи, данные о посещенных веб-сайтах, записи телефонных звонков и переписки в мессенджерах, а также иные цифровые артефакты, имеющие доказательственную ценность⁶.

Внедрение "Единого реестра цифровых доказательств" обеспечит ряд существенных преимуществ для правоохранительной системы. Это позволит выявлять закономерности и устанавливать связи между различными преступлениями, обеспечит оперативный обмен данными между ведомствами, даст возможность объединять эпизоды из различных уголовных

дел в единое производство. Реестр станет основой для формирования обширной базы данных для статистического анализа и прогнозирования угроз, создаст единый учет подставных лиц (**дропов**), обеспечит надлежащее хранение и защиту цифровых доказательств. Кроме того, система послужит платформой для обмена опытом и методиками расследования преступлений, а также создаст фундамент для разработки автоматизированных систем анализа на базе технологий искусственного интеллекта.

Планируется расширение сферы судебно-экспертной деятельности Института, путем внедрения новых видов экспертных исследований на основе больших данных "Big Data" и технологий искусственного интеллекта. Для обеспечения эффективной работы с цифровыми доказательствами предусматривается разработка и поэтапное внедрение "специального комплекса" технических средств цифровой криминалистики для следователей, дознавателей и прокуроров.

В заключение следует отметить, что данные реформы направлены на укрепление роли прокуратуры и других правоохранительных органов в борьбе с новыми цифровыми угрозами. Создание Научно-исследовательского института цифровой криминалистики и реализация связанных с ним инициатив позволит повысить эффективность раскрытия и расследования преступлений, совершаемых с использованием современных технологий, а также обеспечит надежную доказательственную базу в уголовном процессе.

#

5 В Узбекистане образован НИИ цифровой криминалистики [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.uzdaily.com/ru/post/87175> – Дата доступа: 24.06.2024 г.

6 Узбекистан к 2025 году запустит единый реестр электронных доказательств [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://podrobno.uz/cat/tehnp/uzbekistan-k-2025-godu-zapustit-edinyy-reestr-elektronnykh-dokazatelstv/> – Дата доступа: 25.06.2024 г.



Акмалжон АБДУЛЛАЕВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ўқитувчиси

Телман РАЖАБОВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

КЎРСАТУВЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тушунчасининг мазмун-моҳияти, ижтимоий ҳуқуқий зарурати бўйича фикр-мулоҳазалар юритилган. Шунингдек, ушбу институтнинг аҳамиятли жиҳатлари олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда ёритиб берилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье изложены мнения о сущности понятия предварительной консолидации программ, социальной и правовой необходимости. Также, путем анализа мнений ученых, освещены важные аспекты данного института.

ABSTRACT. This article outlines opinions on the essence of the concept of preliminary consolidation of programs, social and legal necessity. Also, by analyzing the opinions of scientists, important aspects of this institute are highlighted.

Калит сўзлар: гувоҳ, жабрланувчи, кўрсатув, кўрсатма, мустаҳкамлаш, далил, суд, баҳолаш.

Ключевые слова: свидетель, потерпевший, показания, доказательства, подтверждение, доказательства, суд, оценка.

Key words: witness, victim, testimony, evidence, confirmation, evidence, court, assessment.

Ўзбекистонда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари авваламбор қонунийликни таъминлашга, инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга йўналтирилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ҳам давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жино-

ий жавобгарликкача бўлган жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек, ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш каби бир қатор вазифалар келтириб ўтилган.

Мустақилликка эришганимиздан ҳозирги пайтга қадар мамлакатимизда амалга оширилган ишлар, қабул қилинган қонунлар, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари инсон



ҳуқуқларига давлатимиз томонидан берилаётган эътиборнинг қанчалик даражада эканлигини ўзида намоён қилади. Ўтган давр мобайнида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, шахснинг суд ҳимоясида бўлишини кафолатлайдиган инсон ҳуқуқлари ҳимоясини халқаро қоидада тартибга солувчи Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро факт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Қийноқларга ҳамда муомала ва жазоланишнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенция ва бошқа умумэътироф этилган халқаро шартномалар ратификация қилинди. Мазкур фармондан келиб чиққан ҳолда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ қатор янги қонунлар, ҳукумат қарорлари, шунингдек, таҳлилий ҳужжатлар тайёрланиши, ушбу масалага оид конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилиши, ислоҳотларни изчил давом эттиришга қаратилган бошқа чора-тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган.

Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий мақсади жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан ва пировардида ҳақиқатни аниқлашдан иборат экан, ҳар бир ҳолатни тасдиқловчи маълумот ва ашёга тергов ҳаракатлари воситасида далил мақоми берилади. Жиноят-процессуал қонунчиликда тергов ҳаракатлари алоҳида ўринга эга бўлиб, дастлабки тергов мазмунини, шунингдек, суд тергови мазмунини белгилайди. Тергов амалиётида жиноятларнинг тўла ва самарали очилиши учун терговчи томонидан тегишли тергов ҳаракатлари ўтказилади.

Тергов ҳаракатлари – бу жиноят про-

цесси қонунлари томонидан белгиланган ва давлатнинг мажбурлаш кучи билан таъминланган ҳамда жиноятларни тергов қилишда иш бўйича аҳамиятга эга бўлган далиллар тўғрисида тегишли маълумотларни аниқлаш, текшириш, таққослаш, қайд этиш ва баҳолаш мақсадларига хизмат қиладиган усуллар йиғиндиси сифатида таърифланиши мумкин. Ўз навбатида, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тушунчаси ҳам бевосита юқорида қайд этилган тергов ҳаракатлари тушунчасига тўғри келади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юриштишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

2020 йилнинг 10 август куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада таъминлаш ва жиноят ишларини тергов қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатларини аниқ белгилаш мақсадида “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6041-сонли фармон қабул қилинди.

Фармонга кўра, суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқишдир.



Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтини Ўзбекистон Республикасининг процессуал қонунчилигига киритиш масаласи ҳам дастлаб айнан мазкур фармонда ўз аксини топди¹.

Фармоннинг 2-бандида Президентимиз томонидан мамлакатимизда жиноятларни фош этиш фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларидан бири сифатида жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчини оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиш кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) тартибини жорий қилиш назарда тутилди.

Исбот қилиш жараёнида энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири сўроқ қилиш тергов ҳаракати бўлиб, мазкур тергов ҳаракатисиз жиноят ишларини тергов қилиш ва далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш ва баҳолаш жараёнини тасаввур қилиб бўлмайди.

Юқорида таъкидланганидек, дастлабки тергов юритиш ёки суд босқичида сўроқ қилиш институтининг ислоҳот қилиниши натижасида 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 675-сонли қонун билан ЖПКнинг “Далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар”ни назарда тутган учинчи бўлимида янги алоҳида боб, яъни “Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш” деб номланган янги институт жой олди. Жиноят ишини юритишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига эришиш,

муҳими исбот қилиш жараёнида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (тергов органининг ташаббуси, прокурорнинг илтимосномаси ва суднинг мазкур ҳаракатни амалга ошириши билан боғлиқ) алоҳида аҳамият касб этади. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тушунчаси жиноят-процессуал қонунчиликда янги тушунча ҳисобланса-да, аммо унинг янгилиги ушбу тушунчанинг аввал юридик адабиётларда ва илмий нашрларда ишлатилмаганлиги билан эмас, балки 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 675-сонли қонун қабул қилинганлиги ҳамда қонунчиликда янги институт сифатида ўрин олганлиги билан изоҳланади.

Мазкур қонун билан жиноят-процессуал қонунчилигида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ва айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институтлари жорий қилиниб, мазкур институтлар жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари янада ҳимоя қилинишининг такомиллаштирилишида сезиларли ўрин тутади.

Юридик адабиётларда ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш билан боғлиқ тергов ва суд ҳаракатлари тушунчасига илмий жиҳатдан асослантирилган аниқ ва лўнда таъриф берилмаган бўлса-да, ушбу тушунчани Ўзбекистон жиноят ҳуқуқ фани ва жиноят-процессуал қонунчилиги учун янгилик деб ҳисоблаган ҳолда илмий таъриф ишлаб чиқишга уриниб кўрмоқчимиз. Авваламбор кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш деган гапдаги “кўрсатувлар” сўзининг юридик атамаси маъносига тўхталмоқчимиз.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., 06/21/26/1111-сон)



“Кўрсатув” сўзининг луғавий маъноси суриштирув, дастлабки тергов ва судда ҳал қилинаётган ишга оид бирор аҳамиятли ҳолатни аниқлаш учун шахснинг сўроқда берган тушунтиришидир². Яна бир манбада “кўрсатувлар” далиллар манбаларидан бўлиб, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноят ҳодисаси ҳақида берган маълумотидир”, деб изоҳланган. Ўзбек миллий энциклопедиясида эса, кўрсатув “ишдаги фактик (ҳақиқий) маълумотларни изоҳлаш, таҳлил қилиш, бирор воқеага ва унинг иштирокчиларига алоқадор фикр-мулоҳаза, ваз, тахмин ва илтимос тарзида ҳам бўлиши мумкин. Жиноят ишлари бўйича эса – гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ ва жабрланувчи, баъзан мутахассис ҳамда бошқа шахслардан сўроқ қилиш орқали кўрсатув олинади”³ дейилган.

Фикримизча, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилувчи, айбланувчи, судланувчининг “кўрсатувлари” тушунчаси тўғрисида миллий энциклопедиямизда аниқ ва батафсил тушунча билдирилган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда гувоҳнинг, жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) тергов ва суд ҳаракатлари жараёнида берган кўрсатувлари деганда, уларнинг сўроқ қилиш орқали жиноят ишига оид ҳақиқий маълумотларни баён қилиши ёки далиллар тўғрисидаги тафсилотлари тўғрисидаги тушунтиришлари тушунилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айрим юридик адабиётларда ва амалиёт ходимлари ўртасида “кўрсатув” юридик атамаси билан “кўрсатма” юридик атамаси чалкаштириб қўйилади. Шу ўринда “кўрсатма” атамасига аниқлик киритиш лозимлиги кўринади. Изланишларга қараганда, Собиқ Иттифоқ даврида (1981)

Москва «Рус тили» нашриётида чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (2 т.) ва мустақиллик йилларида (2006) “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат нашриёти томонидан чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да фақатгина “кўрсатма” атамасига изоҳ берилган. Бунда “кўрсатув” атамасини учратмайсиз. Гўёки мазкур атама ўзбек тилида мавжуд эмасдек туюлади. Ваҳоланки, ЖПКнинг сўроқ институти билан боғлиқ барча нормаларда гувоҳ, жабрланувчи ва бошқаларнинг “кўрсатуви” атамаси такрор ва такрор ишлатилган. Кўрсатма атамасининг маъносига тўхталсак, ўзбек тилининг изоҳли луғатида қуйидагича баён қилинган: “кўрсатма” сўзи ўзбек тилида икки маънони билдириб, улардан иккинчиси ҳуқуқ соҳасига тегишли бўлиб, тергов-суд жараёнида бирор аҳамиятли ҳолат ҳақида шахс (гувоҳ ва бошқалар)нинг берган маълумоти, далилни англатади. Шу ўринда “кўрсатув” ва “кўрсатма” тушунчалари айни бир маънони ифодалайдими ёки бир-биридан маъно жиҳатдан фарқ қиладими, деган савол туғилади. Мазкур саволга жавоб излашга давом этган ҳолда рус тилида чоп этилган манбага мурожаат қилишга тўғри келади. “Кўрсатув” (показание) – гувоҳлик, тушунтириш, сўроққа жавоб бериш⁴.

“Кўрсатма” – қандай ҳаракат қилишни кўрсатиб бериш, тушунтириш, бажаришга ундаш ҳисобланади⁵. Буни биз ЖПКнинг терговчининг ваколатлари (36-м.), тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг ваколатлари (37-м.), суриштирувчи (38-м.), суриштирув бўлинмаси бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг ваколатлари (39-м.) ва прокурорнинг ваколатлари (382-м.) каби моддалари моҳиятидан

2 Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. – 882-б. // <http://n.ziyouz.com>.

3 Ожегов С.И. Словарь русского языка, М.: “Русский язык”, 1986 г., с. 475.

4 Ожегов С.И. Словарь русского языка, М.: “Русский язык”, 1986 г., с. 475.

5 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. – 110-б. // <http://n.ziyouz.com>.



келиб чиққан ҳолда ҳам англаб етишимиз мумкин.

Юқоридагиларга кўра бу икки тушунчалар жиноят-процессуал ҳуқуқи ва ЖПКда ишлатишига кўра бир хил маънони англамайди. Яъни “кўрсатув” ёки “кўрсатувлар” атамаси бевосита процесс иштирокчиларини сўроқ қилиш жараёнида уларнинг жинойи ҳодисага тааллуқли баёноти, мулоҳазалари, фикрлари, тушунтиришларидан иборат бўлса, “кўрсатма” эса дастлабки тергов юритишнинг сифатли ва холис амалга оширилишини таъминлаш мақсадида суриштирувчи ёки терговчига тергов тузилмалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда прокурор томонидан бажарилиши қатъий бўлган ёзма шаклдаги йўл-йўриқдан иборат расмий процессуал хусусиятдаги ҳужжат ҳисобланади. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда ҳам шахснинг берган тушунтириши сифатида фақатгина “кўрсатув” тушунчаси ишлатилган бўлиб, “кўрсатма” тушунчаси эса юқори турувчи органнинг бажарилиши лозимлигини кўрсатувчи йўл-йўриқ сифатида ишлатилган. Шу сабабли бу икки тушунчани ўз ўрнида ишлатишимиз мақсадга мувофиқдир.

“Олдиндан” сўзининг луғавий маъноси “Бирор иш, воқеа-ҳодиса бошланмасдан, рўй бермасдан илгари” маъносини англайди⁶.

“Мустаҳкамлаб қўйиш” сўзининг луғавий маъноси эса “мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ” маъноларида тушунилиши қайд этилган⁷.

Жиноят-процессуал қонунчилигимизда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тушунчасига аниқ бир таъриф берилмаган бўлиб, мамлакатимизнинг юридик адабиётларида ҳам яқдил фикр мавжуд эмас. Бу эса ушбу институтни янада

чуқурроқ ўрганишни ва таҳлил қилишни тақозо қилади.

Аксарият хорижий давлатлар қонунчилигида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти кўрсатувларни суд депозитига қўйиш маъносида акс этган. Шу орқали гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувлари олдиндан сақлаб ва мустаҳкамлаб қўйилади. Бирок Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “депозит” сўзи (лот. depositum – омонат, асраб қўйилган) – “банкка қўйилган омонатлар, кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган қимматли қоғозлар (акция ва облигациялар) ҳамда пул воситаларидир”⁸, деб қайд этилган.

Инглиз тилининг изоҳли ҳуқуқий луғатида “deposit” тушунчаси суд мажлиси бошланишидан олдин гувоҳни ёки томонларни жинойи, фуқаролик судларида сўроқ қилиш сифатида талқин қилинади. Депозит кўрсаткичлари оғзаки равишда амалга оширилади ва ушбу вақтда депонентга (сўроқ қилинувчига) саволлар берилади. Шунингдек, хорижий давлатларнинг юридик соҳасида гувоҳлик бериш, қасамёд остида гувоҳлик бериш маъноларини ифодалайди.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг мазмун-моҳияти тўғрисида чет эл олимлари томонидан турлича фикр юритилган бўлиб, Л.Воскобитова қуйидагиларни баён қилган: кўрсатувларни суд депозитига қўйиш – бу ҳимоячи томонидан олинган фактларга қонуний куч беришнинг бир усулидир. Унинг сўзларига кўра, ушбу институт дастлабки тергов вақтида ноқонуний хатти-ҳаракатлар (терговчи билан гувоҳнинг муносабати, гувоҳга бошқа шахсларнинг таҳдиди ёки гувоҳнинг ёши) содир этилиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ҳимоя

6 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. – 139-б. // <http://n.ziyouz.com>.

7 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. – 124-б. // <http://n.ziyouz.com>.

8 «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Т. – 201-б. // www.ziyouz.com кутубхонаси



чи томонидан далилларни олиш ва қонунийлаштириш имкониятини беришини таъкидлайди⁹.

В.В.Грищенко ҳам Л.Воскобитованинг фикрига ўхшаш фикр билдирган бўлиб, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти ҳимоячиларга терговчининг ихтиёридан қатъи назар, далилларни тўплашда амалга оширишга имкон беришини маълум қилади¹⁰.

А.С.Гамбаряннинг таъкидлашича, ушбу институт процесс иштирокчиларини тергов давомида сўроқ қилиш имконсиз бўлиши мумкинлиги ҳақида объектив сабаблар бўлганда, тергов судьяси томонидан уларнинг кўрсатувларини сақлаб қўйишни ўз ичига олади¹¹.

А.Н.Апхановнинг фикрига кўра, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлашга кўрсатувларнинг ишончлилиги ва уларнинг кафолатланиши сифатида қаралиб, жиноят ишини кўриб чиқиш жараёнида кўрсатувлари мустаҳкамланган шахс йўқ бўлса ҳам суд томонидан уларнинг объектив баҳоланишига эришилишини ҳамда жиноят-процессуал жараённи янада тезлаштиришини таъкидлаган¹².

Ч.Д.Кенжетаев эса ушбу тушунчани бироз бошқачароқ талқин этиб, кўрсатувларни сўроқ қилиш орқали депозитга қўйиш – гувоҳнинг, жабрланувчининг манфаатлари адолат манфаатларидан устун қўйилишини ва бу билан айрим салбий ҳолатлар келтириб чиқаришини, яъни кўрсатувларини

ўзгартириш орқали суд муҳокамасида айрим қарама-қарши фикрлар берилишини яратади деб таъкидлайди¹³.

А.А.Поповнинг фикрига кўра, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш – бу том маънода бир нарсани тартибли сақлаш бўлиб, дастлабки терговни олиб бориш чоғида суд томонидан алоҳида ҳолатларда процесс иштирокчисини сўроқ қилиш сифатида тушунилиши кераклигини маълум қилган¹⁴.

И.И.Никитченко ҳам А.А.Поповнинг қарашларига ўхшаш фикр билдирган бўлиб, кўрсатувларни депозитга қўйиш – бу бирор нарсани сақлашни англатиб, судгача бўлган суд муҳокамаси вақтида ёзма кўрсатувларни судда ўтказиш мақсадида олишдан иборатлигини таъкидлайди¹⁵.

Юқорида келтирилганлардан А.А.Попов ва А.С.Гамбарян бир-бирларига ўхшаш фикр билдирган бўлиб, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш тушунчасига тўлиқроқ таъриф берган. Уларнинг фикрига қўшилиш мумкин бўлса-да, бироқ кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тушунчасининг мақсади, вазифаси ва мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бермайди.

Юқорида билдирилган фикрларнинг таҳлили кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишга нисбатан қуйидаги мазмундаги муаллифлик таърифини ишлаб чиқишга имкон берди:

9 Воскобитова Л. В. Состязательность: две концепции участия адвоката в доказывании // Уголовное судопроизводство. – 2012 г. – № 2. – С. 22–25.

10 Грищенко В.В. Сравнительный анализ правового регулирования допроса в России и в странах ближнего зарубежья (Украина, Беларусь, Казахстан)// Российское правоведение: трибуна молодого ученого. -2021 г. –с. 201.

11 Гамбарян А. С. Судебное депонирование показаний: старый процессуальный институт под новым названием. – Москва: Юрлитинформ, 2016 г. – с. 156.

12 Апханов А.Н. Источник: Информационная система "ПАРАГРАФ". Документ: Депонирование показаний потерпевшего и свидетеля в уголовном процессе Республики Казахстан.

13 Ч.Д.Кенжетаев. Особенности депонирования показаний в уголовном процессе Республики Казахстан. Вестник. Института Законодательство Республики Казахстан научно-правовой журнал. 2016 г. №2 (43). – с. 43-45.

14 А.А.Попов. Проблемы регламентации досудебного депонирования показаний в уголовном процессе. Пробелы в российском законодательстве. 6/2014.

15 Никитченко И.И. Депонирования личных доказательств в ходе досудебного производства по уголовным делам.//Вестник. Калининградского филиала СПбУ МВД России. 2014 г. №1. с. 120-124.



Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш – бу ишни судга қадар юритиш босқичида далилларни тўплаш, текшириш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида исбот қилишда иштирок этувчи гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, эксперт, мутахассис(шифокор) ва ҳолисларни объектив сабабларга кўра кейинчалик ишни судга қадар юритиш ва суд муҳокамаси чоғида сўроқ қилиш имконияти бўлмаслиги ҳақида етарлича асослар мавжуд бўлганда, суд томонидан суд муҳокамаси қоидаларига мувофиқ сўроқ қилишдан иборат процессуал ҳаракатдир.

Фикримизча, кўрсатувларни мустаҳкамлаб қўйиш тушунчасига берилган ушбу таъриф ушбу институтнинг мазмун-моҳиятини батафсил ёритади ва унинг субъектлари ҳамда ушбу процессуал ҳаракат орқали ҳал этиладиган аниқ вазифалар кўламини янада аниқлаштиради.

Муҳими кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан бошланиб, суд томонидан сўроқ қилиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш сўроқ қилиш тергов ҳаракати билан бевоқиф боғлиқ бўлиб, унинг таркибий қисми ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қў-

йиш процессуал ҳаракати суд босқичига қадар суд томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракат бўлиб, уни ўтказишдан асосий мақсад кейинчалик ишни суд муҳокамасида ҳал қилишда гувоҳ ва жабрланувчининг сўроқ қилишдаги кўрсатувларини далиллик аҳамиятини баҳолашда ҳолисликни таъминлаш ҳисобланади.

Судда айнан гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатуви жиноят иши тақдирини ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бирок айрим вақтларда гувоҳ ва жабрланувчининг суд мажлисида иштирок этишини таъминлашда муаммолар вужудга келади. Сабаби улар суд бўлаётган мамлакатдан ташқарига чиқиб кетган ёки судда иштирок этишини истисно қиладиган даражада оғир касалликка чалиниб қолганлиги уларнинг иштирокисиз ишда тўпланган бошқа далилларга асосланиб хулоса қилинишига тўғри келади. Бу эса ўз навбатида ишнинг объектив ва адолатли ҳал қилинишига тўсқинлик қиладди.

Хулоса қилиб айтганда, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлашда, ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят иши тўлиқ, адолатли ва объектив кўриб чиқилишида, жиноят иши юзасидан барча далилларни баҳолашда жуда муҳим аҳамият касб этади.

#



Бекзод РАЖАБОВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси катта ўқитувчиси,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

ПРОКУРОР-КРИМИНАЛИСТ ИНСТИТУТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада прокурор-криминалист институтининг тарихий ривожланиш босқичлари илк маротаба таҳлил қилинган. Прокуратура органлари тизими тарихида прокурор-криминалист фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифа ва функциялари илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилиб, уларнинг фаолият даври муаллиф томонидан даврлаштирилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье анализируются этапы исторического развития института прокурора-криминалиста. В истории системы прокуратуры с научно-теоретической точки зрения исследованы основные направления, задачи и функции прокурора-криминалиста, а также периодизирован период их деятельности.

ABSTRACT. This article analyzes the stages of historical development of the institution of forensic-prosecutor. In the history of the prosecutor's office system, from a scientific and theoretical point of view, the main directions, tasks and functions of the forensic-prosecutor are studied, and the period of their activity is periodized.

Калит сўзлар: криминалистика, прокурор-криминалист, тергов чемодани, оғир ва ўта оғир жиноятларни фош этиш, жиноят ишини малакали тергов қилиш, тергов сифати.

Ключовые слова: криминалистика, прокурор-криминалист, уголовное дело, раскрытие тяжких и особо тяжких преступлений, компетентное расследование уголовного дела, качество расследования.

Key words: forensic, forensic-prosecutor, criminal case, detection of grave and especially grave crimes, competent investigation of a criminal case, quality of investigation.

Прокурор-криминалистларга бўлган эҳти-
ёж ўзига хос ривожланиш тарихига эга.

Хонлик-амирликлар даврида, Чор Россия
истилосидаги Туркистонда бугунги проку-
ратура органлари функцияларини бажарган
тузилмалар, масъул лавозимдаги мансабдор-
лар фаолият олиб боргани ҳам маълум.

Албатта, мамлакатимиз ҳудудида ислом-
дан олдинги даврларда ҳам кудратли давлат-
лар мавжуд бўлганлигини инобатга олсак,
тегишли жамиятлардаги қонун-қоидалар
ижроси юзасидан назорат олиб борувчи ин-
ститутлар ҳам бўлган ва фикримизча, булар
тарихчиларимиз, ҳуқуқшунос олимларимиз
учун алоҳида тадқиқот мавзусидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош проку-
рори Ниғматилла Йўлдошев ҳам проку-
ратура тарихини ўрганиш бу ҳуқуқшунос
олимлар учун тадқиқ этиладиган алоҳи-
да мавзу¹ сифатида қаралиши кераклигига

алоҳида урғу берган.

Прокурор-криминалистлар тарихини ёри-
тар эканмиз, унинг пайдо бўлиши крими-
налистика фани ютуқлари билан чамбарчас
боғлиқ бўлганлигига гувоҳ бўламиз.

Тарихдан маълумки, XIX аср охири ва
XX аср бошлари кўплаб йирик илмий-тех-
ник кашфиётлар ва ихтиролар билан алоҳи-
да ажралиб туради.

Бу даврда фаолият юритган суриштирув-
чилар, терговчилар томонидан жиноятларни
фош қилишда тергов ҳаракатлари ўтказишда
илмий-техник воситалар ва усуллардан кенг
фойдаланишни бошлаганликлари кашфиёт
ва ихтироларнинг ижобий натижаси бўлган.

Бундай буюк кашфиётлардан А.Берти-
льон томонидан антропометрик рўйхатга
олиш ва бертильонча суратга олиш тизимига
асос солингани, В.Гершел томонидан бармоқ
изи орқали идентификациялаш, Ф.Галтон

1 Н.Т.Йўлдошев. Кириш сўзи. Қонун ҳимоясида ҳаёт бахшида... Мустақил Ўзбекистон прокуратурасининг 30 йиллигига бағишланади // – Тошкент: «ТАМАДДУН» нашриёти, 2022 й. – 7-б.



томонидан дактилоскопия текширувлари (илк маротаба дактилоскопия экспертизаси Венгрияда 1907 йилда, кейинчалик Англияда 1908 йилда, Норвегияда 1910 йилда, АҚШда 1911 йилда ўтказилган) фотосурат лабораториялари ташкил қилингани, Г.Гросс томонидан “Криминалистика” фанига асос солинганлиги билан бевосита боғлиқ.

Айнан юқоридаги тарихий воқеликлар боис оғир ва ўта оғир жиноятларни фош этиш, криминалистик техника ва тактика, жиноятларнинг алоҳида турларини тергов қилиш методикасини амалиётда қўллаш заруратини юзага келтирган.

Илк маротаба 1940 йилнинг охирида СССР прокуратура органларининг Тергов аппарати тергов чемоданида тўпланган зарур илмий-техник воситалар ва унга бириктирилган фотолаборатория ускуналари билан жиҳозланган².

Далилларни аниқлаш, тўплаш ва бирлаштириш мақсадида тергов чемоданида тўпланган илмий-техник воситалардан кенг фойдаланиш тергов амалиётига унинг илмий усулларини жорий этиш шартларидан бири сифатида қарала бошланган.

СССР Бош прокурорининг 1951 йил 31 майда “Тергов ишига тергов чемоданида тўпланган илмий-техник воситаларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 191-сонли буйруғи қабул қилинган.

Мазкур буйруқ асосида терговчиларни жиноятларни муваффақиятли фош этиш ва тергов қилиш учун тергов чемоданларидан самарали фойдаланишга ўргатиш тартиби жорий этилган.

Дастлаб прокуратура органларида прокурор-криминалист лавозими ҳамда терговчиларни ўқитиш жараёни мавжуд бўлмаган.

Илмий-техник воситалар билан ишлаш учун тергов бўлимида хизмат қилаётган прокурорларга топшириқ берилган.

Юқоридаги каби идоравий меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши прокуратура органларида прокурор-криминалист инсти-

тутини ташкил этиш учун дастлабки энг биринчи қўйилган кадам бўлиб хизмат қилган.

Прокурор-криминалистлар институти илк маротаба 1954 йил 19 октябрда СССР Бош прокурори томонидан “Прокурор-криминалистларнинг иши тўғрисида”ги 3/195-сонли кўрсатмасига биноан ташкил этилган³.

Ушбу кўрсатмадан сўнг Ленинград шаҳрида прокурор-криминалистларни тайёрлаш бўйича икки ойлик махсус курслар ташкил этилиб, 42 кишидан иборат бўлган гуруҳ аъзолари таҳсил олган.

Юқоридаги кўрсатмага мувофиқ, прокуратура органларида криминалистика хизматини жорий қилишга энг асосий вазифа сифатида қаралиб, прокурорларга қуйидагилар бириктирилган.

- терговни услубий жиҳатдан таъминлаш;
- тергов ишига тергов чемоданида жамланган илмий-техник воситаларни жорий этишни ташкил этиш ва назорат қилиш;
- криминалистика идораларини бошқариш.

1958 йил 15-22 май кунлари бўлиб ўтган Бутуниттифоқ прокурорлари конференциясида СССР Бош прокурорининг таъкидлашича, прокурор-криминалистлар институти ташкил этилганидан 4 йил ўтгач, *прокурор-криминалистлар терговчиларнинг ма-лакасини ошириш, терговнинг илмий-техник воситалари ва илмий усулларини амалиётга жорий этиш, шунингдек, тергов ишларида изобий тажриба алмашишни ташкил этиш бўйича ишларни амалга оширдилар.*

Прокурор-криминалистлар институти ташкил этилганининг 30 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ йиғилишда СССР Бош прокурорининг ўринбосари О.В.Сороканинг таъкидлашича, *“Жиноятларни очишда, терговнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашда, терговчиларнинг касбий маҳоратини оширишда прокурор-криминалистлар институти муҳим рол ўйнайди. Тергов*

2 <https://krk.sledcom.ru/folder/875976/item/875977/>

3 <https://krk.sledcom.ru/folder/875976/item/875977/>



аппарати фаоллигини оширишда дастлабки терговнинг таъкилий ва фактик асосларини янада такомиллаштиришда прокурор-криминалистнинг роли доимий равишда ошиб бормоқда”⁴.

СССР прокуратураси прокурор-криминалистлар институтига ўта муҳим аҳамият берилиб, тергов аппарати олдида турган асосий вазифани ҳар бир жиноятни очиш ва уни содир этганлик учун жазонинг муқаррарлиги муҳитини таъминлашга йўналтирилган.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга кiritгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида прокурор-криминалистлар ўз фаолиятини давом эттирган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси прокурорининг 1991 йил 15 ноябрдаги 896-сонли буйруғи асосида Республика прокуратураси аппарати таркибида Тергов бош бошқармаси янгидан ташкил этилган⁵.

Прокуратура идораларида терговни назорат қилиш **бошқармасида (катта) прокурорлар ва прокурор-криминалист** фаолият кўрсатиб келган.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органларида тергов сифатини ошириб боришда **прокурор-криминалистлар** муҳим ўрин тутган.

Прокурор-тергов ходимларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш орқали **тергов сифатини ошириш** алоҳида ўринга эга бўлган.

Прокурор-криминалистлар дастлаб прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси таркибида, кейинчалик 1993 йилдан – 2004 йилгача ушбу бошқарма таркибида ташкил этилган алоҳида Криминалистика бўлимида фаолият кўрсатишган ва 2004 йилда мазкур бўлим фао-

лияти тугатилган⁶.

Прокурор-криминалистлар фаолият юритган ушбу давр оралиғида улар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1994 йил 26 августда 22-5-сонли «Тергов амалиёти» номли рисола-тўплам сериясини чоп этишга киришиш тўғрисида”ги кўрсатмаси қабул қилинган.

Мазкур кўрсатма билан прокурор-криминалистлар олдида терговчиларнинг малакасини ошириб бориш, эришилган ютуқларни терговчилар орасида кенг ёйиш, янги ва ўзини оқлаган услублар билан уларни қуроллантириб бориш вазифаси қўйилиб, “Тергов амалиёти” деб номланган рисолада у ёки бу турдаги оғир ва мураккаб жиноятларни тергов қилишда услубий тавсияларнинг моҳирлик билан қўлланилганлиги, айрим тергов ҳаракатлари ўтказиш усулларининг тезкор ва усталик билан амалга оширилганлигидан юзага келган самара, турли кўринишдаги илмий-техника воситаларини қўллаш ва экспертизалар тайинлашнинг ижобий ютуқлари, терговни тўғри ташкил этиш учун ишланган режа, тўғри йўналтирилган тахмин, жиноятларни очиш ва жиноятни фош этишдаги қўл келган ҳолатлар, жиноятларнинг содир этилиши сабабини аниқлашдаги зукколик, жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш каби муҳим жиҳатлар терговчиларга етказилиши белгиланган⁷.

Айнан ушбу кўрсатма асосида «Тергов амалиёти» рисоласини чоп этишга масъулик Бош прокуратуранинг Криминалистика бўлимига юклатилган.

Бундан ташқари, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни фош этиш, далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш каби кечиктириб бўлмайдиган тезкор-тергов ҳаракатлари ўтказишда вилоят прокуратураларининг про-

4 А.В.Горовацкий. Судга қадар бўлган босқичда прокурор-криминалистнинг иштироки. Ю.ф.н. даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. 25-бетидан Россия Федерацияси Бош прокуратураси Санкт-Петербург юридик институтида 24.04.2004 йилда чоп этилган.

5 Қонун ҳимоясида ҳаёт бахшида... Мустақил Ўзбекистон прокуратурасининг 30 йиллигига бағишланади // – Тошкент: “ТАМАДДУН” нашриёти, 2022 й. – 183-бет.

6 Қонун ҳимоясида ҳаёт бахшида... Мустақил Ўзбекистон прокуратурасининг 30 йиллигига бағишланади // – Тошкент: “ТАМАДДУН” нашриёти, 2022 й. – 183-бет.

7 Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг “Тергов амалиёти” туркум рисолалар тўпламининг 1-сони. 3-5-бетлар.



курор-криминалистлари, ички ишлар органларининг техник жиҳатдан таъминланган эксперт мутахассислари ва бошқа вакиллар жалб қилинган⁸.

Шу билан бирга, жойлардаги терговчиларга жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллаш, криминалистик билимларини ошириб бориш бўйича ўқиш ташкил этиш масаласи ҳам прокурор-криминалистлар зиммасига юклатилган.

Айнан прокурор-криминалистлар Республика прокуратураси ҳузуридаги Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш марказининг ўқув гуруҳларини тўлдиришда, марказга жўнатилаётган тингловчиларни тавсифловчи маълумотлар асосида уларни билимига қараб фарқ қиладиган гуруҳларга ажратишда фаол ёрдам кўрсатиш вазифаларини, вилоят прокуратураси маҳкамасида терговчилар ўқишини ўтказиш каби вазифаларни бажаришган⁹.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг архив маълумотларига кўра¹⁰, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1994 йил 31 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Криминалистика бўлими ва қуйи тармоқ прокурор-криминалистлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш тўғрисида”-ги 14-сонли буйруғи ижросини текшириш юзасидан криминалистика бўлими бошлиғи З.Б.Баймухановнинг 2003 йил 11 июлда тузган маълумотномасида, ушбу бўлим ходимларининг (бўлим бошлиғи, бўлим катта прокурори, бўлим прокурори, етакчи мутахассиси, 1-даражали мутахассис, хизмат автомашина ҳайдовчиси жами 6 нафар ходим) хизмат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1994 йил 31 ян-

вардаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Криминалистика бўлими ва қуйи тармоқ прокурор-криминалистлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги 14-сонли буйруғи ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси криминалистика бўлими ва қуйи тармоқ криминалистлари тўғрисида”ги низом талаблари асосида Бош прокуратура, Тергов бош бошқармаси ва бўлимнинг иш режалари бўйича ташкил қилинганлиги кўрсатилган.

Криминалистика бўлими томонидан *фош этилмаган қотиллик ва зўрлаб номусга тегиш жиноятлари юзасидан* мунтазам таҳлилий статистик ҳисоботлар юритилган.

Шунингдек, криминалистика бўлимида Бош прокурор ўринбосари томонидан 2000 йил 26 январда тасдиқланган кўрсатма талаблари бўйича қуйи тармоқ прокурор-криминалистлари томонидан республикада содир этилган ва фош этилмасдан қолаётган қасддан одам ўлдириш ва номусга тегиш жиноятлари ҳақидаги тезкор маълумотлар ҳар чорак якунида умумлаштирилиб, жиноятларни фош этиш аҳволи таҳлил қилиб борилган, тезкор маълумотлар махсус компьютер хотирасига жойланиб алоҳида маълумотлар базаси яратилган¹¹.

Натижада республикада қасддан одам ўлдириш ва номусга тегиш жиноятлари бўйича ўз вақтида ташкилий чора-тадбирлар кўриш, икки ёки ундан ортиқ фуқаролар жиноят қурбони бўлган ҳолатларда прокурор-криминалистларнинг ҳодиса жойига чиққан ҳолда терговчига амалий-услубий ёрдам беришини ташкил қилиш, фавқулотда ҳодисалар ва фош этилмасдан қолаётган ўта оғир жиноятлар ҳақида қисқа вақт ичида тезкор маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш имкониятлари мавжуд бўлган.

8 Б.М.Мустафоев. Тергов маҳорат ва фидойилик мактаби. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг “Тергов амалиёти” туркум рисоалар тўпламининг 1-сони. Тошкент.: Адолат нашриёти. 1995 й. 13-бет.

9 А.Ж.Давлетов. Тергов ходимлари касб маҳоратини ошириш – тергов амалиётини такомиллаштиришнинг бош йўналишидир. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг “Тергов амалиёти” туркум рисоалар тўпламининг 1-сони. Тошкент.: “Адолат” нашриёти. 1995 й. 19-20-бетлар.

10 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси архивидаги 2003-2008 йилларга оид доимий сақловдаги Фонд №М-76 рақам билан рўйхатга олинган ҳужжатлар жамланмасидан олинган.

11 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси архивидаги 2003-2008 йилларга оид доимий сақловдаги Фонд №М-76 рақам билан рўйхатга олинган ҳужжатлар жамланмасидан олинган.



Бундан ташқари, прокуратура органларида мавжуд бўлган криминалистика техника воситаларининг умумий ҳисоби юритилиб, улар ҳақидаги маълумотлар бўлимдаги махсус компьютернинг хотирасида сақланган.

Шунингдек, фавқулотда ҳодисалар ва содир этилган ўта оғир жиноятларни фош этиш юзасидан ҳодиса содир бўлган жойга чиқиб кўздан кечириш ва бошқа муҳим тергов ҳаракатларини ўтказишда илмий-техника воситаларини қўллашда терговчиларга амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатишган.

Бўлимнинг мутахассислари тергов ҳаракатлари ўтказилишида фаол иштирок этиб, фотоаппарат, видеокамера ва бошқа криминалистик техника воситалардан фойдаланган ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатишган.

Одам ДНКси бўйича экспертиза тайинлашга доир масалалар юзасидан ўрганилган жиноят ишлари бўйича маълумотномалар, жиноятларни иссиқ изидан фош этишга қаратилган бошқа тергов ҳаракатлари ўтказиш бўйича тегишли ёзма кўрсатмалар берилган.

Бўлимда фаолият юритган прокурор-криминалистларнинг ёзма кўрсатмалари асосида 2003 йилнинг 6 ойида олдинги йиллардан фош этилмаган қасддан одам ўлдириш жиноятларининг 10 таси фош қилинган¹².

Республикада прокуратура органларининг тергов сифати ва самарадорлигини ошириш криминалистика бўлимининг энг асосий вазифаси сифатида белгиланган.

Бўлим томонидан прокурор-тергов ходимларининг касбий билими ва тергов маҳоратини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган “Тергов амалиёти” туркум мақолалар тўплами нашр қилиб келинган ва унда асосан тергов юритишнинг илғор тажрибалари, амалга оширилган ижобий ишлар, айрим тергов ҳаракатлари ўтказишнинг усул ва услублари, қонунчиликка доир янгиликлар, терроризм ва гиёҳвандлик каби бир қатор долзарб мавзулар ёритилган.

Вилоятларда фаолият кўрсатиб келган

прокурор-криминалистлар криминалистика бўлимига иш ўрганиш учун чақирилиб, якка тартибда тузилган иш режалари асосида тегишли синов имтиҳонларидан ўтказилган.

Худудий прокурор-криминалистлар асосан ҳодиса содир бўлган жойга чиқиш, жиноят иши бўйича амалий ёрдамлар кўрсатиш, терговчилар ўртасида ўқув-амалий машғулотлар ўтказиш, терговчиларга шахсий топшириқлар бериш, синов қабул қилиш, терговчиларнинг иш ўрганишини таъминлаш вазифалари билан шуғулланган.

Бундан ташқари, прокурор-криминалистлар жиноят-процессуал фаолиятда ҳам фаол иштирок этиб, жиноят ишларини назорат тартибиде ўрганиш, терговчилар томонидан асосиз қабул қилинган терговни тўхтатиш, тугатиш, жиноят ишини қўзғатиш ва жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қарорларини бекор қилиш, жиноят иши бўйича ёзма кўрсатмалар бериш каби вазифаларни амалга оширган.

Прокурор-криминалистлар жойлардаги эксперт-криминалистика марказлари, тегишли соҳа мутахассисларини тергов ҳаракатларига жалб қилишни ташкил қилиб, уларнинг кўмагидан самарали фойдаланишни таъминлашга доир ҳамкорликни йўлга қўйган.

Прокурор-криминалистлар фаолиятдан судларда давлат айбловини қувватлаш, жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларини ўтказишда ҳам бевосита фойдаланилган.

Хусусан, 2003 йилнинг биринчи ярмида Андижон, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилояти прокуратураси прокурор-криминалистлари 12 та жиноят иши юзасидан давлат айбловини қувватлаш учун жиноят ишлари бўйича судларда иштироки таъминланган бўлса, Республика Ҳарбий прокуратураси прокурор-криминалисти томонидан 3 та, Ўзбекистон Транспорт прокуратураси прокурор-криминалисти томонидан 4 та иш бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилган.

Қуйи турувчи вилоят ва унга тенглашти-

12 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси архивидаги 2003-2008 йилларга оид доимий сақловдаги Фонд №М-76 рақам билан рўйхатга олинган ҳужжатлар жамланмасидан олинган.



рилган прокуратураларда фаолият кўрсатган прокурор-криминалистлар криминалистик чемоданлар билан таъминланган.

Шунингдек, ҳар бир ўрта бўғин прокуратураларида фотолаборатория, криминалистика хоналари бўлиши талаб этилган.

Прокурор-криминалистлар томонидан тергов сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилиниб, уларни бартараф қилишга қаратилган бир қатор ташкилий ва тизимли ишлар олиб борилиб, ҳудудий прокурорлар эътиборига етказиш бўйича кўрсатма хатлари юборилган.

Прокурор-криминалистлар фаолият юритган даврда прокуратурада тергов сифатини таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда прокуратура органлари тизимида прокурор-криминалистлар фаолияти 2004 йилга қадар амалда бўлиб, кейинчалик ушбу штат бирликлари прокуратуранинг бошқа ташкилий тузилмаларига ўтказилган. 2004 йилдан-2020 йилга қадар бўлган даврда прокурор-криминалистлар фаолиятини тергов ҳаракатларида илмий-техник воситаларни қўллаш борасидаги вазифаларни прокурор-тергов ходимларининг ўзлари бажариб келишди. Лекин тергов сифатида самарали натижаларга эришилмади.

Кейинги йилларда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг янгидан-янги турлари кўпайиб, жиноятларни содир этиш усуллари мураккаблашиб бораётганлиги, шунга кўра фош этишда бир мунча қийинчиликлар юзага келаётганлиги, оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилишда прокурор-криминалистга бўлган эҳтиёжни пайдо қилди.

Мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар

ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги 6041-сонли фармони билан Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тизимида прокурор-криминалист лавозими қайта ташкил этилди¹³.

Мазкур фармон асосида барча терговчилар видеокамера, веб-камера ва диктофонлар билан, прокурор-криминалистлар эса 79 та замонавий криминалистик техникадан иборат тергов чемоданлари билан таъминланди ҳамда ҳудудий прокуратуралардаги кўчма криминалистик лабораториялар зарур замонавий техникалар билан жиҳозланди¹⁴.

Ҳозирги кунда прокурор-криминалистлар фаолияти биргина Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 12 июлдаги 243-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низом¹⁵ билан тартибга солинган.

Прокурор-криминалист фаолияти қайта ташкил қилинганидан сўнг Бош прокурорнинг 2020 йил 28 сентябрдаги буйруғи билан прокуратура органлари тизимида 17 нафар прокурор-криминалист ходим учун штат бирликлари ташкил этилди.

Бош прокуратуранинг бошқарма катта прокурор-криминалисти томонидан прокуратура органлари терговчиларининг замонавий криминалистик техникалар билан таъминланиш даражаси таҳлил қилиниб, улар 363 та камера, 503 та веб-камера, 414 та диктофон билан таъминланди.

Ҳудудий прокуратураларда фаолият олиб бораётган прокурор-криминалистлар 79 та предметни ўзига мужассам қилган тергов че-

13 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон фармони //www.lex.uz

14 Қонун ҳимоясида ҳаёт баҳшида... Мустақил Ўзбекистон прокуратурасининг 30 йиллигига бағишланади // – Тошкент: “ТАМАДДУН” нашриёти, 2022 й. – 184-б.

15 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 12 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 243-сонли буйруғи.



моданлари билан таъминланди¹⁶.

Шунингдек, прокурор-криминалистлар томонидан прокуратура органларида тергов қилиниб қош этилмаган жиноят ишлари, бедарак йўқолган фуқаролар, шахси номаълум мурдалар бўйича ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолияти таҳлил қилинган.

Бундай тоифадаги маълумотларнинг электрон шаклдаги базаси яратилиб, келгусида ушбу базанинг янгиланган борилиши бўйича Ички ишлар вазирлигига кўрсатма берилган.

Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси катта прокурор-криминалисти ташаббуси билан олдинги йиллардан қош этилмасдан қолган айрим жиноятлар янги замонавий криминалистик техникаларни қўллаган ҳолда (Ички ишлар вазирлигининг “Папилон” ва “Адис Сонда” дактилоскопик комплекси имкониятларидан, биометрик идентификация тизимидан фойдаланган ҳолда) ҳодиса содир бўлган жойдан олинган қўл бармоқ излари ўзаро солиштирилиши натижасида ўнлаб қош этилмаган қотилликнинг очилишига эришилган.

2023 йилнинг ўтган даврида Бош прокуратуранинг прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси ташаббуси билан республика бўйича қош этилмаган 5 та қотиллик жиноятининг қош этилиши таъминланган¹⁷.

Юқоридагилардан келиб чиқиб проку-

рор-криминалистлар институтининг пайдо бўлиши, ривожланиши, шаклланиш босқичларини алоҳида ўрганиш уни алоҳида даврлаштиришни тақозо қилиб, прокурор-криминалистлар институтининг ўзига хос ривожланиш тарихини қуйидаги босқичларга ажратиш лозим.

Биринчи босқич – жиноят жойига чиқиш, жиноятчиликка қарши курашиш ваколатига эга бўлганларнинг маслаҳатларини тинглаш ва уларга риоя қилган ҳолда бажариш бўлган давр (*энг қадимги даврдан – XIX асргача*);

Иккинчи босқич – илмий-техник кашфиётлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, техника кашфиёти ютуқларини илк маротаба жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига татбиқ этилиши имконияти пайдо бўлган давр (*XIX-XX асрлар*);

Учинчи босқич – прокуратура органлари тизимида прокурор-криминалистлар лавозими жорий қилинишидан бошлаб мамлакатимиз мустақиллигигача бўлган давр (*1954 йил 19 октябрдан – 1991 йил 31 августгача*);

Тўртинчи босқич – мустақилликдан сўнг Бош прокуратуранинг криминалистика бўлимида прокурор-криминалистлар фаолият юритган даври (*1991 йилдан – 2004 йилгача*);

Бешинчи босқич – тергов сифатини яхшилаш, тергов фаолиятига илғор хорижий давлатлар тажрибасини жорий қилиш, прокурор-криминалистика бўлган эҳтиёж тақозоси (*2020 йилдан – ҳозирги вақтгача*).

#

16 И.Астанов, А.Тургунов. Тергов фаолиятини такомиллаштириш ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашда прокурор – криминалистнинг ўрни. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 02 (2022) / ISSN 2181-1415. 503-6

17 А.Имомназаров. Сифатли тергов адолатга гаров. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Нуқд” юридик газетаси, 2024 йил 22 феврал 8-сон. 3-бет



Журналда нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;

– матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

– ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.

На статьи, публикуемые в журнале, распространяются следующие требования:

– обзор общих политических, общественно-политических, правовых и практических вопросов темы, а также систематический анализ работы, проделанной в этих областях, новых теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций;

– постановка проблем, полнота теоретических и методологических аспектов материала, достоверность предоставленной информации, обоснованность проблемы, выводов, предложений и рекомендаций;

– логическое, последовательное, точное и лаконичное изложение идей, предложений и рекомендаций;

– отсутствие информации, не подлежащей публикации в открытой печати.

Статьи публикуются на узбекском, русском и английском языках.

Текст набирается на компьютере, шрифт «Times New Roman», размер шрифта 14 пт, межстрочный интервал 1.5, общий размер не более 8-10 страниц, напечатан на одной стороне стандартного формата бумаги А4, поля слева 3 сантиметра, справа 1,5 сантиметров, сверху и снизу 2 сантиметра;

– научные дискуссии, цитаты (ссылки) на использованные источники, цитаты, написанные шрифтом 12 пт, в однострочном интервале.

Первая страница статьи должна содержать следующую информацию:

– имя, фамилия и отчество (полное) автора (ов), место работы и должность, ученая степень и звание, почетное звание, номер телефона (сотового), адрес электронной почты;

– краткая аннотация и ключевые слова на узбекском, английском и русском языках.

Статья не будет принята к рассмотрению и публикации в следующих случаях:

– статья не соответствует вышеуказанным требованиям;

– наличие отрицательных рецензий;

– в случае принятия на заседаниях редколлегии решение не публиковать научную статью;

– если выявлено научное мнение другого автора, выводы и взгляды (плагиат).

Авторы и рецензенты несут ответственность за содержание представленных статей и достоверность фактов. Рукописи не рассматриваются и не возвращаются.